

Усмонжон Эргашевич Раҳимов
“Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси”
номзодлик диссертацияси 1994 йилда Самарқанд Давлат
университетининг ихтисослашган илмий кенгашида
ҳимоя қилинган
(10.02.02.-Ўзбек тили)

ИШНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ўзбек тилшунослиги пресуппозиция ҳодисасининг ўрганилиши энди-энди бошланди. Бу ҳодисанинг айрим қирраларини ёритувчи учта мақоланинг чиқиши¹ ҳам ўзбек тилшунослигида бу ҳодисани ҳали атрофлича ўрганилмаганлиги ва актуаллигини кўрсатади.

Маълумки, синтаксис, семантика, прагматика ўзаро диалектик боғлиқдир. Бугунги кунда Аниқ бўлиб қолдики, мазмуний синтаксис йўналишидаги ҳар қандай тадқиқот, агар у анна шу уч тушунчага асосланмас экан, ҳеч қандай тадқиқот, агар у ана шу тушунчага асосланмас экан, ҳеч қачон ҳолис ва илмий ҳулосага кела олмайди.²

Ю.С.Степановнинг таъкидлашича, семантика, синтактика, прагматика ҳозирги тилшуносликда кенг маънодаги тузилиш сифатида ўрганилмоқда.

Номинация _____ семантика _____ номинатив вазифа;

Предикация _____ семантика _____ синтактик вазифа;

Перформация _____ прагматика _____ прагматик вазифа;

Тилнинг юқорида кўрсатилган вазифалари ҳар бир тил учун умумий ҳисобланади.³ Лекин ҳар бир тилда мавжуд бўлган грамматик шакллар турлича мазмуний хусусият касб этади. Шунинг учун ҳар бир тилнинг прагматик вазифасини шу тил материаллари асосида изоҳлаш керак. Тилнинг прагматик вазифасини кўрсатувчи ҳодисалардан бири пресуппозициядир.

Пресуппозиция ҳодисаси ҳозирги замон лингвистикаси билан мантикий семантика ўртасидаги кўприк ҳисобланади.⁴ Бу ҳодиса гапнинг тўғри англаниши учун энг зарур компонентдир. Чунки пресуппозиция гапнинг вазият, контекст ҳамда сўзловчи ва тингловчиларнинг олдиндан маълум бўлган умумий билимлари каби элементларни ўз ичига олувчи ҳодисадир. Шунинг учун ҳар қандай гап пресуппозицияси ҳодисаси асосида таҳлил этилмаса, тўғри баҳоланмайди.

Ю.С.Степанов семантика белгилар (тил бирликлари)нинг ўзлари ифода этган нарсаларга муносабатини, синтактика белги (тил бирлиги)нинг белги

¹ Машмудов Н. Пресуппозиция ва гап; Нурмонов А. Қымакчилик конструкциялар пресуппозицияси. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986 й. 6-сон, 28-42 бетлар. Машмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1990 й, 2-сон, 23-б.

² Машмудов Н. Ю=оридаги МА=ола, 25-бет

³ Степанов Ю.С. Семиотическая структура языка. «Известия АН СССР». Серия литературы и языка. Том-32, вып.:4. 1983, стр.341

⁴ Лазеров В.В. Некоторые аспекты теории пресуппозиции. В кн.: Проблемы семантического синтаксиса. Пятигорск., 1975. стр.3

(тил бирлиги)га муносабатини, прагматика белги (тил бирлиги)нинг тилдан фойдаланувчиларга муносабатини кўрсатади⁵, - дейди. Пресуппозиция ҳодисаси прагматиканинг асосий узвларидан бири ҳисобланади. Чунки пресуппозиция сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ўзаро шартнома сифатида юзага келади. Шартнома эса тил birlikлари асосида тузилади. Шунинг учун прагматик сатҳда пресуппозиция ҳодисаси алоҳида аҳамиятга эга.

Н.Маҳмудовнинг фикрича, тил birlikлари ваш у тил эгаси ўртасидаги муносабат масаласи ҳозирги кунгача бўлган ўзбек тилшунослигида эътибордан четда қолиб келди¹. Шу жихатдан пресуппозиция ҳодисасининг тадқиқи ҳозирги кунгача бўлган ўзбек тилшунослигида кемтик жойни тўлдириш мумкин.

Мазмуний синтаксисда синтактик, семантик ва прагматик маънолар фарқланади. Прагматик маъно сўз ёки гапнинг муайян нутқ вазиятида англатадиган маъносидир². Прагматикага кўра тилдаги лексик маънога эга бўлмаган сўзлар, мавхум маъноли олмошлар, атоқли отлар турли пресуппозициялар англатиб келади. Шунинг учун ҳозирги ўзбек тилшунослигида лексик маънога эга бўлмаган турли birlikларнинг, олмошларнинг, атоқли отларнинг прагматикага кўра англатадиган пресуппозицияларини тадқиқ этиш шут ил birlikлари хусусида айтилган чалкаш фикрларни тўғрилашга имкон беради.

Прагматикага кўра тил birlikлари муайян нутқ шароитида умуман бошқа маъно англатиши ёки лексик маънога эга бўлмаган birlikлар ҳам маълум маънога эга бўлиши мумкин. Масалан, *фақат*, *ҳам*, *холос* каби сўзлар лексик маънога эга бўлмаса ҳам, муайян нутқ шароитида битта сода гапга тенг бўлган фикр англатиб кела олади. «*Фақат китоб олдим*» (Бошқа нарсаларни олмадим); *Китоб ҳам олдим* (Бошқа нарсаларни ҳам олдим); *Китоб олдим холос* (Бошқа нарсалар олишим керак эди, олмадим). Ёки Теша олиб келди гапини икки хил мазмунда тушунамиз. Шу гапни тўғри тушунишимиз учун бизга пресуппозиция ёрдам беради. Чунки бу гапни сўзловчи ва тингловчи учун маълум бўлган умумий билимга кўра фарқлаш мумкин. Агар муайн нутқ шароитида сўзловчи ва тингловчида қурилишда ишлатиладиган меҳнат қуроли – теша олиб келиш ҳақидаги ёки Теша исмли кишининг бирор нарса олиб келиши ҳақидаги олдиндан маълум бўлган билим мавжуд бўлсагина юқоридаги гапдан бирор нарсани тушуниш мумкин.

Ҳар қандай текст пресуппозицияга кўра шакл жихатдан содаллашиб, қисқариб боради. Тил тараққиётининг етакчи тенденцияси бўлган тил воситаларининг экономияси тенденцияси пресуппозицияга кўра мумкин бўлади.³ Агар бирор гапнинг барча пресуппозициялари шаклан ифодаланадиган бўлинса, бир гап билан ифодаланадиган фикр бир нечта гаплар билан ифодаланади.

⁵ Степанов Ю.С. Кўрсатилган ма=ола. 341-бет.

¹ Маҳмудов Н. Кўрсатилган ма=ола. 25-бет.

² Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка события. Факт. М., 1988, стр.5

³ Маҳмудов Н. Ёша ма=ола. 31-бет

Ҳозирги кунда тилшуносликда гапларнинг стилистик жиҳатдан мураккаблашуви эътироф этилади. Лекин семантик мураккаблашуви эса атрофлича ёритилган эмас. Ҳар қандай сода гапда пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар, айниқса лексик маънога эга бўлмаган ёрдамчи сўзлар, олмошлар, равишлар, ўхшатишли қурилмалар иштирок этадиган бўлса, ўша гап мазмуний жиҳатдан мураккаб бўлади. М.:

1. Китоб ҳам олдим. (Бошқа нарсалар ҳам олдим)
2. Фақат китоб олдим (Бошқа нарсалар олмадим)
3. Мен олган нарса китоб эмас (Китоб деб ўйланган)
4. Ўша гапдан ҳафа бўлма (Аввал қандайдир гап айтилган)
5. Китобнинг охири яхши (Бошланиши яхши эмас).

Юқоридаги гаплар пресуппозицияга кўра мазмуний жиҳатдан мураккаблашган.

Гапларнинг коммуникатив типларини тадқиқ этишда ҳам пресуппозицияга мурожаат қилмасликнинг иложи йўқ. Маълумки, сўроқ гапларда ҳукмнинг ифодаланиши ҳақидаги фикрлар ҳозирги кунгача мунозарали бўлиб келмоқда. Баъзилар ҳукм ифодаланмайди¹, - деса, баъзилари ҳукм яширин ифодаланди², - дейди. Айрим сўроқ гапларда ҳукм ўта хусусий кўринишга эга³, - деб изоҳласа, айримлар сўроқ гапда ҳукм ифодаланмайди⁴, ҳақиқий ҳукм сўроққа берилган жавобдан англашилади, дейди. Бизнингча, юқорида айтилган фикрларни пресуппозицион таҳлил асосида умумлаштириш зарур. Чунки –ми, -чи, -а, -я каби сўроқ мазмун ҳосил қилувчи **гапнинг мазмун аспектини ясовчи қўшимчалар**⁵ (биз –ми, -чи, -а, -я кабиларнинг турли хусусиятларидан ва юкламаларнинг мазмуний грамматик талқинидан ҳамда сўроқ гапларнинг махсус гапнинг коммуникатив тури эканлигидан келиб чиқиб юклама демадик) орқали ҳосил қилинган сўроқ гапларда ҳукм ифодаланмайди. Ҳукм сўроққа берилган жавоб орқали ифодаланади. Лекин пресуппозицион таҳлил этилса, айрим ўринларда ҳукмнинг яширин ифодаланиши кўзга ташланади. М.: Шўҳ, қизиққон, беодоб бола эди-а? гапидан «Ҳозир сипо, босиқ, одобли бўлиб қолганлиги» тўғрисидаги ҳукм яширин ифодаланмоқда. Бундай ҳукмни пресуппозицияга кўра тушунишимиз мумкин¹:

Сўроқ олмошлари ёрдамида тузилган «аслий сўроқ гаплар»² да ҳукм хусусий тарзда яширин англашилади. М.: Ким кеч қолди? (Кимдир кеч қолган).

«Нисбий сўроқ гаплар»³ да ҳам ҳукм пресуппозицияга кўра яширин ифодаланди, лекин хусусий кўринишда эмас.

¹ Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. М., 1975. стр.92

² Попов П.С. Суждение. М., 1957. стр.20

³ Копнин П.В. Диалектика. Логика. М., 1973. стр.217

⁴ Ашмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. Тошкент, 1979, 56-бет

⁵ Бозоров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1972. 2-сон. 27-бет. Бу ма=олада гап турини ҳосил =илувчи юкламалар дейилади.

¹ Чунки пресуппозиция сўзловчи ва тингловчи ыртасидаги шартнома асосида тушуниладиган нут=ий шодисадир.

² Ашмедов А. Қырситилган асар. 122-бет

³ Ашмедов А. Қырситилган асар. 131-бет

Демак, гапнинг коммуникатив турларининг ўзига хос хусусиятларини ойдинлаштиришда пресуппозицион таҳлил алоҳида аҳамият касб этар экан.

И.Баллертнинг фикрича, пресуппозиция импликациянинг хусусий муносабатидан келиб чиқадиган ва текст ичидаги гапларнинг боғланишини ҳосил қилувчи зарур ҳодиса ҳисобланади.⁴ Чунки ҳар қандай гапда бирдан ортиқ импликация мавжуд бўлиши мумкин. Бу импликациялар хусусий ва нутқий ҳисобланади. Ҳудди шу импликациялар асосида текст ичидаги гаплар ўзаро боғланиб, маълум мазмунга эга бўлади: М.: Аҳмаднинг тўнғич ўғли Карим Андижондан Тошкентга ўқишга кетди» типидagi гаплардан турли импликацияларни тушуниш мумкин. (И.Баллерт квазимпликация деб атайд⁵).

1. Аҳмаднинг фарзандлари бир нечта.
2. Карим Аҳмаднинг энг катта ўғли
3. Аҳмаднинг Каримдан бошқа ўғиллари ҳам бор
4. Карим ўрта мактабни тугатган
5. Карим талаба
6. Карим шу кунгача Андижонда бўлагн
7. Карим ҳозир Тошкентда
8. Аҳмад – ота, эркак
9. Карим – ўғил, эркак.

Кўринадики, бир гап орқали бир қанча пресуппозициялар англаниши мумкин. Бу пресуппозициялар дедуктив ва индуктив жиҳатдан чиқарилган ҳукмлар асосида тушунилади. Текст ичида бундай мураккабликни В.К.Кёка «Инсон – олам» умумий қурилма (модел) орқали изоҳлайди. Бундай умумий системага тилнинг философик, психологик, социологик томонлари бирлашади ҳамда бу масалани «тил қандай вазифани бажаради ва лисоний ишора воситалар қандай маънони касб этади» тарзида изоҳлаш кераклигини уқтиради.¹

Демак, текст қурилишида диалектив боғланишни ҳосил қилувчи ҳодиса сифатида ҳам алоҳида аҳамият касб этар экан.

Тилда мавжуд бўлган омонимия, синонимия, антонимия ҳодисаларини ҳам пресуппозицион таҳлил этилса, айрим ўзига хос қирралари очилган бўлар эди. Бу ҳодисаларнинг турли хил сатҳларида мавжуд эканлиги ва ҳар бир сатҳда ўзига хос восита орқали рўёбга чиқишини пресуппозицион таҳлил орқали тушунтириш мумкин.

Н.Д.Арутюнова қуритмоқ (сушить) феълидан «хўллик» (мокро) маъносини уқиб олишимиз мумкин², - дейди. Лекин «хўллик» маъноси «қуритмоқ» сўзининг гап ичида турли хил сўзлар доирасидаги муносабати асосида англашилади. Гапда «хўллик» маъноси шаклан ифодаланмаса ҳам «қуритмоқ» сўзининг мазмуний боғланишидан англашилиб туради. М.:

⁴ +аранг: Реферативный сборник. Проблемы теории текста. М., 1978. стр.104

⁵ Баллерт И. Об одном условии связности текста. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып: УШ.М., 1978, стр.175

¹ +аранг: Реферативный сборник. Проблемы теории текста. М., 1978. стр.105

² Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М., 1976. стр.115

Жуман кўлагини қумга ёйиб қуритди (А.Мухтор) гапидан «Жуманнинг кўйлаги хўл эди» пресуппозицияси антонимия ҳодисаси орқали англашилмоқда.

Халқ мақоллари, маталлари ва ибораларини ҳам мазмуний грамматик хусусиятларини аниқлаштиришда ҳамда уларнинг тўлиқ бадий қийматини белгилашда, қолаверса, уларни тўғри тушунишда пресуппозицион таҳлил кўл келади. Чунки кўпгина халқ мақоллари, маталлари ва иборалари тўла шаклланмаган ҳолда берилади. Бундай ҳолат уларнинг мазмуний грамматик ва стилистик хусусиятидан келиб чиқилган ҳолда юзага келган. Уларнинг тўла шаклан ифодаланмаса ҳам тушунарса бўлишлиги пресуппозицияга кўради. М.: Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди (х.м.). Бу халқ мақолидан «Ёлғон эгилганда, букилганда синади» тарзидаги пресуппозиция англашилмоқда. Бу халқ мақолининг бадий қимматини, стилистик хусусиятини пресуппозиция аниқлаштиради. Агар биз ёлғоннинг умри қисқалиги, синиши, ўлиши ҳақидаги умумий билимга эга бўлмасак, юқоридаги халқ мақолининг бадий қимматини тушунмаган бўлар эдик.

Бадий таржима масалаларида ҳам пресуппозиция ҳодисасини билмаслик турли ҳатоликларни, чалкашликларни келтириб чиқаради. Чунки ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, халқ мақоллари, маталлари, иборалари, географик жойлашиш жиҳатдан айримлиги, иқлимнинг ўзгачалиги бор. Ана шундай ноўхшашликлар асосида тушуниладиган хусусий пресуппозициялари мавжуд. Шу пресуппозициялар тўғри аниқланиб, таржимада ҳам ўша халқдаги сингари етказилмаса, бадий таржимада ҳатолик келиб чиқади. Ёки умуман аслидаги мазмун тўла англашилмай қолади.

Хуллас, пресуппозиция прагматиканинг ўзига хос серқирра узвларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу ҳодисанинг юзага чиқиши ва ишора воситалари ҳар бир тил материаллари асосида ўрганилиши керак.

Бу ҳодиса гапнинг тўғри англаниши учун зарур бўлган элемент ҳисобланади ва лингвистика билан мантикий семантика ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради.

Пресуппозиция гапнинг вазият, контекст ва сўзловчи ҳамда тингловчига олдиндан маълум бўлган билимлар хазинаси каби мураккаб узвларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳар қандай гап пресуппозицион таҳлил этилмаса, тўғри баҳоланмайди.

Пресуппозиция ҳодисасининг ўрганилиши ҳозирги ўзбек тилшунослигининг кемтик жойи бўлган тил бирликлари ва шу тил эгалари ўртасидаги муносабат масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

Лексик маънога эга бўлмаган турли тил бирликларининг, хусусан, юқламалар, кўмакчилар, боғловчилар, модал сўзлар ҳамда олмошлар, атоқли отлар, равиш кабиларнинг прагматикага кўра англатадиган маъноларини пресуппозиция ҳодисасининг тадқиқи орқали аниқлаштириш мумкин бўлади.

Тил тараққиётининг етакчи тенденцияси бўлган тил экономияси тенденцияси пресуппозиция орқали юзага келади.

Пресуппозиция ҳодисасининг ўрганилиши содда гапларнинг мазмуний мураккаблашуви ҳақидаги илмий тадқиқотларга йўл очади, гап коммуникатив типларининг янги-янги қирраларини ёритишга ёрдам беради.

Тилнинг философик, психологик, социологик томонлари пресуппозицияга кўра «инсон – олам» умумий қурилма-системада бирлашади.

Тилда мавжуд бўлган омонимия, синонимия, антонимия ҳодисаларининг ўзига хос қирраларини ёритишда ҳам пресуппозиция ҳодисасининг талқини ўзига хос аҳамият касб этади.

Халқ мақоллари, маталлари, ибораларининг мазмуний грамматик, стилистик, бадий хусусиятларини аниқлашда ва уларнинг қимматини тўғри тушуниб етишга имконият яратади.

Бадий таржиманинг ҳозирги кундаги бир қанча муаммоларини ечишда ҳам пресуппозиция кўл келади.

Умуман, ўзбек тилшунослигидаги бир қанча муаммоларни ҳал этишда янги ҳодиса сифатида актуаллик касб этади.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, пресуппозиция ҳодисаси ниҳоятда кенг қамровли ҳодиса ҳисобланар экан. Шунинг учун ишимизда бу ҳодисанинг маълум бир қиррасини ёритишни лозим топдик.

Ишимизда маълум ишора воситасига эга бўлган лингвистик пресуппозиция тадқиқ этилади. Лингвистик пресуппозиция ҳам кенг маънода қўлланувчи, ишора воситалари хилма-хил бўлган мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўзбек тилшунослигида ҳали монографик планда ўрганилмаган, гапнинг прагматик аспектида марказий ўрин эгналловчи юкламалар пресуппозициясини тадқиқ этиш ишимизнинг асосий объекти сифатида текширилади. Ишнинг текшириш кўламида юкламалар англатган пресуппозициялар ташкил этади.

Ишда асосий эътибор юкламалар орқали англашилган пресуппозицияларга ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига қаратилди. Яна шу юкламалар пресуппозициясига жуда яқин турадиган ҳамда бир-бири билан чамбарчас алоқада бўлган актуал бўлиниш ҳодисасининг пресуппозиция ҳодисаси боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларига ҳам тўхталинди. Чунки бу ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этмасдан туриб, шу ҳодисалар ҳақида ҳолисона ва илмий хулосалар чиқариш мумкин эмас.

Пресуппозициянинг бошқа томонлари, яъни логик хусусияти, маълум тилларга хослиги, умумийлиги, ижтимоийлиги, индивидуаллиги, классификациялари кабиларга ишимизнинг туб мақсади эмаслигини ҳисобга олиб, умумий тарзда, ахборот сифатида тўхталинди холос.

Ишимизда пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар ҳақида дастлабки изланишлар берилади. Яъни юкламаларнинг пресуппозиция англатиб келиш ўринлари ва уларнинг ўзига хос грамматик-семантик хусусиятларини тадқиқ этишга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга юклама иштирок этган гапнинг семантик мураккаблашуви ва уларнинг синтактик, семантик, прагматик хусусиятлари очилди.

Тадқиқот методи ва методологияси

Маълумки, совет тилшунослигида методика, метод ва методология тушунчалари аниқ фарқланади. Методика – дастлабки тил фактларини аниқлаш, ўрганиш бўлса, метод ҳақиқатни билиш йўли ва тил фактларига лингвистик таъриф беришдир. Методология эса метод категориясини умумий фалсафий метод бўлган диалектик материализм билан боғлайдиган таълимотдир.¹ Ҳозирги тилшунослигимиздаги олиб борилаётган илмий тадқиқотлар диалектик материализм методологиясига асосланади. Чунки бу методология борлиқни илмий асосда ўрганиладиган барча фанларнинг умумий методи ҳисобланади.

Тадқиқотимиз диалектик материализм методологиясига асосланди. Чунки тадқиқотимизда объектив борлиқ ва уни ифода қилувчи тил материаллари материалистик дунёқараш нуқтаи-назаридан изоҳланади. Ишимизда ёритилиши керак бўлган масала эса ҳозирги кунгача тилшуносликда қўлланиб келинган методлар ёрдамида тадқиқ этилди.

Жумладан, пресуппозиция ҳодисасининг бошқа тилларда ўрганилганлигини ҳисобга олиб, ўзбек тили материалларини бошқа тилларда ўрганилган материалларга қиёслаш асосида хулосалар чиқардик. Ишнинг ўрганиш объектини ўзбек тили материаллари асосида ёритишда тилнинг системалилик принциpidан келиб чиқиб ёндашилди. Юкламалар иштирок этган гаплар ва юкламалар англатган пресуппозициялар трансформацион метод асосида талқин этилди.

Маълум бир фан тараққиёт даврида турли методлар майдонга келади. Шу методлар эса фан тараққиётини белгилайди. Шунинг учун илмий изланишлар ягона метод асосида талқин этилмайди, балки шу фан тараққиёт босқичида қўлга киритган методлари мажмуаси сифатида майдонга келади. Методларнинг мажмуасини эса тадқиқот объекти ва унинг ўзига хос қирралари белгилайди. Шунинг учун биз ишимизда материалистик дунёқарашни акс эттирган диалектик материализм методологияси асосида қиёслаш, трансформацион ва системалилик методларидан, шунингдек, ишимизнинг айрим қирраларини ёритишда дедуктив ва индуктив методлардан фойдаландик.

¹ Баскаков Н.А., Соди=ов С.А., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент. 1979. 117-бет

КИРИШ

Диссертацияда кейинги йилларда тилшуносларни ўзига жалб қилган, ҳозирги замон тилшунослигининг мазмуний йўналиши билан боғлиқ бўлган бир қанча актуал масалалар ёритилади.

Тил системасининг энг қуйи даражаси фонология бўлса, синтаксис унинг энг юқори даражасидир.¹ Ҳақиқатдан ҳам синтаксис мазмуний бирликлар системасини, уларни ҳосил қилувчи компонентларни, улар орасидаги муносабатни ўз ичига олган мураккаб тил бўлими ҳисобланади. Шунинг учун ҳам синтаксисни талқин этиш ҳали тўхтагани йўқ, балки кейинги йилларда яна ҳам ривожланиб кетди. Айниқса, синтаксисни мазмуний йўналиши бўйича ўрганиш ҳозирги дунё тилшуносларининг асосий объектига айланмоқда.

«Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир» (В.И.Ленин). Тилдан фойдаланиш бу восита - қурол орқали фикрни шакллантириш, ифода қилиш ва баён қилишдан иборатдир. Фикр гаплар орқали шаклланади ва ифодаланади. Гаплар орқали ифодаланган фикрлар, воқеа-ҳодисалар – коммуникация кишиларга турлича таъсир қилади ва буни кишилар хилма-хил талқин қиладилар. Демак, гапнинг юқоридаги, мураккаб қирраларини синтаксисда аниқ кўрамиз. Шунинг учун ишимизда гапнинг мазмуний қиррасига алоқадор бўлган ва мазмун томонини ранг-баранг қилувчи воситалар талқини асосий ўринни эгаллайди. Тил орқали бўладиган алоқа – аралашувнинг, фикр ифодалашнинг энг содда шакли бўлган гапни ташкил этувчи синтактик элементларнинг семантик-синтактик, прагматик жиҳатдан ўрганиш ишнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

Бунда айниқса, ёрдамчи сўзларнинг гап таркибида келиб, пресуппозиция англатиб, гапнинг коммуникатив функциясини кенгайтириши, баъзан гапга тенг келадиган мазмун ифодалаши каби ҳодисалар билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича ёритилади.

Пресуппозиция ҳодисаси синтактик семантиканинг актуал проблемаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, гап семантикаси тадқиқоти шуни кўрсатадики, пресуппозиция ҳодисасининг ўрганилиши гапнинг семантик-синтактик қурилиши ва у билан боғлиқ бўлган яна бир қатор муаммоларни объектив ҳал қилишга ёрдам беради.

Умуман тилда бўлгани каби, синтаксисда ҳам мазмун категорияси марказий категория ҳисобланади. Ҳолбуки, мазмун категориясиз синтаксис

¹ /уломов А., Ас=аров М. Ҳозирги ызбек адабий тили. Т., 1987. 4-бет

ўз «жони»дан маҳрум бўлиб, ўлик ва шартли қодалар суммасига айланади.¹ Шу жиҳатдан тил категорияларини семантик аспектда текшириш аввалги йилларда ҳам ўзига хос йўналиш касб этган эди. Лекин Е.В.Падучева таъкидлаганидек, яқин вақтларгача лингвистик семантика доирасига айрим сўзлар маъносини ўрганиш кирар эди, холос. Сўзга қараганда йирик тил бирликларини – гап ва текст мазмунини ўрганиш фақат кейинги йиллардагина бошланди.²

И.О.Маскальская ҳам юқоридаги фикрларни қувватлаб, «Семантик-синтактик категорияларни ўрганиш билан тилшуносликнинг янги «соҳаларидан бири – семантик-семантика шуғулланади» - деб, бундай йўналиш кейинги йилларда майдонга келганлигини таъкидлайди.³

Синтаксисни семантик планда ўрганиш 70-80 йилларда майдонга келган бўлса ҳам дунё тилшунослигида бир қанча кўзга кўринарли (қаранг: Д.Ю.Апресян, Д.Н.Шмелов, В.Г.Гак, Г.Б.Алисова, У.Вайнрех, Л.Вайсберг, А.Данеш, Ч.Филмор, А.Вежбицкий ва бошқ.) ишлар амалга оширилди. Айниқса, рус тилшунослигида бу соҳа бўйича бой тажриба яратилган ва бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. 70-80 йилларда яратилган грамматика соҳасидаги илмий тадқиқотларга назар ташласак, синтактик категорияларнинг семантик, мазмуний планда ўрганишга алоҳида аҳамият берилганлигини кўрамиз. Айниқса, И.П.Распопов⁴, П.А.Золотова⁵, Е.В.Падучева⁶, Н.Д.Арутюнова⁷, В.В.Богданов⁸, В.А.Звегенцев⁹ ва бошқаларнинг илмий изланишлари синтактик категорияларни семантик планда ўрганиш алоҳида йўналиш ташкил этаётганлигини кўрсатади. Ҳозирги тилшуносликда семантик йўналишнинг яна ҳам кучайиши билан характерланади. Ҳозирги даврда тилнинг системалилиги ҳақидаги назария тилшуносликдан қатъий ўрин олди. Тилга системалилик усули билан ёндашиш тилнинг барча элементларини ўзаро алоқадорликда текширишни тақозо этади. Шунинг учун тил системасини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро системалилик хусусиятидан келиб чиқиб текшириш семантик йўналишнинг кучайишига олиб келди. Айниқса, бу ҳол синтактик сатҳда ўзига хос кўринишни касб этди ва гапни структуравий метод асосида текшириш яна ҳам авж олди. Шу билан бирга синтаксисни семантикадан ажратилишига чек қўйилди. Лекин синтактик смемантиканинг ўрганиш кўлами масаласида бир тўхтамга келгани йўқ.¹

Кўриб ўтилган илмий тадқиқот ишларида гапнинг семантик структураси мураккаб ва кўп қиррали эканлиги таъкидланади. Ана шундай ишларда гапнинг семантик структурасида пропозитив, модал, коммуникатив

¹ Бугадов Р.Э. К теории синтаксических отношений. В Я, 1973, №1, стр. 15

² Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. М., 1974. стр.5

³ Маскальская И.О. Проблемы системного описания языка. М., 1974. стр.14

⁴ Распопов И.П. Очерки по теории синтаксиса. Воронеж. 1973

⁵ Золотова П.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. М., 1973

⁶ Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. М., 1974

⁷ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М. 1976

⁸ Богданов В.В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Автореферат докт. Дисс., Л. 1977

⁹ Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М. 1976

¹ Нурмонов А. Гап ша=ида синтактик назариялар. Тошкент. 1988 й, 58-64-бетлар.

каби элементлар мавжудлиги хақидаги қарашлар кўпчиликни ташкил этади. Бизнингча, пресуппозиция ҳам гапнинг мазмуний тузилишининг элементи ҳисобланади. Чунки пресуппозициясиз гапнинг тўлиқ мазмуний моҳияти очилмай қолади.

Ишда пресуппозиция ҳодисаси гапнинг амалий (прагматик) тузилишининг элементи сифатида талқин этилади. Шу билан бирга пресуппозиция билан боғлиқ бўлган гапнинг бир қанча мазмуний хусусиятларига алоҳида аҳамият берилди.

I. ПРЕСУППОЗИЦИЯНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Пресуппозиция ҳодисасининг ўрганилиш тарихи немик мантиқшунос файласуфи Г.Фреге номи билан боғлиқ. Г.Фреге пресуппозиция тушунчасини илмга олиб кирган бўлса ҳам, пресуппозициянинг назарий масалалари инглиз

олимларининг ҳаракатлари асосида юзага келган.¹ Пресуппозиция Г.Фреге, Е.Хилл, Ж.Катс, П.Постал, Ч.Филмор, П.Стросон, Мак-Колли, н.Хомский, Дж.Лакофф, Л.Морган, Р.Хорн, О.Дюкро, Д.Франк, К.Эберт, Н.Ризер, Ф.Кифер, Тойн А.ван Дейк, И.Баллерт, Дж.Остин, Ст.Хэмпшайр, Ч.Озгуд, П.Кипарский, К.Кипарский каби чет эл олимларининг терли илмий тадқиқот ишлари²да ўз аксини топди. Лекин бу ишларда пресуппозиция ҳодисасининг тадқиқи бир хилда эмас эди.

Рус тилшунослигида Н.Д.Арутюнова³, Е.В.Падучева⁴, В.А.Звегенцев⁵, Н.А.Торопова⁶ларнинг илмий тадқиқот ишларида пресуппозиция ҳодисаси ўзига хос йўналишда ўрганилди.

Ўзбек тилшунослигида Н.Маҳмудов⁷ ва А.Нурмонов⁸ларнинг ҳаракатлари туфайли бу ҳодисанинг тадқиқи бошланди.

Пресуппозициянинг ўрганилишида ҳар бир муаллифнинг ўзига хос ёндашувини кўриш мумкин. Бундай ёндашувни пресуппозиция ҳодисасига берилган таърифларда⁹, таснифларда ва унинг табиатини белгилашда¹⁰ кўришимиз мумкин. Уларнинг барчасида гапнинг тўғри қўлланиши ва тўғри англаниши учун зарур бўлган ва олдиндан маълум бўлган умумий билимлар, контекст ва вазиятни ўз ичига олиш хусусиятидан келиб чиқилган ҳолда тадқиқ этилади. Бундай ҳар хилликни, бизнингча шу ҳодисанинг ўзидан кидириш керак бўлади. Чунки пресуппозиция ҳодисаси ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, ҳар қандай гапда у ёки бу тарзда мавжуд бўладиган мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Пресуппозиция гапнинг тўғри қўлланиши ва тўғри англаниши учун зарур бўлган ва сўзловчи ҳамда тингловчига олдиндан маълум бўлган умумий билимлар, контекст, вазият каби мураккаб элементларни ўз ичига олганлиги билан ҳам кенг кўламда ўрганилиши керак бўлган ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун қатор олимлар дастлаб бу ҳодисанинг таснифи билан қизиққанлар. Агар пресуппозиция ҳар бир сатшда мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тасниф қилинмаса, таг-туби йўқ, моҳиятсиз бўлиб қолади. Ёки бу ҳодиса элементлари ҳамда унга ишора қилувчи воситалар талқинида ҳам чалкашлик юзага келади.

¹ +аранг: Семиотика и информатика. 8, М., 1977. стр.40-46

² Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М., 1976. стр.216-226. Яна =аранг: Т.ван Дейк. Вопросы прагматики текста; Ф.Кифер. О пресуппозициях. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. М., 1978. стр. 259-337.

³ Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиция в лингвистике. «Известия АН СССР». Серия лит. и языка. 1973. I-32, №1. стр85. Предложение и его смысл. М., 1976

⁴ Падучева Е.В. О понятие презумции в лингвистической семантике. В кн.: Семиотика и информатика. 8, - М., 1977

⁵ Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи

⁶ Торопова Н.А. Положительный противочлен отрицания *niht* в современном немецком языке (пресуппозиция отрицаний). Филологической науки. М., 1978. №2. стр.68

⁷ Мащмудов Н. Пресуппозиция ва гап. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986. 6-сон. 28-б. Ўзб.тили синтаксисининг долзарб масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1990. 2-сон. 23-бет

⁸ Нурмонов А. Қымакчили конструкциялар пресуппозицияси. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986. 6-сон. 42-бет

⁹ +аранг: Звегенцев В.А. Ёша китоб, 216-226-бетлар

¹⁰ +аранг: Арутюнова Н.Д. Проблемы синтаксиса и семантики в работах Ч.Филмора. В Я, 1973, №1, стр.123; Понятие пресуппозиции в лингвистике. «Известия АН СССР». Серия лит.и языка. 1973. 1-32, вып №1 стр.89, Кифер Ф. О пресуппозициях. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.:8. М., 1978. стр.367; Мащмудов Н. Пресуппозиция ва гап. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986, 6-сон, 28-бет

Бундай ҳар хиллик пресуппозицияни ўрганувчи бир қанча олимларнинг изланишларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Г.Фреге ва П.Страсон пресуппозицияни гапнинг алоҳида мазмуний муносабати асосида юзага келувчи, «X ишора қилади Y» формуласи орқали тушуниладиган ҳодисани англатади деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, Мэри хонани тозалади (Мэри убрала комнату); Мэри хонани тозаламади (Мэри не убрала комнату) гапларида «Хона ифлос» деган пресуппозиция мавжуддир.¹

Ф.Кифер пресуппозицияни дастлаб 1) лексик ва 2) лексик бўлмаган пресуппозицияларга ажратади. Бошқа хусусиятлари жиҳатидан эса 3) экзистенциал, 4) нозкзистенциал пресуппозицияларга бўлади. Умумий жиҳатларини ҳисобга олиб якка, умумий, универсал типларга ажратди.²

Н.Д.Арутюнованинг фикрича, пресуппозиция «сўзловчи ва тингловчининг умумий билиш фонди» ҳисобланади. У пресуппозицияни «олдиндан тузилган шартномага» ўхшатади ҳамда пресуппозициянинг актуал бўлиниш билан алоқаси ҳақида тўхталади. Унингча, тема – пресуппозиция, рема – ахборотдир³.

Е.В.Падучева пресуппозиция юқоридагича талқин этган бўлса ҳам таснифлашда Э.Кинэн⁴ йўлидан борди ва «пресуппозиция» термини ўрганига «презумция» терминини қўллади. У презумцияни семантик ва прагматик презумцияларга ажратди. Е.В.Падучева табиатидан ёки турли маъно кирраларидан пресуппозиция англашилиб турадиган сўзларни изоҳлаб, шу билан пресуппозицияга ишора қилувчи сўзлар тадқиқини бошлаб берди¹.

Е.В.Падучева бошлаб берган пресуппозицияга ишора қилувчи сўзлар ҳақидаги фикрлар Е.Е.Михелевич², Н.А.Торопова³, Г.Е.Крейдлин⁴, А.Т.Кривонос⁵ларнинг илмий тадқиқотларида давом эттирилди. Айниқса, Н.А.Торопованинг юкламалар тадқиқига бағишланган ишлари диққатга сазовордир. У юкламаларни пресуппозиция англантишдаги ролини ўзига хос йўналишда очиб берди ва пресуппозиция ҳодисасини юкламалар англантиган маънолар асосида тасниф этди. Н.А.Торопова юкламалар англантиган пресуппозицияларни кутиш ва инкор маъносидаги пресуппозиция дейди. Е.В.Падучева эса прагматик пресуппозиция деб номлаган эди⁶. Бундай номланишлар Н.А.Тороповада яккаликдан, Е.В.Падучевада эса умумийликдан келиб чиққан. Чунки пресуппозиция прагматиканинг

¹ +аранг: Семиотика и информатика. 8. М., 1977

² Кифер Ф. О пресуппозициях. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.: 8. М., 1978. стр.367

³ Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике. «Известия АН СССР». Серия лит. и языка. I. 32. вып.№1, 1973. стр.85

⁴ +аранг: Звегенцев В.А. Ыша китоб. 240 бет

¹ Падучева Е.В. О понятие презумции и лингвистической семантике. В кн.: Семиотика и информатика. 8. М., 1977

² Михелевич Е.Е. Логика – смысловые частицы в современном немецком языке. Автореферат канд.дисс. М., 1960

³ Торопова Н.А. Полижительной противочлен отрицания nicht в современном немецком языке (пресуппозиция отрицаний). Филологический науки. М., 1978. №2. стр.68

⁴ Крейдлин Г.Е. Лексима. «даже». В кн.: Семиотика и информатика. №6. М., 1975

⁵ Кривоносова А.Т. Система неизменяемых классов слов. Саратов. 197.

⁶ Торопова Н.А. Ыша ма=олалар

ўрганиш объекти⁷ бўлганлиги учун умумий планда ҳар қандай пресуппозицияни прагматик пресуппозиция деб аташимиз мумкин бўлади. Якка тартибда эса кутиш, нотўғри тасаввур, тенглаш-ўхшатиш, инкор каби маъноларни ифодаловчи пресуппозицияларга ажратиш мумкин. Шунинг учун якка тартибда ифода турли маънодаги пресуппозицияларга, умумий планда эса прагматик пресуппозицияга бўлиниши, бизнингча, тўғри бўлади. Якка тартибда турли маънодаги пресуппозицияларга ажратиш нутқий вазият, контекст ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқади. Якка тартибда хилма-хил пресуппозициялар мавжуд. Чунки пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларнинг ўзи турлича. Пресуппозиция муайян нутқ шароитида юзага келар экан, бошқа нутқ шароитида бошқача бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай лексик маънога эга бўлган ва бўлмаган бирликларнинг пресуппозиция англатиб келиши нутқийдир.

Пресуппозиция ҳодисасини В.Я.Шабес ижтимоий ва индивидуал характерда бўлади дейди⁸. Чунки ҳар қандай нутқий вазиятда хусусийлик билан умумийлик тенг ҳолатда мавжуд бўлавермайди. Ёки ҳар қандай тил ўз табиатида, қурилишига, тил бирликларига кўра фарқлангани сингари пресуппозиция ҳам хусусийлиги ва умумийлиги билан фарқланади. М.: Мери хонани тозалади (Мэри убрала комнату).

Мэри хонани тозаламади (Мэри нен убрала комнату) гапларида «хонанинг ифлослиги» тўғрисида пресуппозиция англашилади. Бу пресуппозиция умумий. Чунки ҳар қандай тил сохиби бу пресуппозицияни билиб олиши мумкин. Лекин шу гапларда яна битта пресуппозиция англашилмоқдаки, бу пресуппозицияни билиб олиши мумкин. Лекин шу гапларда яна битта пресуппозиция англашилмоқдаки, бу пресуппозицияни фақат рус тили қонуниятларини билган кишигина фарқлаши мумкин. Бу «Мэрининг аёл киши эканлиги» ҳақидаги пресуппозиция ҳисобланади. Бу пресуппозицияни Э.Кинэн хусусий деб атайди¹. Лекин бу пресуппозиция ҳам маълум маънода умумий бўлиши ҳам мумкин, бу чунки жинс категорияси турли кўрсаткичлар орқали билиниб турадиган тиллар учун умумий ҳисобланади. Бундай ҳолат умумий жинсга мансуб сўзлардан мисол топадиган бўлсак, яна ҳам аниқроқ билинади. М.: Врач операция қилди (Врач делал операция – Врач делала операцию) кўринадик, ўзбек тили нуктаи назаридан врачнинг аёл ёки эркак эканлиги англашилмайди, лекин рус тили нуктаи назаридан эса бу пресуппозицияни тушунишимиз мумкин. Ёки ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари бор ва шу урф-одатларни турлича ифодалаш мумкин. Ана шундай пресуппозицияларни бизнингча, хусусий деб атасак бўлади. М.: Онани ким севмайди? Риторик сўроқ гапи барча учун риторик сўроқ гап ҳисобланади. Лекин «Илон гўшти ким севмайди?» гапи эса илон гўшти севимли бўлган халқлар учунгина риторик сўроқ гап

⁷ Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. М., 1988. стр.5. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. М., 1985. стр.224

⁸ Шабес В.Я. События и текст. М., 1989. стр.8

¹ Звегенцев В.А. Ыша китоб. 244-бет

хисобланади.² Шунинг учун пресуппозициянинг умумий ёки хусусий бўлиши бу ҳодисани қайси жихатдан тушунишимизга боғлиқ. Чунки ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши турлича бўлганлиги учун бир тилда мавжуд бўлган грамматик шакл орқали ифодаланган пресуппозиция иккинчи бир тилда бўлмаслиги мумкин ёки шу грамматик шакл ифодалаган пресуппозицияни лексик маънога эга бўлган тил бирлиги ифодалаш мумкин. М: *Мен ёздам. Я писала. Сен ёздинг.* Гапларини кўрадиган бўлсак, 1 ва 3-гапларда иш-ҳаракат бажарган шахснинг жинси аниқ эмас. Иккинчи гапда иш-ҳаракат бажарган шахснинг аёл киши эканлигини -а аффикси кўрсатиб турибди.

«Карим Салимнинг синглисига уйланди».

Карим женился на сестре Салима.

Бу гаплардан англашилган Салимнинг синглиси бор эканлиги тўғрисидаги пресуппозиция ҳар қайси тилда сақланмоқда. Кўринадики, пресуппозициянинг умумий ёки хусусийлигини аниқлаш шу ҳодисанинг қайси жихатдан текширилаётганлигига боғлиқ экан.

Демак, пресуппозиция ҳодисаси немис, инглиз, рус, поляк тилшунослигида ўзига хос йўналишда ўрганилган ва ўрганилмоқда. Лекин ўзбек тилшунослигида эса ҳали атрофлича талқин этилгани йўқ. Шунинг учун ишимизда пресуппозиция ҳодисасини ўзбек тили материаллари асосида ёритмоқчимиз. Чунки ҳозирги кунга қадар ўзбек тилшунослигининг мазмуний синтаксис йўналишидаги ишлари синтактик-семантик жихатдан олиб борилган эди. Бугунги кунда эса мазмуний синтаксис йўналишдаги ишларни синтактик, семантик ва прагматик аспектда олиб бориш зарур бўлиб қолди. Чунки бир қанча сўз туркумларининг маънолари прагматикага кўра англашилади. Шунга кўра пресуппозиция ҳодисасини ўзбек тили материаллари асосида тадқиқ этиш долзарб мавзу бўлиб қолди.

Маъноси прагматикага кўра англашиладиган сўз туркумларидан юкламаларнинг пресуппозиция англантиб келиш ўринлари ва пресуппозицияга ишора қилиши билан боғлиқ бўлган бошқа хусусиятларини ёритиш ишимизнинг асосий мақсадини ташкил этади.

Юкламаларнинг прагматик маънолари ҳақидаги дастлабки маълумот А././уломовнинг «Содда гап» китобида учрайди. А././уломов ҳам сўзини ёрдамчи сўз деб атаб, уюшиқ бўлақларини боғлаши ҳақида тўхталади ва «*Онаси ҳам келди*» (Демак, қизи ҳам келган). «*Кундузи ҳам ўқийди*» (Демак, кечаси ҳам ўқийди) шаклида фикрдаги уюшиқ бўлақларини ҳам боғлайди деб изоҳлайди.¹ А././уломов ҳам юкламасининг пресуппозицияси ҳақида бирор маълумот бермаган бўлса ҳам, лекин шу маънода қўлланилишига ишора қилган эди. Аммо ўша давр нуқтаи-назаридан танқидга учради. Кейинчалик О.Бозоров фақат юкламасининг турли хусусиятларига тўхталиб, шу юкламанинг бир содда гапга тенг келадиган маъно англантишини кўрсатади ва буни у фақат юкламасининг қўшимча информацияси деб атайди.²

² Мащмудов Н. Пресуппозиция ва гап. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986. 6-сон, 29-бет

¹ /уломов А. Содда гап. Тошкент. 1955. 94-бет

² Бозаров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси. «Ўзбек тили адабиёти». 1977. 2-сон, 27-бет

Ўзбек тили материали асосида биринчи бўлиб пресуппозиция ходисасини А.Нурмонов тадқиқ этди.³ Пресуппозиция ва гап мавзусини талқин этишни Н.Маҳмудов ўртага ташлади.¹

Ўзбек тилшунослигида пресуппозиция ходисасини ўрганиш учун бой тажриба йўқ. Шу йўналишдаги ишлар айрим ахборотлар сифатида берилган холос. Шундай бўлишига қарамай, пресуппозицияни ўрганишга бағишланган ишлардан тадқиқ этиш усулларини ўргандик. Ишимизнинг туб мақсадини белгилашда дастлабки қўлланмалар сифатида фойдаландик.

³ Нурмонов А. Сигнификативная оппозиция синтаксическая конструкция утвердительность и отрицательность. Автореф. докт. дисс. Т., 1985

¹ Маҳмудов Н. Ю=оридаги ма=олалари.

II-Боб. ПРЕСУППОЗИЦИЯГА ЙЎЛ ОЧУВЧИ ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР

60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган давр тилшунослигида синтактик категорияларни семантик аспектда ўрганишнинг ривожланиши билан характерлидир. Кейинги даврларда гап семантикасига қизиқиш янада ортиди. Н.Д.Арутюнова тили билан айтилганда «гап семантикасига «*штурм*» бошланди¹. Ҳозирги давр тилшунослигида гап синтактик (шакл) томонининг мазмун томонидан ажратилишига чек қўйилди.

Ҳозирги давр тилшунослигида гап систем-тузилма нуқтаи назардан тадқиқ этилмоқда. Шунинг учун ҳам гапнинг бир бутунлик сифатидаги синтактик ва мазмуний тузилишларини яхлитлигича текшириш долзарб мавзу бўлиб қолди. Ана шу асосда синтактик семантика майдонга келди. И.О.Москальская бу соҳанинг текшириш кўламини таъкидлаб, семантик-синтактик категорияларни ўрганиш билан тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири – синтактик семантика шуғулланади², - дейди. Бу соҳа гап семантикаси билан боғлиқ бўлган турли ходисаларни ўрганишга кенг йўл очиб берди.

Маълумки, гапнинг мазмуний тузилиши ўзига хос мураккаб система ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу система элементларининг халқини хилма-хил ва ранг-барангдир³. Гапнинг мазмуний тузилиши унинг синтактик тузилиши орқали реаллашади. Лекин гапнинг синтактик тузилиши мазмуний қурилиши билан ҳам иша бир хилда тенг ҳолатда бўлавермайди. Гапнинг шаклий тузилишида бевосита иштирок этмаган ёки ифодаланмайдиган, аммо унинг мазмуний қурилишида у ёки бу тарзда тушуниладиган мазмуний узвлар мавжудки, бу узвлар ҳозирги даврда дунё тилшуносларини ўзига жалб қилиб келмоқда. Аммо мазмуний узвларнинг талқини бир хил эмас.⁴ Гап мазмуний тузилишининг мураккаблиги яна шундай хилма-хил қарашларга сабаб бўлмоқда, чунки гапнинг мазмуний тузилишида ўзига хос мураккаб узвлар-пропозитив, модал, коммуникатив тузилишлар мавжуддир. Ҳозирги тилшуносликда мазмуний тузилиш узвлари эътироф этилса ҳам, лекин бу элементларнинг тадқиқида бир хиллик йўқ.⁵

Пропозиция асосан эга ва кесим орқали юзага чиқади. Лекин фақат эга ва кесимдан иборат бўлган гапларда ҳам мазмуний тузилиш мураккаб бўлиши мумкин. Ҳозирги тилшуносликда мазмуний тузилишнинг

¹ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М., 1976. стр.6

² +аранг: Нурмонов А.Н. Гап шаклидаги синтактик назариялар. Т., 1988, 59-бет

³ Москальская О.И. Проблемы системного описания языка. М., 1974. стр.14

⁴ +аранг: Уорф Б.Л. Грамматические категории. В кн.: принципы типологического анализа языков различного строя. М., 1972; Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевого мышления. Л., 1972, стр.78; Касевич В.Б. Семантика, синтаксис, морфология. М., 1988. стр.43-55; Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. Материалы к трансформационной грамматике русского языка. М., 1974; Кифер Ф. О пресуппозициях. Н З Л. вып. VIII. 1978

⁵ +аранг: Нурмонов А.Н. Ёша китоб. 58-70-бетлар

мураккаблашувига таъсир этувчи ҳодисалар ичида пресуппозиция актуаллик касб этмоқда. Бирдан ортиқ пропозиция англашилган гапларда биринчи пропозиция пресуппозиция орқали тушунилади. Пресуппозиция мазмуний тузилишнинг бир элементи сифатида яширин ҳолатда иштирок этади.

Кейинги даврларда пресуппозиция ҳодисаси рус тилшунослигида¹ ва ўзбек тилшунослигида² мазмуний тузилишнинг бир элементи сифатида ўрганилмоқда.

Ана шундай йўналишдаги ишларда гапдан англашилган яширин пропозицияни пресуппозиция деб аталмоқда. Пресуппозиция сўзловчи ва тингловчининг умумий билиш хазинаси (Термин Н.Д.Арутюнованики) асосида белгиланади ва жуда кўп ҳолларда гап ичида ўзининг махсус лингвистик ишора воситаси орқали англашилади.

Пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар ҳақида турли хил қарашлар мавжуд. Бу талқинлар дастлаб Н.Хомский томонидан бошлаб берилди. У гапнинг грамматик кўрсаткичлари ҳамда мазмуний тузилиши алоҳидалигини ва ўзаро бир-бирига ишора қилишини кўрсатади³. Кейинчалик Н.Хомскийнинг синтактик йўналиши асосида майдонга келган мазмуний генератив йўналишнинг тарафдорлари Ч.Филлмор, Д.Ж.Мак-Коллилар ҳам пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларни сўз бирикмаларининг муносабати асосида изоҳладилар⁴. Е.В.Падучева тилида шундай сўзлар мавжудки, уларнинг ҳамма маънолари, ёки битта маъноси асосида презумция (термин Е.В.Падучеваники) англашилади деб, пресуппозицияга ишора қилувчи лингвистик воситаларни кўрсатиб ўтади⁵. Ҳудди шундай талқин Е.Е.Михелевич⁶, Н.А.Торопова⁷, Г.Е.Крейдлина⁸, А.Т.Кривонос¹, В.М.Адмони²ларнинг юкламалар тадқиқотида бағишланган ишларида ўз аксини топди.

Маълумки, гапнинг синтактик тузилиши – гапнинг мазмунини рўёбга чиқарувчи муҳим восита ҳисобланади.³ Гапнинг синтактик қурилишида иштирок этган сўз ёки сўз бирикмаларининг умумий бирлиги гап мазмунини ташкил этади. Шундай экан, гап мазмунини ташкил этувчи ҳар бир сўзнинг мазмуний тузилишда ўз ўрни ва аҳамияти бор. Шунинг учун мазмуний

¹ Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике. Известия АН СССР серия лит.и языка. Т. 32. вып.1. 1973, стр.85-86; Звегенцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. М., 1976, стр.205; Падучева Е.В. О понятие презумции в лингвистической семантике. В кн.: Семантика и информатика. 8. М., 1977. стр.109

² Машмудов Н. Пресуппозиция ва гап; Нурмонов А.Н. Кымакчили конструкциялар пресуппозицияси. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1986. 6-сон, 28-42-бетлар

³ Хомский Н. «Синтактические структуры». «Новые в лингвистике». Вып.2. М., 1962. стр.416-421; Аспекты теории синтаксиса. Пер.англ. М., 1972, стр.70-101

⁴ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М., 1976. стр.113-114

⁵ О понятии презумции в лингвистической семантике. В кн.: Семиотика и информатика. 8. М., 1977, стр.109

⁶ Михелевич Е.Е. Логика – смысловые частицы в современном немецком языке. Автореферат канд.диссертат. М., 1960 г.

⁷ Торопова Н.А. К исследованию логических частиц. В Я. 1978 № 5; Положительный противочленотридания в современном немецком языке, филологические науки. 1978. № 2.

⁸ Крайдлен Г.Е. Лексема «даже» В кн.: Семиотика и информатика. № 6. М., 1975

¹ Кривонос А.Т. Система неизменяемых классов слов (на материале немецкого языка). Саратов, 1974

² Адмони В.Г. Введение в синтаксис совр. немецкого языка. М., 1955.

³ Падучева Е.В. О способах представления синтаксической структуры предложения. В Я. 1964. № 2 стр.99

синтаксисда гапнинг синтактик қурилишини ташкил этган ҳар бир тил бирлиги синчиклаб текширила бошланди.

Ўзбек тилшунослигида А.Нурмонов⁴, Н.Маҳмудов⁵, О.Бозаровлар⁶ пресуппозицияга ишора қилувчи лингвистик воситаларнинг турли хил хусусиятларини кўрсатадилар.

Пресуппозиция ҳодисаси умумлингвистик ҳодиса ҳисобланади. Барча дунё тилларида бу ҳодиса мавжуд. Лекин ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти бўлганидек, пресуппозицияга ишора қилувчи воситалари ҳам ўзига хос. Ўзбек тилида пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларни умумпланда лингвистик воситалар, экстралингвистик воситалар, паралингвистик воситалар, социалогик воситаларни ажратиш мумкин. Чунки пресуппозиция дастлаб лингвистик ҳодисалар асосида юзага келса ҳам, шу лингвистик ҳодисаларга қўшимча тарзда ишора қилувчи воситалар ҳам мавжуд. Уларни бир-биридан ажратган ҳолда тадқиқ қилиш мумкин эмас. Лекин шуни унутмаслик керакки, экстралингвистик асослар тил структурасига кирмайди, у фақат коммуникацияда қўшимча восита сифатида иштирок этади ва пресуппозицияга ишора қилувчи ёрдамчи восита вазифасини ўтайди. Шунинг учун пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларни қуйидаги гуруҳларга бўлишни лозим топдик:

Лингвистик воситалар: Морфологик воситалар.

I. Сўз туркумлари:

1. От сўз туркуми ва ундаги категориялар:

А) келишик категорияси;

Б) ўхшатиш, функционал шакллари.

2. Сифат сўз туркуми.

3. Олмош сўз туркуми

4. Равиш сўз туркуми

5. Юкламалар

6. Кўмакчилар.

II. Синтактик воситалар:

1. Сўроқ гаплар

2. Ўхшатишли қурилмалар иштирок этган гап

3. Сўз тартиби

III. Поросодик воситалар.

Лингвистик воситага ёрдамчи воситалар:

IV. Экстралингвистик воситалар:

1. Ҳаётда мавжуд бўлган турли ситуациялар

2. Паралингвистик воситалар

3. Социал воситалар.

⁴ Нурмонов А.Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узб.языка. Ташкент, 1982: Кымакчили конструкциялар пресуппозицияси. Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 6

⁵ Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап. Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. № 6

⁶ Бозаров О. Ўзбек тилининг юклама категорияси. Ўзбек тили ва адабиёти. 1977. № 2. 24-бет

Демак, пресуппозицияни юзага келтиришда хилма-хил воситалар иштирок этар экан. Бу воситалар ичида лингвистик воситалар алоҳида аҳамият касб этади ва ҳамиша бирламчи ишора воситаси сифатида қатнашади. Пресуппозиция англатишда лингвистик воситаларга қўшимча тарзда экстралингвистик воситалар ҳам иштирок этади. Улар фақат нутқ жараёнида лингвистик воситаларни кузатиб боровчи факторлардир.

Синтактик сатҳда гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштириб, пресуппозицияга йўл очувчи лингвистик воситалар хилма-хил ва ранг-барангдир. Шунинг учун пресуппозицияга йўл очувчи, ишора қилувчи воситаларни турли хусусиятига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Маълумки, гапнинг синтактик тузилишини ташкил этувчи элементни сўз ёки сўз бирикмалари деб олинадиган бўлинса, у ҳолда дастлаб сўзлар доирасида пресуппозицияга ишора қилиш мавжудми ёки мавжуд эмаслигини текшириш керак бўлади. М: Мак-Колли «*холостяк*» сўзининг пресуппозициясини қуйидагича тушунтиради. *Холостяк-бўйдоқ* сўзининг лексик маъноси – уйланмаган. Шу лексик маънонинг инсон; эркак; вояга етган каби қирралари бор. Бу сўзни синтактик планда боғланиш кўлами юқоридаги маъноларидан келиб чиқади. Лекин қайси сўз билан бирикиб келмасин контекстда битта маъноси аниқлашади. +олган маънолари эса пресуппозиция сифатида ўша сўз қатнашган гапнинг мазмуний тузилишида англашилади. М.: Жуманнинг бўйдоқлик ҳаёти тугади (А.Мухтор) гапида бўйдоқлик сўзи иштирок этаяпти ва «*Жуман уйланган*» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Демак, тилда шундай лексик бирликлар мавжуд эканки, улар иштирок этган гапларда албатта пресуппозиция англашилади. Пресуппозиция лексик бирликларнинг синонимик, омонимик, антонимик хусусиятлари асосида белгиланади. М.: «*тоза*» сўзининг гап ичидаги мазмуний хусусиятидан «*қирлик*» тўғрисидаги пресуппозиция англашилиши мумкин. *Адолат келиб, ётоқхона ҳам тоза бўлиб қолди* (А.Мухтор) гапида тоза сўзи «*Аввал ётоқхона ифлос бўлган*» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти. Пресуппозиция фақат бир сўзнинг ўзидан келиб чиқмайди. Бир сўз ва унга боғлиқ бўлган турли муносабатлардан келиб чиқади. Н.Д.Арутюнова *қуритмоқ* (сушить) феълидан *хўллик* (мокро) маъносини уқиб олишимиз мумкин, - дейди¹. Лекин хўллик маъноси *қуритмоқ* сўзининг гап ичида турли хил сўзлар доирасидаги муносабати асосида англашилади. Гапда хўллик маъноси шаклан ифодаланмаса ҳам *қуритмоқ* сўзининг мазмуний боғланишидан англашилиб туради ёки «*қуритмоқ*» сўзи қатнашган гапдаги ҳукмнинг табиий асоси (термин Г.Фрегеники) сифатида англашилади. М.: *Жуман кўйлагини қумга ёйиб қуритди* (А.Мухтор) гапида «*Жуманнинг кўйлаги хўл эди*» пресуппозицияси англашилиб турибди.

Умуман, пресуппозиция англатувчи воситалар тилимизда жуда кўп ва ранг-барангдир. Ишимизнинг туб мақсади лингвистик пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларнинг тадқиқи эканлигини ҳисобга олиб,

¹ Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. М., 1976, стр. 115

пресуппозиция ифодалашда жуда актив қўлланиладиган воситалардан айримларини айтиб ўтамыз.

Пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар ичида юкламалар ва кўмакчилар алоҳида ўрин тутади. Улар гап ичида ўзига хос мантикий маънолар англатиб, ўзи иштирок этган гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради ҳамда турли маънодаги пресуппозицияларга ишора қилади. Чунки юкламаларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқувчи мураккаблик уларнинг вазифасига ҳам таъсир этади. В.Виноградов юкламалар ёрдамчи сўзлар доирасидаги ўз лексик-грамматик белгисига, тарихий тараққиётга ва семантик-грамматик группаларига эга бўлган мустақил категориядир. Уларнинг лексик маънолари грамматик, логик ва экспрессив – стилистик функцияларга тенг келади. Шунинг учун уларнинг мазмуний томони кенг, синтактик сатҳда фойдаланиш қулайдир², - деб юкламаларнинг бошқа сўз туркумларига ўхшамаган томонларини очиб беради. Ф.Ф.Фортунатов юкламаларни синтактик ўлчов асосида ўрганиш керак³ дейди. А.М.Пешковский ҳам юкламаларни Ф.Ф.Фортунатов сингари талқин этади¹. А.А.Шахматов эса юкламаларни предикат билан турли муносабатда боғланиб, унга кучайтирув, таъкид ва турли маъно оттенкаларини берувчи алоҳида сўзлар группаси сифатида тадқиқ этади² ҳамда юкламалар мустақил морфологик категорияларга эга бўлмаса ҳам синтактик қурилишда бир элемент, бирлик сифтида иштирок этишини таъкидлайди.

Демак, Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, А.А.Шахматовлар юкламаларни морфологик жиҳатдан классификация қилсалар ҳам, лекин уларни синтактик ўлчов билан ўрганишни маъқул кўрганлар, чунки юкламаларни, умуман, лексик маънога эга бўлмаган сўзларни синтактик қуршов асосида текширилгандагина уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мумкин бўлади. Лекин шуни унутмаслик керакки, юкламалар тил хазинасила имконият сифатида мавжуд. Фақат уларнинг турли хусусиятлари (семантик, грамматик хусусиятлари) синтактик қуршовда яна ҳам ойдинлашади, холос.

В.В.Виноградов юкламаларни Ф.Ф.Фортунатовнинг морфологик услуги ва А.А.Шахматовнинг синтактик йўналиши асосида тадқиқ этди. В.В.Виноградов илмий ишлари шогирдлари Н.Ю.Шведова³, Чистякова Л.М.⁴, Г.Г.Скиб⁵ ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. Кейинги давр тилшунослигида юкламалар гапнинг семантик структурасига таъсир этувчи алоҳида сўзлар группаси сифатида текширила бошланди. Кейинги тадқиқотларда юкламалар мантикий жиҳатдан текстнинг ҳамда гапнинг кичик узвларидан бири сифатида ўрганилмоқда. Чунки юкламалар иштирок

² Фортунатов Ф.Ф. Ибранные труды. Т. I. Сравнительное языкознание. Общий курс. Стр.165-166

³ Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. М., 1978. стр.143

¹ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Вып. 2. Л., 1944, стр.99

² Шахматов А.А. Ыша китоб 434-бет

³ Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису рус.разговорной речи. АН СССР. М., 1960

⁴ Чистякова Л.М. Частицы сов.рус.яз. АКД, Л., 1949

⁵ Скиб Г.Г. Переход самостоятельных слов в служеб. АКД. Львов, 1954

этган гапларнинг мазмуний тузилиши юклама иштирок этмаган гапларга нисбатан мураккаблиги билан ажралиб туради. Лекин ҳамма юкламалар ҳам мазмуний тузилишнинг мураккаб бўлишига таъсир қилавермайди. Юкламаларнинг бундай хусусиятларини пресуппозиция ҳодисасини текшириш орқали аниқлаш мумкин бўлади.

Юкламалар сўз ёки гапга қўшимча маъно жилваси бериш учун хизмат қилади⁶. Демак, юкламаларни аниқлашда контекст алоҳида рол ўйнайди. Чунки бирор сўз ёки гапга маъно жилваси юклашини контекстсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун юкламаларнинг хусусиятларини белгилашда, уларнинг турли маъноларини аниқлашда текст ёки текстнинг кичик бирлиги гап билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилиш керак бўлади ва гапга маъно жилваси берсагина юкламага киритиш мумкин бўлади. Юкламалар албатта гапга у ёки бу тарзда маъно жилваси беради. Айниқса, бундай хусусият ўзбек тилида жуда кучли. Ўзбек тилидаги мавжуд юкламалар пресуппозиция англата олади. Ўзбек тилидаги *ҳам, ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки, фақат, ёлғиз, якка, биргина, ҳудди, нақ, на, холос, яна, тагин, тугул, -да, -оқ, -ёқ, -ки, -ким, -чи, -а, -я, -гина (-кина, -қина)* каби аффикс юкламалар алоҳида турли маънодаги пресуппозицияга ишора қила олиши билан ажралиб туради.

Шу жиҳатдан кўмакчилар ҳам пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар ичида ўзига хос хусусиятга эга. Кўмакчиларнинг ўрганилиши ҳам юкламалар сингари ҳинд амалий тилшунослигининг Панини, Яски (эрамиздан аввалги V-IV асрлар) номлари билан боғлиқ. Улар 3-сўз туркуми сифатида олд кўмакчи (*upasarga*)ни ажратадилар¹. Улар кўмакчиларга отларнинг ва феълларнинг маъноларини кўрсатувчи сўзлар деб баҳо берганлар. Улар кўмакчиларни морфологик принцип асосида талқин этадилар. Эрамиздан аввалги III-II асрларда амалий эҳтиёжлар туфайли эмас, мантикий категориялар билан боғлиқ равишда кўмакчилар талқин этилди. Кўмакчилар талқинида ҳам юкламалар сингари бир хиллик йўқ.

Маълумки, тилшуносликда сўзларни туркумларга ажратишда морфологик, синтактик ва мазмуний белгилар биргаликда олинади².

Кўмакчилар ҳам шу уч белги асосида туркумланган. Кўмакчилар морфологик жиҳатдан мустақил парадигмага эга эмаслиги, синтактик жиҳатдан гапнинг мустақил бўлаги бўла олмаслиги, мазмуний жиҳатдан восита, мақсад, сабаб, вақт ва шу каби бошқа муносабатлар англата олишлиги билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Кўмакчилар тарихан мустақил сўзлар бўлган бўлса ҳам, улар ҳозирги замон ўзбек тилида лексин маъноларини йўқотган, лекин грамматик маъноси бор сўзлар. Шунинг учун ҳам мустақил сўзлар билан биргаликда ишлатилади³. Кўмакчилар объектлар ўртасидаги макон, вақт, сабаб, мақсад, эгалик, чегаралаш каби муносабатларни ифодалайди ёки объектларнинг ҳаракатга, ҳолатга, сифатга юқоридагича муносабатларини билдиради. Кўмакчиларнинг хусусий

⁶ Ўзбек тили грамматикаси. Т., 1975, 575-бет

¹ Усмонов С. Умумий тилшунослик. Т., 1972. 11-бет

² Кодухов В.И. Введение в языкознание. М., 1987. стр.232

³ Ўзбек тили грамматикаси. Т., 1975, 1-том. 541-бет

маънолари бирор келишик формасидаги шахс ёки предмет билан кўшилгандагина юзага келади⁴. Шунинг учун ҳам А.А.Шахматов кўмакчилар келишик формалари англатган маънони мустаҳкамлайди, тўлдиради, кучайтиради, - дейди.¹

Кўмакчилар хилма-хил грамматик муносабатларни ифодалайди. А.А.Шахматов биринчи бўлиб кўмакчиларнинг грамматик муносабатларини системага солишга ҳаракат қилди. Рус тилшунослигида кўмакчилар ва уларнинг грамматик муносабатлари В.В.Виноградов ишларида тўлақонли ўз ифодасини топган².

Рус тилшунослигида кўмакчи ва унинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ишлар талайгина³, лекин В.В.Виноградовники сингари тўлақонли эмас.

Ўзбек тилшунослигида кўмакчилар ҳануз аниқ белгиланмаган⁴. Бирок кўмакчилар ва уларнинг грамматик маънолари трисида назарий маълумотлар берилган ишлар кўпчиликини ташкил этади. Бу ишларда назарий маълумотлар умумий тарзда берилган, лекин ўзбек адабий тилига оид кўмакчилар аниқ эмас⁵. Аммо бу масалани ҳал этиш ишимизнинг туб мақсадини ташкил этмаганлиги учун тўхталмаймиз.

Демак, кўмакчилар лексик маънога эга бўлмаса ҳам турли грамматик муносабатларни ифодалашда актив иштирок этади. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўмакчиларнинг соф кўмакчилар ва кўмакчи вазифасида қўлланивчи сўзлар каби турлари мавжуд⁶. Кўмакчилар қайси турга мансуб бўлмасин, худди юкламалар сингари гапнинг структурасини мураккаблаштириб, турли маънодаги пресуппозиция англатиш воситаси бўла олади. Пресуппозиция кўмакчиларнинг қандай грамматик муносабат ифода этаётганлигига ва қайси келишикни бошқариб келаётганлигига қараб белгиланади. М.: *Немисларнинг мўжлажига кўра, бу тепаликда бомба тушмаган бирор қарич ҳам ер қолмаслиги керак эди* (А.+ахҳор) гапида «кўра» кўмакчиси жўналиш келишигидаги сўз билан бирикиб, айириб, таъкидлаб кўрсатиш маъносини ифодалаяпти ва худди шу муносабатдан келиб чиқадиган бўлинса, *Немислар аввал мўлжал қилган* деган пресуппозицияга ишора қилади.

Ўзбек тилида *бошқа, бўлак, ўзга, ташқари, кўра, қараганда, кейин, сўнг, бурун, олдин, илгари, билан, биноан, асосан, каби, сингари, янглиз, буён, бери, нари, қарамай, қарамасдан, сайин, сари, сабабли, туфайли, орқали, чоғли, оша, бўйича, бўйи, чамаси, ҳақида, тўғрисида, ҳолда, йўсинда, томон,*

⁴ Виноградов В.В. Русский язык. М., 1986. стр.555

¹ Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Л. 1927. вып.2. стр.97

² Шахматов А.А. Ёша китоб. 162-163-бетлар

³ Виноградов В.В. Ёша китоб. 555-576-бетлар

⁴ Хожиев А. Совет даврида Ўзбек адабий тилининг тарақиёти. Т., 1-том. 1988. 138-бет

⁵ +аранг. Ўзбек тили грамматикаси. 1-том: Т. 1975; Турсунов У., Мухтаров Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон Ўзбек адабий тили. Т., 1975; Ҳозирги Ўзбек адабий тили. I-исм. Т., 1980; Кононов А.Н. Грамматика сов.узб.лит.яз. М-Л., 1960; Мирзаева М ва бошқ. Ўзбек тили. Т., 1978. Ҳозирги Ўзб.адабий тили. I. Т., 1966; Ҳожиев А. Совет даврида Ўзбек адабий тилининг тарақиёти. Т., 1988.

⁶ Ўзбек тили грамматикаси. 1 том. Т., 1975. 541-бет

қадар, қарши, қараб, яраша, лойиқ, мувофиқ, қарата, бошлаб, тортиб каби кўмакчи ва кўмакчи вазифасидаги сўзлар пресуппозиция англатиш учун восита бўла олади. Ёрдамчи сўзлар ичида юклама ва кўмакчилар пресуппозиция ифодалашда энг сермахсул воситалардан ҳисобланади. Чунки юклама ва кўмакчилар нутқнинг мазмун ва формал жиҳатдан шаклланишида жуда муҳим вазифалар бажаради. Шунинг учун гапнинг семантик структурасида ўзи синтактик боғланиб келган сўз билан биргаликда алоҳида пресуппозиция англатиб имплицит пресуппозицияга восита бўла олади.

Пресуппозицияга йўл очувчи лингвистик воситалар ичида юклама ва кўмакчилардан ташқари олмошлар (айниқса, кўрсатиш олмошлари) равишлар (айниқса, пайт, тарз равишлари), келишиклар, ўхшатиш конструкциялари, риторик сўроқ гаплар, соф сўроқ гаплар (айниқса, сўроқ олмошлари билан тузилган сўроқ гаплар) модал сўзлар ҳам синтактик сатҳда гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштириб, пресуппозицияга ишора қила олади. +уйида ана шундай воситалар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Олмошлар маъно жиҳатдан бошқа мустақил сўзлардан маълум даражада фарқ қилади. Улар предмет, белги, миқдор маъноларини тўғридан-тўғри ифодаланмай, бошқа предмет, белги ва миқдор тушунчалари билан боғланган ҳолда, у ёки бу муносабатга киришган ҳолда ифодалайди. Олмошнинг аниқ маъноси контекст, ситуация – нутқ жараёнида иштирок этувчиларнинг муносабатига қараб аниқлашади¹. Олмошлар эрамиздан аввалги III-II асрларда қадимги грек тилшунослигида Искандария мактаби намоёндалари томонидан сўз туркуми сифатида ажратилган. Аристотель ва араб тилшунослиги намоёндалари олмош сўз туркумини от таркибида талқин этадилар. Ўрта Осиё тилшунослари йўлидан борадилар.²

Олмош сўз туркуми сифатида тан олингунга қадар жуда узок тарихий даврни ўз бошидан кечирди. Чунки олмошлардаги предмет, белги ва миқдорни бевосита англата олмай, фақат унга ишора қилиш хусусияти жуда кўп тилшуносларни иккилантирган эди. В.В.Виноградовнинг таъкидлашича, олмошлар рус тилшунослигида XIX асрнинг 40-50 йилларида мустақил сўз туркуми сифатида талқин этила бошланди.¹

Олмошлар айрим хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларига отларга, сифатларга, равишларга ўхшаб кетади. Лекин сўз ясалиш ҳодисасининг кучсизлиги, келишикларнинг доимо белгини қабул қилиши, кўплик кўшимчасини қабул қилишда ҳам ўзига хослиги, синтактик планда ўзидан олдин аниқловчи олмаслиги билан барча сўз туркумларидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам олмошнинг юқоридаги хусусиятлари уни алоҳида сўз туркуми сифатида ажратиш имконини беради. Олмошларнинг ўзига хос семантик, грамматик хусусиятларини диахрон ва синхрон аспектда талқин

¹ Ўзбек тили грамматикаси. 2 том. Т., 1975 й, 332-бет.

² +аранг: Усмонов С. Умумий тилшунослик. Т., 1972, 23-51-бетлар

¹ +аранг: Давидов И.И. Опыт общестравнительной грамматика русского языка. Спо. 1852. стр.207; Аскаков К.С. Опыт русской грамматике. Полн. Сбор.соч. М., 1980 том. 3. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Харьков, 1888. вып. 1-2; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научной освещении. М., 1988; Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. Л., 1927 вып.2; Кацнельсон С.Д. К генезису номинативного предложения. М., 1936; Виноградов В.В. Русский язык. М., 1986. стр.264-280

этиш ишимизнинг туб мақсади эмаслигини назарда тутиб, олмошларнинг фақат пресуппозиция англатиши ҳақида тўхталамиз.²

Олмошлар пресуппозиция англата олиш учун ўринбосарлик, ишора қилиш характеридан келиб чиқади. Айниқса, кўрсатиш, сўроқ олмошлари пресуппозиция англатишда актив қўлланилади. Чунки кўрсатиш олмошлари от, сифат, равиш ўрнида қўлланилишига қараб, ишора қилиш-кўрсатиш орқали номлаш, белгини ифодалаш, ҳаракатнинг белгисини англатиш каби вазифаларни бажаради.

Кўрсатиш олмошларига *ўша, бу ана, шу, мана, у* кабилар киради. Лекин айрим илмий адабиётлар ва дарсликларда ана, мана олмошлари кўрсатиш олмошларига киритилмайди³. *Ана, мана* сўзлари хусусида турлича фикрлар мавжуд. Айрим ишларда бу сўзларни юклама дейилса⁴, айримларида қайси туркумга оидлиги аниқ айтилмай⁵, ана, мана сўзлари ҳам кўрсатиш олмошларига яқин деган умумий фикр айтилади⁶. В.В.Решетов бу сўзларни кўрсатиш олмошлари қаторида талқин этади⁷. Баъзи ишларда ҳам юклама, ҳам кўрсатиш олмоши сифатида изоҳланади.⁸ Биз ҳам бу сўзларнинг қўлланилишига кўра ҳам юклама, ҳам кўрсатиш олмоши дейиш тарафдоримиз.

Бу, шу, ўша кўрсатиш олмошлари от ўрнида келиб, бирор предмет ёки шахсни номлаган ҳолатларида пресуппозиция англатмайди. Мазмуний тузилишда мураккабликни келтириб чиқармайди, контекстда маълум бўлган воқеа-ҳодиса, шахс ёки предметни номлайди холос. Предмет белгисини ёки ҳаракат белгисини кўрсатганда гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради, пресуппозиция англатади. М.: *Эртасига бу хабар бутун колхозга тарқалди* (А.+аҳҳор) гапида бу кўрсатиш олмоши предмет белгисини ифодаламоқда ва гапнинг мазмуний қурилишини мураккаблаштирамоқда. Юқоридаги гапда икки пропозиция мавжуд. Биринчи пропозиция гапнинг мавжуд бўлаклари орқали англашилган. Иккинчи пропозиция, яъни аввалги кичик текстда айтилган «+андайдир хабар келган» пресуппозицияси бу кўрсатиш олмошининг пресуппозицияси орқали рўёбга чиқмоқда.

Ўша учрашувдан бошланди бу ҳол (Ҳ.Олимжон) гапида «Аввал қандайдир учрашув бўлган» деган пресуппозиция ўша кўрсатиш олмоши орқали англашилмоқда.

Агар кўрсатиш олмошлари турли грамматик кўрсаткичларни («ана» «мана»дан ташқари) олиб келса, (кўпинча эгалик, келишиқ кўшимчаларини олиб келади) ҳам пресуппозицияга ишора қила олади. М.: Ўшанинг гапидан

² Пресуппозицияга йил очувчи лингвистик воситаларнинг кейинги тал=инларида шам фа=ат пресуппозиция англатиш шолатлари ша=ида тухталамиз.

³ +аранг: Ўзбек тили грамматикаси. 1 том. Т., 1975, 337-бет; Турсунов У., Мушторов Ж., Рашматуллаев Ш. Шозирги ўзбек адабий тили. Т., 1975. 172 стр.

⁴ Ашнин Ф.Д. Указательные частицы в тюркских языках. Известия АН СССР, отд.лит и языка. Т. XVII. Вып.5. М., 1958. стр.417-435

⁵ Шозирги замон ўзбек тили. Т., 1957. 372-бет

⁶ Кононов А.Н. Грамматика сов.узб.лит.языка. М.-Л., 1960. стр.178

⁷ Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узб.языка. Т., 1961

⁸ Суяров Ш. «Ана» ва «мана» сўзлари ша=ида. Тилшунослик ва ад-ка оид тад=и=отлар. Т., 1965, 159-бет

хафа бўлдим («Шарқ юлдузи») гапида «кимдир хафа қиладиган гап айтган» пресуппозицияси ўша кўрсатиш олмошининг пресуппозицияси орқали англашилади.

Ана, мана кўрсатиш олмошлари ўзи якка ҳолда пресуппозиция англариб кела олмайди. Бу олмошлар ўша, бу, шу, у олмошлари билан биргаликда келгандагина пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Ана шу воқеа қалбимни тирнайди* («Шарқ юлдузи») гапида «аввал қалбини тирнайдиган воқеа бўлган» пропозицияси *ана шу* олмошларининг пресуппозицияси орқали реаллашмоқда.

Кўрсатиш олмошлари юклама ва кўмакчилар билан келганда, қайси юклама ёки кўмакчи билан келишига қараб, ўша юклама ва кўмакчилар билан биргаликда пресуппозиция англариб келади. Бундай ҳолатда кўпроқ юклама ёки кўмакчи активлик билан пресуппозиция англариб, олмошлар бир мунча пассивроқ роль ўйнайди. М.: *Кеча ўша ҳам келган* («Шарқ юлдузи») гапидаги «*бошқалар ҳам келган*» пресуппозицияси кўпроқ *ҳам* юкламасига тааллуқлидир.

Базмда ўшагина гапирмади («Шарқ юлдузи») гапидаги «*бошқалар гапирди*» пресуппозицияси –*гина* юкламаси орқали англашилмоқда. Шунинг учун кўрсатиш олмошлари юклама ёки кўмакчилар билан келганда (агар ёпишган ҳолатда бўлса), пресуппозиция юклама ёки кўмакчига таллуқли бўлади.

Сўроқ олмошлари ҳам кўрсатиш олмошлари сингари пресуппозицияга ишора воситаси бўла олади.

Сўроқ олмошлари шахсга (ким?), предметга (нима?), белгига (қайси? қандай?), миқдорга (неча? қанча?), вақтга (қачон?) муносабат англариб¹ ва шу муносабат орқали пресуппозицияни юзага келтиради.

М.: Ким келди? Гапида «кимдир келган» пресуппозицияси англашилмоқда, Аҳмаджон Замирани нима деганини суриштирди («Шарқ юлдузи») гапида Замира қаердадир нимадир деган пресуппозицияси мавжуд. Юқоридаги гапларда пресуппозиция ким? Ва нима? Сўроқ олмошлари орқали англашилмоқда.

Сўроқ олмошлари ҳам юклама ва кўмакчилар билан биргаликда қўлланиб келади. Улар кўрсатиш олмошлари сингари кўмакчи ёки юклама билан ёпишган ҳолда келганда битта пресуппозицияга биргаликда восита бўлса, ёпишган ҳолатда алоҳида-алоҳида пресуппозиция англариб келади. Чунки ёпишмаган ҳолатда сўроқ олмоши ҳам кўмакчи ёки юклама ҳам алоҳида-алоҳида мазмуний хусусият касб этади. М.: *Яна Нафиса Муродга нимадир деди?* («Шарқ юлдузи») гапида *яна* юкламаси ва *нималар?* сўроқ олмоши алоҳида ҳолда қўлланилган ва иккаласи ҳам алоҳида-алоҳида пресуппозицияга ишора қилмоқда. 1. Биринчи пресуппозиция – «*Нафиса Муродга аввал ҳам нимадир* деган» - *яна* юкламаси орқали, иккинчи пресуппозиция «*Нафиса Муродга нимадир айтган*» - нимадир? Сўроқ олмоши орқали англашилмоқда.

¹ Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. Т., 1975. 343-бет

Белгилаш-жамлаш, гумон, бўлишсизлик олмошлари ҳам пресуппозиция англата олади, лекин сермахсул эмас.

Равиш сўз туркуми ҳам пресуппозиция англатиш учун восита бўла олади. Айниқса, тарз ва пайт равишлари сермахсул ҳисобланади. М.: *Боягидек уйнинг у томонига ўтди* («Шарқ юлдузи») гапида «*Аввал ҳам уйнинг у томонига ўтган*» пресуппозицияси *боягидек* равиши орқали англашилмоқда.

Шунингдек, келишиклар ҳам пресуппозицияга восита бўла олади. Келишиклар ҳозирги даврда кенг ўрганилган категориядир. Бироқ келишик тадқиқ этилган ишларда ҳар бир келишик алоҳида-алоҳида текшириш объекти бўлган. Шунинг учун мавжуд барча келишиклар бир бутунлик сифатида бир-бирига боғланган ҳолда ўрганилиши керак. Чунки диалектик боғланишда, бир система сифатида талқин этилса, келишикларнинг ўзига хос хусусиятлари яна ҳам кенгроқ, мукамалроқ кўзга ташаланади. Келишикларнинг пресуппозиция англатишига келсак, фақат воситали келишикларгина пресуппозицияга ишора қила олади. Айниқса, тушум ва қаратқич келишиклари актив восита ҳисобланади. М.: *Машинанинг эшигини синдириб қўйди* («Шарқ юлдузи») гапида маъно талабига кўра қаратқич келишиги белгили ишлатилмоқда ва қандайдир машинани эмас, аниқ маълум машина кўзда тутилганлигини ифодаляпти. *Колхознинг клубига одам сиғмас эди* («Шарқ юлдузи») гапида ҳам қандайдир умуман колхоз эмас, аниқ, маълум колхоз маъносини таъкидлаганлиги учун белгили қўлланилган. Агар биз таққослайдиган бўлсак, қуйидагича ҳолат кўзга ташланади:

1. *Машинанинг эшиги – машина эшиги.*

2. *Колхознинг клуби – колхоз клуби.*

Биринчи машинанинг эшиги ва колхознинг клуби бирикмаларида аниқлик ҳамда таъкид кучли, шунинг учун белгили қўлланилмаса, контекстдаги мазмунга путур етади. Иккинчи машина эшиги, колхоз клуби бирикмаларида умумийлик, абстрактлик кучли, шунинг учун юқоридаги контекстга тўғри келмайди. Биз кўриб ўтган ҳолатларни тушум келиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун воситали келишикларнинг белгили ёки белгисиз келиш ҳоллари ҳам пресуппозицияга кўра юзага келади. Чунки Ж.Лакофф айтганидек, пресуппозиция гапнинг шаклий тузилишига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам шакл кўрсаткичларининг тушиб қолиши пресуппозициянинг таъсирида юзага келади.

Гапларнинг коммуникатив типларни таҳлил қилишда ҳам пресуппозиция ҳодисаси қўл келади. Айниқса, риторик сўроқ гапларнинг семантик-синтактик хусусиятини аниқлашда пресуппозицияга мурожаат қилмасликнинг сира иложи йўқ.¹

Соф сўроқ гапларнинг ҳам семантик-синтактик табиатини пресуппозиция ҳодисаси орқали аниқ тушунтириш мумкин. Маълумки, барча лингвистик адабиётларда соф сўроқ гаплар – маълум жавоб талаб қиладиган гаплар деб талқин этилади. Лекин нима учун жавоб талаб қилинади? Деган

¹ Мащмудов Н.М. Пресуппозиция ва гап. «Ўзбек тили ва адабиёти». 6-сон. 1986 й. 30-бет

сўроққа жавоб умумий планда берилади. М.: Колхознинг бедапоясидан ким ўт ўғирлади? («Шарқ юлдузи») гапида ким? сўроқ олмоши орқали бир киши (аниқ бўлмаган) сўралмоқда, шунинг учун жавоб берилиши талаб этилади.

Дунё экан. . .

Ишқ деган савдо

Борми фақат менинг бошимда?

Кимни этмас бу кўнгил шайдо,

Ким шеър ёзмас менинг ёшимда? (Э.Воҳидов)

Гапларда жавоб талаб этилмайди. Чунки ишқ савдоси ҳамманинг бошида бор эканлиги, ҳамма (ишқ савдосига мубтало бўлганлар) шеър ёзишлиги аниқ далил. Бу далил эса пресуппозиция орқали тушунилади. Шунинг учун жавоб бериш шарт эмас. Агар юқоридаги гапларга ўхшаган гаплар келиб қолса, сўзловчи ва тингловчидаги информатив мазмунга пресуппозиция хабар беради. Ҳамда синтактик жавоб ўз-ўзидан яширин ҳолда аниқ бўлиб қолади. Соф сўроқ гапларда сўроқ олмошларининг иштирок этиши ҳам пресуппозицияни юзага келтиради¹. Лекин айрим ишларда соф сўроқ гапларда пресуппозиция мавжуд эмас деб кўрсатилмоқда². Н.Д.Арутюнованинг таъкидлашича, соф сўроқ гапларда ҳам пресуппозиция бўлади, айниқса сўроқ олмошлари билан тузилган гапларда бу ҳодисани яққол сезиш мумкин бўлади. М.: Кто пришёл (Ким келди?) гапида кимдир келганлиги пресуппозицияси бор. Ёки Кто опоздал? (Ким кеч қолди?) гапида кимдир кеч қолган пресуппозицияси мавжуддир.³

Агар соф сўроқ гаплар сўроқ юкламалари билан тузилган бўлса, пресуппозиция сўроқ юкламаси ва гапнинг мавжуд бўлаклари орқали юзага келади. М.: +андай яхши одам эди-а? («Шарқ юлдузи») гапида «Аввал яхши одам эканлиги, лекин кейинчалик қандайдир фалокат, нохушлик юз берганлиги» пресуппозицияси сўроқ юкламаси ва гапнинг мавжуд бўлаклари, умуман, сўроқ гап орқали англашиляпти. Шунинг учун ҳам сўроқ гапларда пресуппозиция ҳодисасини текшириш, аниқлаш кўпгина биз учун қоронғи, ноаниқ бўлиб кўринаётган томонларни тушунишга ёрдам беради.

Тўлиқсиз гапларни ҳам аксарият илмий адабиётларда маълум бўлаклари тушириб қолдирилган ва маъноси ситуациядан билиниб турадиган гаплар деб тушунтирилади. Аслида эса, мазмуний жиҳатдан тўлиқ бўлиши уқдирилади. Аксарият контекст, ситуация кабилар нима асосида киши онгида юзага келиши ҳақида ҳеч нарса, дейилмайди ёки яширинган бўлак онгда мавжуд бўлади⁴ дейиш билан кифояланади. Тўлиқсиз гаплар пресуппозицияси тадқиқ этилса, баъзи кемтик жойлар тўлдирилган бўлар эди. Шунингдек, сўз гаплар, атов гапларда ҳам маълум пресуппозиция мавжуд бўлади. Шунинг учун гапнинг коммуникатив ва тузилиш жиҳатидан турларини пресуппозицион таҳлил этиш шу соҳадаги айрим чалкашликларни

¹ Бу тўғрида сыро= олмошлари пресуппозицияси ша=идаги фикрларимизда айтиб ўтган эдик.

² Машмудов Н.М. Ыша жойда

³ Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике. – Известия АН СССР отд.серия лит. и языка. Т.-32. вып.1 1973. стр. 87

⁴ Щозирги ызбек адабий тили. 2 том. Т., 1966. 211-бет


хал этишга ёрдам беради. Н.Махмудовнинг таъкидлашича текст пресуппозицияга кўра шакл жиҳатидан ихчамлашиб боради.⁵

Демак юкламалар, кўмакчилар, олмошлар, равишлар, келишиклар, ўхшатиш қурилмалари, модал сўзлар, айрим киши номлари, айрим жой номлари, сонлар гапда пресуппозициянинг юзага келтирувчи восита сифатида иштирок этади ва гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Шунинг учун уларни лингвистик пресуппозициянинг информативлари, сигнализаторлари ёки лингвистик пресуппозицияга йўл очувчи воситалар деб аташ мумкин.

Риторик сўроқ гаплар, соф сўроқ гаплар, тўлиқсиз гаплар, атов гаплар, сўз гапларнинг ўзига хос хусусиятларидан, табиатдан келиб чиқадиган пресуппозициялар эса мантикий пресуппозиция дейилади. Бу пресуппозицияни юзага келтирувчи воситаларни мантикий кўрсатувчилар дейиш мумкин.

Хуллас ҳар қандай гапдан пресуппозиция англашилиб туради. Бу пресуппозиция мантикий ҳамда лингвистик пресуппозиция бўлиши мумкин. Пресуппозициянинг мантикий, лингвистик эканлиги уни юзага чиқарувчи воситаларга боғлиқ. Агар пресуппозиция лингвистик ишора воситалари орқали англашилса, лингвистик пресуппозиция дейилади. Агар мантикий ишора воситалари орқали англашилса, мантикий пресуппозиция дейилади.

Лингвистик пресуппозиция ҳамиша ўз ишора воситасига эга бўлади. Гапнинг мазмуний тузилишида яширин тарзда англашилади. Буни жадвал асосида қуйидагича изоҳлаш мумкин:



⁵ Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап. – «Ўзбек тили ва адабиёти». 6-сон. Т., 1986. 30-бет

Пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларнинг семантик таҳлили ҳозирги давр тилшунослигининг долзарб мавзуси ҳисобланади. Унинг учун ҳозирги кунда ҳар бир сўз туркумлари, ҳар бир категорияни пресуппозицион таҳлил этиш кучайди. Тил категорияларини пресуппозицион таҳлил этиш тилшуносликнинг янги қирраларини очиб беради.

Уларнинг шу кунгача кўринмай келган турли томонларини яна ҳам очиб беради. Чунки С.Д.Кацнельсон айтганидай: «Грамматикани катта қисми сув остига яширинган муз тоғи билан қиёслаш мумкин¹. Ҳали грамматиканинг, айниқса, синтаксиснинг мазмуний узвлари «сув остида яшириниб» турибди. Бу узвларни сўз, гап доирасидан чиқмайдиган илмий тадқиқот билан очиб бўлмайди. Шунинг учун гапни турли қирралари билан боғлиқ бўлган, система сифатида талқин этиш зарур. Система элементларининг бирортаси ҳам четда қолмаслиги керак. Чунки гап ичида лексик маънога эга бўлмаган сўзлар борки, уларнинг маъноларини прагматик жихатдан таҳлил этилмаса, мавхум бўлиб қолади. Ана шундай сўзларнинг прагматикасини пресуппозициясиз тушуниб бўлмайди.

Умуман, тилдаги барча категорияларни пресуппозицион таҳлил этиш тилшунос учун жуда кўп нарса беради. Тилнинг «сув остида яширинган» қисмларини очишда қўл келади.

I-§. «Ҳам» юкламасининг пресуппозицияси

¹ Канцельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – Л., 1972. стр.83

Тилшуносликда сўзларни туркумларга ажратишда семантик, морфологик ва синтактик белгилар биргаликда олинади¹. Сўзлар оппозицияда реаллашади, қайси сўз туркумига кириши аниқ билинади. Контекст эса, сўзларнинг оппозициясини реаллаштирувчи майдон ҳисобланади. Сўзларни қайси туркумга киришини контекст аниқ белгилаб беради. Айниқса, лексик маънога эга бўлмаган ёрдамчи сўзларнинг туркумларини контекстсиз белгилаш мумкин эмас. Чунки ёрдамчи сўзларнинг маънолари мустақил сўзларга қўшилгандагина англашилади. Шунинг учун ёрдамчи сўзларни белгилашда грамматик маъно ва синтактик боғланиш асосий мезон ҳисобланади.

Маълумки, *ҳам* юкламаси ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган юклама ҳисобланади. Ҳам юкламасининг ўзига хос хусусияти мураккаб бўлганлиги учун турлича номлар билан аталиб келинади.

А./уломов «Содда гап» китобида *ҳам* сўзини ёрдамчи деб атайди ва унинг турли логик маъноларини кўрсатиб беради².

У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» сиртқи бўлим талабалари учун қўлланмасида ҳам юкламаси бириктирув боғловчилари қаторида талқин этилади³.

А.Н.Кононовнинг «Грамматика современного узбекского литературного языка» китобида *ҳам* боғловчи сифатида изоҳланади.⁴

Ўзбек тили грамматикаси, I томда *ҳам*ни бириктирувчи боғловчиси ҳамда кучайтирув ва таъкид юкламаси дейилади.⁵

Р.Расулов *ҳам* сўзининг қўлланилиш ўринлари ва англаган маъноларини атрофлича ёритиб беради ҳамда гапларга қандай маъно нозикликлари беришига қараб: 1) таъкид ёки кучайтирув юкламаси; 2) тўсиқсизлик юкламаси; 3) бириктирув боғловчиси каби турларга ажратади⁶.

Умуман, *ҳам* юкламаси кейинги даврларда яратилаётган илмий тадқиқот ишларида юкламалар қаторида талқин этилмоқда.

Тилда лексик маъно англамайдиган ёрдамчи сўзлар борки, «уларнинг лексик маънолари грамматик, логик экспрессив-услубий функцияларга тенг келади (В.В.Виноградов) ; Шунинг учун бундай сўзларни ёрдамчи сўз туркумларининг қайси группасига киритиш ёки маъно нозикликлари юкляптими ёки гапда боғлаш ва сўз маъноларини тўлдириш функцияларини бажараяптими кабиларга қараб белгиланади. Шу жиҳатдан ҳам сўзининг гапдаги иштирокига назар ташланса, жуда кўп ўринларда юклама вазифасида келар экан.

Ҳам сўзи юклама вазифасида келганда, сўз маъносини кучайтириш, таъкидлаш каби маъноларни ифодалаш билан бирга. Мазмуний тузилишнинг

¹ Кодухов В.И. Введение в языкознание. М., 1987 г., стр 232

² /уломов А. Содда гап. Тошкент, 1955 й, 94 бет

³ Турсунов У., Мухторов Ж, Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1975 й., 244-бет

⁴ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. Москва – Л., 1960 г., стр.328

⁵ Ўзбек тили грамматикаси. I том. 1975. 368-576-бетлар

⁶ Расулов Р. Шам сўзининг =қўлланилиш ўринлари ва ифодайдиган маънолари. АДПИ. Асарлар. VII-том. Андижон, 1961. 176-бет

бир элементи бўлган пресуппозицияни юзага келтирувчи восита бўлиб ҳам кела олади.

Ҳам юкламаси кўп ҳолларда қўшимча маъно юклаётган сўздан кейин келади ва ўзи қўшилиб келган сўз билан биргаликда алоҳида пропозиция ифодалайди. Шунинг учун бу юклама иштирок этган гапларнинг мазмуний тузилиши мураккаб бўлиб, доимо икки пропозиция ифодаланади. Масалан: Кирганларнинг юзи тундлигини кўриб, бюронинг охири ҳам яхши бўлмаганини сизди (П.+одиров. Уч илдиз. 61-бет) гапининг мазмуний тузилиши мураккаб, чунки бу гапда икки пропозиция ифодаланган, биринчи пропозиция – Кирганларнинг юзи тундлигидан бюронинг охири яхши бўлмаганини сизди; иккинчи пропозиция гап таркибидаги синтактик бўлақлар (гап констuentлари) орқали эксплицит (аниқ) ифодаланган, иккинчи пропозиция *ҳам* юкламаси орқали имплицит (яширин) англашилган. Яширин ифодаланган иккинчи пропозиция ҳам юкламасининг пресуппозицияси ҳисобланади. Агар биз *ҳам* юкламасини тушириб қолдирсак, формал-грамматик жиҳатдан ғализлик сезилмаса-да, лекин гапнинг мазмуний тузилишидаги иккинчи пропозиция англашилмайди.

Ҳам юкламаси пресуппозицияга ишора қилувчи сермахсул воситалардан бири ҳисобланади. Бу юклама турли хил маънодаги пресуппозицияга ишора воситаси бўла олади.

1. +ўшиб ҳисоблаш, биргалик маъносини ифодаловчи пресуппозиция.

Уйнинг эшиги очиқ эди (С.Зуннуова. Гўдак ҳиди. 36-бет).

Пропозиция – уйнинг эшиги очиқ эди.

Пресуппозиция – уйнинг деразалари ҳам очиқ эканлиги. Бу гапда *ҳам* юкламаси *эшик* сўзига қўшилиб пресуппозиция англашмоқда. Гапда очилиши мумкин бўлган уйнинг элементлари, яъни эшик сўзига яқин бўлган тушунчалар *ҳам* юкламаси орқали англашилмоқда ва уйнинг эшиги билан бирга деразалари ҳамда очилиши мумкин бўлган элементлари очиқ эканлиги таъкид орқали реаллашмоқда.

Бу гапда эшикнинг очиклиги тўғрисидаги ҳукм предикат орқали аниқ англашилган, деразанинг очиклиги тўғрисидаги ҳукм пресуппозиция орқали тушунилади. Юқоридаги типли гапларда предикатнинг қандай шаклда бўлиши ҳукмга таъсир этади. Агар предикат тасдиқ шаклда бўлса, ҳукм ҳам тасдиқ характерида бўлади ёки аксинча. *Ҳам* юкламаси ишора қилаётган пресуппозиция орқали англашилаётган яширин ҳукм бир-бирига тўғри пропорционал бўлади.

Ҳам юкламаси иштирок этган гапларда пресуппозиция таъкидланаётган сўз ва *ҳам* юкламаси орқали юзага келади. Чунки *ҳам* юкламаси ўзи таъкидлаётган сўз орқали шу сўзга яқин, жинсдош, маънодош тушунчаларга ишора қилади ва пресуппозицияни юзага келтиради. Масалан: У китоб ҳам ўқийди гапда таъкидланаётган бўлақ *китоб*. Гапнинг синтактик бўлақлари орқали англашилган пропозиция – у китоб ўқийди. Пресуппозиция эса – у газетп, журнал ва бошқа ўқилиши мумкин бўлган предметларни ўқийди. Кўринадики, гапнинг синтактик қурилишида мавжуд бўлган китоб ўзига яқин, жинсдош газета, журнал ва бошқалар, яъни ўқилиш учун объект

бўла оладиган предметлар ҳам юкламаси воситасида англашилмоқда. Бу гапда нафақат китобдан бошқа нарсаларни ўқий олиши, балки бошқа хунарларга ҳам эга эканлиги тушунилиши мумкин. Шунинг учун пресуппозицияни таҳлил этаётганда фақат ҳам юкламасининг ўзидан келиб чиқмай, балки шу юклама боғланиб таъкидланаётган, кучайтирилаётган бўлакнинг маъносини ҳам биргаликда олиш керак бўлади. Чунки мазмуний тузилишда ҳам юкламаси ўзи яқка ҳолда пропозицияга асос бўла олмайди. Юқоридаги гапдан «бошқа хунарларни ҳам билади» пресуппозициясининг юзага келиши сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив ниятига боғлиқ. Агар сўзловчи ва тингловчи ўртасида бирор кишининг ўқий олиши хусусияти ҳақида гап кетса, «бошқа нарсаларни ҳам ўқийди» пресуппозицияси юзага келади, ёки «бирор кишининг бир қанча хунарларни» билиш хусусияти ҳақида суҳбат бўлса, албатта «китобдан ташқари яна бошқа нарсаларни ҳам қила олади» пресуппозицияси англашилади. Шунинг учун Н.Д.Арутюнова пресуппозицияни «сўзловчи ва тингловчининг умумий билиши фонди» деб атайди.

Эркакларга ҳам тушунтирганман (А.+ахҳор, Асарлар, I том, 121 б.) гапида ҳам кўриб ўтилган ҳолатни кузатиш мумкин. Бу гапда очик пропозиция эркакларга тушунтирган, яширин пропозиция – пресуппозиция – аёлларга ҳам тушунтирган эканлиги. Пресуппозицияга ҳам юкламаси ишора қилаяпти. Ҳам юкламаси «эркаклар» сўзига боғланиб, бу сўзни таъкидлаяпти. Шу таъкидланаётган сўз билан биргаликда пресуппозицияни юзага келтираяпти. Пресуппозицияда эркаклар сўзидан жинс жиҳатдан бошқа бўлган аёллар сўзи тушунилмоқда. Лекин жинс жиҳатдан бошқа-бошқа бўлса, ҳам ҳар доим эркак сўзини эшитан киши онгида аёл сўзи ҳам гавдаланади. Бу гапда аёл сўзининг англашилишига ҳам юкламаси ишора қилаяпти. Демак, ҳам юкламаси ўзи боғланиб таъкидлаб, кучайтириб келаётган бўлакка яқин, жинсдош, маънодош тушунчаларига ишора қилиш орқали пресуппозиция англашиб қолмай, балки қарама-қарши, антонимик муносабатдаги тушунчаларга ишора қилиш орқали ҳам пресуппозиция англашиши мумкин экан. Чунки антонимик муносабатдаги сўзларнинг, тушунчаларнинг бири табиатан иккинчисини ёдга солади. Масалан: Яхши – ёмон, катта-кичик, баланд-паст ва ҳ.к. Гап таркибида бири орқали иккинчиси англашилиши учун фақат информатор, сигнализатор керак бўлади. **Ҳам** юкламаси ҳудди ўша сигнализатор вазифасини ўтаб, бизга ишора қилади. Тингловчи эса антонимик муносабатда бўлган тушунчаларнинг иккинчи компонентини ҳам юкламасининг ишораси орқали гапнинг синтактик қурилишида ифодаланмаган бўлса, ҳам тушунаверади. Чунки тингловчи ва сўзловчининг умумий билиш хазинасида ўша тушунчаларнинг изи аввалдан мавжуд, фақат ишораси бўлса кифоя.

Ҳам юкламаси антонимик муносабатдаги тушунчаларга ишора қилиш орқали пресуппозицияни юзага келтирган ҳолатларда бу юклама тушиб қолса, ҳам пресуппозиция англашилаверади. Фақат лингвистик пресуппозиция англашилмай, логик пресуппозиция англашилади. Масалан: Эркакларга тушунтирганман гапида пресуппозиция – «аёлларга

тушунтирмаганман»лиги ҳисобланади. Бу пресуппозиция – «аёлларга тушунтирмаганман»лиги ҳисобланади. Бу пресуппозиция логик жиҳатдан, юзага келган. Аммо бундай ҳолатларда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги коммуникатив ниятни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Агар «эркакларга тушунтирдингми?» саволи берилса, тингловчидан ҳа, эркакларга тушунтирганман деган жавоб олинса, пресуппозиция юзага келмайди. Фақат сўзловчининг айтган фикри тасдиқланади холос. Агар «аёлларга тушунтирдингми?» сўроғи берилганда, «эркакларга тушунтирганман» жавоби олинса, ундай ҳолларда пресуппозиция ҳақида гапириш мумкин бўлади. Шунинг учун юқоридаги «эркакларга ҳам тушунтирганман» гапидаги сингари пресуппозиция англашилмай қолмайди, фақат пресуппозициянинг маъноси ўзгаради холос.

Ҳам юкламаси кўриб ўтилган гаплардаги сингари кўшиб ҳисоблаш маъносидаги пресуппозицияни англаганда, англашилган ҳукм синтактик курилишда **ҳам** юкламаси таъкидлаб, кучайтириб келаётган бўлак билан биргаликда синтактик планда ифодаланмаётган, лекин имплицит тушунилаётган бўлакка ҳам тааллуқли бўлади. Шунинг учун бу пресуппозицияни кўшиб ҳисоблаш маъносидаги пресуппозиция дейишимиз керак бўлади. М.: *Адабиётлардан ҳам аёло баҳо олган эди.* (А.+аҳҳор. Асарлар. Т., 117-бет) гапида ҳам кўриб ўтилган ҳолат кўзга ташланади. Бу гапда пропозиция – Адабиётдан аёло баҳо олган эди; пресуппозиция – бошқа фанлардан ҳам аёло баҳо олган. «Бошқа фанлардан ҳам аёло баҳо олганлиги» ҳам юкламаси орқали тушунилмоқда. Пресуппозиция ҳам юкламасининг «адабиёт» сўзига кўшилиб «бошқа фанлардан» сўзига, тушунчасига ишора қилишидан англашилган ҳукмни иккала тушунчага биргаликда тааллуқлилигидан юзага келмоқда.

Ҳам юкламаси кўриб ўтилган ҳолатларда гапларнинг синтактик (формал) курилишида қайси гап бўлагини таъкидлаб келса, мазмуний тузилишда ҳам ҳудди ўша бўлак билан англашилган мазмуний элементга – ишора қилади. Агар эгага боғланиб, уни таъкидлаб келса, субъектга ишора қилади, тўлдирувчига боғланиб келса, объектга ишора қилади. Демак, **ҳам** юкламаси гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради ва хилма-хил маънодаги пресуппозицияларга ишора қилиш воситаси бўла олади. Биз юқорида кўшиб ҳисоблаш маъносидаги пресуппозиция англантишга восита бўлиб келиш ҳолатларини кўриб ўтдик.

2. Такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозиция

Ҳам юкламаси такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора воситаси бўлиб келганда, кўп ҳолатларда, пайт маъносини билдирувчи сўзлар билан боғланиб келади ва кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг такрорийлигини кўрсатиш орқали пресуппозицияни юзага келтиради. Кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг такрорийлиги шакл жиҳатдан, гапда иштирок этмаган бўлсада, **ҳам** юкламасининг ишораси туфайли яширин тушунилади. Масалан: *Вазира бугун ҳам шундай аҳволда тонг оттирди*

(С.Зуннунова. Гўдак ҳиди. 127-бет) гапида гапнинг мавжуд, бўлаклари орқали ифодаланган очиқ пропозиция – *Вазира бугун ҳам шундай аҳволда тонг оттирга»*лиги; пресуппозиция – Вазиранинг аҳволи аввалги кунлари ҳам бугунгидай эканлиги. Бу гапда Вазиранинг тонг оттиришдаги ҳолати давомий, яъни аввалги кунларидаги ҳолат бугун ҳам такрор бўлганлигига **ҳам** юкламаси ва пайт билдирувчи «бугун» сўзлари ишора қиляпти.

Давом этиш, такрор этиш маънолари ўша пайт, яъни гапда ифодаланган ва **ҳам** юкламаси таъкидлаб кўрсатаётган пайтда ҳам қайта такрорланганлиги билан яқунланади. Юқоридаги гапдан Вазира аввалги кунда қандай тонг оттирган бўлса, бугун ҳам шундай тонг оттирганлиги яширин тушунилади.

Кўринадики, кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг авваллари ҳам бўлганлигига ишора қилувчи восита **ҳам** юкламаси ва пайт билдирувчи сўз бўлмоқда, шу билан бирга такрорийлик маъносидаги пресуппозиция юзага келмоқда.

+ора йигит кечкурун ҳам келди («Шарқ юлудзи») гапида иш-ҳаракатнинг қайратирилиши бир кун ичида бўлганлигини, лекин куннинг маълум вақтларида қайтарилганлиги яширин англашилади. Солиштиринг: 1. Пропозиция - +ора йигит кечкурун келди. 2. Пресуппозиция (биз бундан кейинги шарҳларда яширин пропозиция – пресуппозиция дейиш ўрнига, пресуппозиция дейишни маъқул кўрдик) - +ора йигит кундузи ҳам келган. Бу гапда (умуман пресуппозицияга кўра гаплар шакл жиҳатдан ихчамлашади) тил тараққиётининг етакчи тенденцияларидан бири бўлган тил экономияси ходисаси кўринади. Яъни, «кечкурун ҳам» қурилмаси орқали «кундузи ҳам» тушунчаси яширин англашилади.

Бундай типдаги гапларда **ҳам** юкламаси пайт муносабати англаган сўзлар билан бирга пресуппозицияни юзага келтириши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки пайт билдирувчи сўз маълум бир «бутунлик»нинг «қисм»ини, яъни сутка – бутун, сутканинг қисмлари – эрталаб, туш, кечки пайт, кечкурун ва шу каби маъноларни англатиши мумкин. Ҳудди шу асосида такрорийлик қандай бутунликда, яъни сутканинг қисмларидами, ҳафтанинг қисмларидами ёки ойнинг, йилнинг, асрнинг ва ҳ.к.ларнинг қисмларида рўй берганлиги аниқланади ва пресуппозиция тушунилади. Шунинг учун пайт билдирувчи, сўз маъноси **ҳам** пресуппозицияни юзага келишида алоҳида аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, **ҳам** юкламаси ҳозир, боя, бугун, кеча, аввал, олдин, энди, индин, кеч, сўнг, кейин, дастлаб, сахарлаб, эрталаб, доим, ҳали, эрталаб, тушда, кечки пайт, кечкурун, ярим кеча, тонг сафар, фаслларни билдирувчи сўзлар: баҳор, ёз, куз, қиш; йил ойлари: январь, февраль, март, апрель, май, июнь, июль, август, сентябрь, октябрь, ноябрь, декабрь; ҳафта кунлари – душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба, соатлар, йиллар, асрлар ваш у каби бошқа пайт муносабатини билдирувчи сўзлар билан қўшилиб келганда такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилади.

М: 1. Дўконимиз азамат толлар остида ва айвон бўлишига қарамай, кундузи ҳам эшикни ёпиб, чироқ билан ишлар эдик. (А.+аҳҳор).

2. Манна бугун ҳам бригадамиздаги ўн икки кишининг ҳаммасини, хафа қилдим (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси. 11-бет).

3. Манна, ҳозир ҳам Тим қоронғи ва зах, чакалавзордан кетаяпмиз (Ў.Ҳошимов, ИКки эшик ораси. 19-бет).

4. Салим бувва ёзда ҳам келди («Шарқ юлдузи»).

5. Карим чўпон соат ўн бирда ҳам қўйларини сувга олиб келади. («Шарқ юлдузи»).

6. Бу масалани майда ҳам кўриб чиқамиз («Шарқ юлдузи»)

7. Шанбада ҳам лекция ўқилар экан. («Совет Ўзбекистони»)

Кўринадики, юқоридаги ҳамма гапларда **ҳам** юкламаси пайт билдирувчи сўзлар билан биргаликда такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилувчи воситаси бўлмоқда. Кўриб ўтилган типдаги гапларнинг барчасида **ҳам** юкламаси тушириб қолдирилса, такрорийлик маъноси ифодаланмай қолади.

Такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозицияни **ҳам** юкламасидан ташқарии **яна, тагин** каби юкламалар ҳам юзага келтириши мумкин. М.: Салим бува кеча Яна келди («Шарқ юлдузи») гапида «Салим бува аввал ҳам келган» пресуппозицияси мавжуд. Бу пресуппозицияни Яна юкламаси юзага келтирмоқда. Биз бу хусусда **яна** юкламаси пресуппозициясини шарҳлаган қисмда алоҳида тўхталамиз.

Ҳам юкламаси чиқиш келишигидаги сўз билан келадиган кўмакчилар – сўнг, кейин, бери, буён, илгари, олдин, аввал кабилан билан биргаликда қўлланиб ҳам пресуппозицияга ишора қилиши мумкин. Бу ҳам такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозиция ҳисобланади.

Биз юқорида кўриб ўтилган гапларнинг барчасида кесимдан англашилган иш-ҳаракат бўлишли, шунинг учун иш-ҳаракатнинг бўлиши такрорланганлиги кўриниб туради. Такрорийлик гапда кўрсатилган пайтгача давом этиши **ҳам** юкламаси орқали англашилиб туради. Агар кесим бўлишсиз шаклда бўлса, **ҳам** юкламасидан англашилган маъно бўлишли кесим билан шаклланган гапларга қараганда бошқачароқ бўлади. М.: Ёдгор қоронғи квартирасига бугун ҳам келмади («Шарқ юлдузи») гапида такрорийлик маъноси бўлишсизлик асосида юзага келмоқда. Бу гапда пропозиция – Ёдгор қоронғи квартирасига бугун келмади; пресуппозиция – Ёдгор қоронғи квартирасига аввал ҳам келмаган. Пресуппозиция келмаганликнинг такрорланиши асосида юзага келган. Келмаганликнинг бугун ҳам такрорланишига **ҳам** юкламаси ишора қилаяпти. Юқоридаги сингари бўлишсиз шаклдаги кесимлар орқали шаклланган гаплардан кутиш маъносидаги пресуппозиция ҳам англашилиши мумкин. Лекин такрорийлик сингари очиқ кўринмайди. М.: Орзиқиб кутилган қор қишда ҳам ёғмади («Шарқ юлдузи») гапидан «Аслида ёғиши керак эди» пресуппозицияси ҳам англашилиши мумкин. Бу гапда кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция очиқ англашилмоқда. Лекин «Ёдгор қоронғи квартирасига бугун ҳам келмади» гапида кутиш маъносидаги пресуппозиция очиқ англашилмайди.

«Орзиқиб кутилган қор қишда ҳам ёғмади» гапидаги кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция «қор» сўзига ҳам боғлиқ. Чунки қор ёғиши албатта қиш фаслида бўлади. Шунинг учун қиш фаслида қор ёғишини кутиш табиий.

Агар **ҳам** юкламаси уюшган пайт билдирувчи сўзларга боғланиб келса, такрорийликдан кўра кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилади. М.: Зуфар Ҳакимович кеча ҳам, бугун ҳам келмади. (П.+одиров. Уч илдиз. 81-бет) гапида ҳудди анна шундай ҳолат кўзга ташланади. Бу хусусда кейинроқ тўхталиб ўтамиз.¹

Ҳам юкламаси от кесимли гапларда пайт билдирувчи сўзларга боғланиб келганда ҳам такрорийлик маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилади. М.: Самандар – бугун ҳам инженер («Шарқ юлдузи») гапида «Самандар аввал ҳам инженер бўлган» пресуппозицияси мавжуд: Кўринадики, энди иш-ҳаракатнинг такрорийлиги эмас, касбга эгалик қилишнинг такрорийлигини англатади. Демак, гапнинг кесими касбни англатувчи отлар билан ифодаланган бўлса, **ҳам** юкламаси ва пайт билдирувчи сўз шу касбга эга бўлишнинг такрорийлигини англатади ва шу аснода пресуппозицияни юзага келтиради.

Агар кесим хусусият, белги, маза-таъм, ранг-тусни билдирувчи сўзлар билан ифодаланган бўлса, шу сифатга эгалик аввал ҳам бўлганлигини ифодалайди ва пресуппозицияни юзага келтиради. М.: Чой энди ҳам бемаза (П.+одиров. Уч илдиз. 131-бет) гапида ҳудди юқоридаги ҳолатни кузатиш мумкин.

3. Тўсиқсиз маъносини ифодаловчи пресуппозиция

Ҳам юкламаси шарт феъллари билан келганда (**-са ҳам** қурилмаси), ўрин-пайт келишиги кўшимчасини олган сифатдош билан келганда тўсиқсизлик юкламаси вазифасини бажаради. Ҳам юкламаси орқали ифодаланган тўсиқсизлик маъноси иш-ҳаракатнинг юзага келишига тўсиқ бўла олмаслик асосида белгиланади.¹

Шарт феълларига боғланиб, **-са ҳам** қурилмаси тарзида тўсиқсизлик маъносини ифодалаб келганда синтактик қурилишида кесимдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага келишига тўсиқ бўлмасликни ифодалайди. Мазмуний тузилишда ўзи қўшилиб келган шарт формасидаги феълдан англашилган иш-ҳаракатни умуман бўлмаганлигини кўрсатади ва тўсиқсизлик маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилади.

М.: Ўзи пиёдалар командири бўлса ҳам, ўқувчилар пилоткасини кийган командирлар, политруклар пайдо бўлди (Шухрат, Шинели йиллар, 60-бет) гапида тўсиқсизлик маъноси феълнинг шарт формаси **-са** ва **ҳам** юкламаси орқали ифодаланган ва «политруклар, командирлар – пиёдалар командирларидир» деган пресуппозиция юзага келмоқда.

¹ Кейинги параграфларда кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция батафсил ёритилган.

¹ Бу **ща=да тыли=** маълумот олиш учун **=аранг**: Расулов Р. «Шам» сызининг **=ылланилиш ыринлари** ва ифодаляйдиган маънолари. АГПИ, Труды. Том VII. Андижон, 1961 й. 21-226-бетлар

Кўринадикки, тўсиқсизликни ифодалаётган шарт формасидаги феъл бўлишли бўлса, бўлишли характердаги пресуппозиция юзага келади ёки аксинча.

М.: *Итлар онги бўлмаса ҳам, маълум юмушларни бажармоқда* («Сов.Ўзб») гапида **ҳам** юкламаси кўшилиб келаётган шарт формасидаги феъл бўлишсиз, шунинг учун мазмуний тузилишда яширин тушуниладиган пресуппозиция ҳам бўлишсиз характерда («итларнинг онги йўқ») бўлади.

Сода гапларда кесимдан англашилган иш-харакат тўсиқсизлик маъносини ифодаловчи сўз ва **ҳам** юкламасидан англашилган маънога қарама-қарши бўлади, лекин қарама-қарши бўлса ҳам, кесимдан англашилган иш-харакатнинг юзага келишига тўсиқ бўла олмайди. Пресуппозиция ҳудди тўсиқ бўла олмаётган тушунча орқали белгиланади.

+ўшма гапларда эса (эргаш гапли кўшма гапларда) тўсиқсизлик маъноси бутун бир гап сифатида ифодаланади, яъни бош гапдаги иш-харакатга тўсиқ бўлиши мумкин бўлган ҳолат ва ҳаракат эргаш гап сифатида берилади. Бундай ҳолатларда ҳам эргаш гап орқали пресуппозицияни белгилаш мумкин бўлади, лекин ишора қилувчи восита ўзгармайди. М.: *Ҳаво булут бўлмаса ҳам, ёмғир ёғаяпти*. Аслида ёмғир ёғмаслиги керак эди.

Тўсиқсизлик маъносидаги пресуппозиция кўпинча сода гапларда аниқ сезилади, Аниқ чегаралаш мумкин бўлади. М.: *Пулим бўлмаса ҳам, олдим* («Сов.Ўзб.») гапида «пули йўқлигига» ишора қилиш орқали пресуппозиция майдонга келган. Юқорида кўриб ўтилган гаплардаги сингари нотўғри тасаввурни ифодаловчи пресуппозиция ҳам борга ўхшаб кўринадикки, бироқ тўсиқсизликка нисбатан очиқ эмас.

Агар тўсиқсиз эргаш гапли кўшма гапнинг кесими феълдан бошқа сўз туркуми билан ифодаланган бўлса, кесимдан кейин «*бўл*» кўмакчи феъли келтирилади ва шарт формаси, **ҳам** юкламаси кўмакчи феъл билан боғланади. М.: *Салима келган бўлса ҳам, залдагиларнинг чехраси очилмади* («Шарқ юлдузи»). Бундай гапларда пресуппозиция «Умматали Нафисани кунда кўрмаса ҳам, хафтада бир кўри туради» гапидагидай очиқ сезилмайди. Лекин пресуппозицияни ҳам юкламаси орқали Аниқлаб олиш мумкин.

«-ганда ҳам» конструкцияси орқали ифодаланган пресуппозициядан нотўғри тасаввур маъноси англашилади.

4. Кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция

Ҳам юкламаси такрорий ҳолатда уюшган пайт билдирувчи сўзларни таъкидлаб келганда кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозицияни юзага келтиради. М.: *Жуман тушда ҳам, кечки пайт ҳам, ярим кечасида ҳам келмади*. (А.Муҳтор. Туғилиш. 112-бет) гапидан кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозицияси англашилади. Чунки Жуманнинг келиши керак эканлиги пресуппозиция орқали яширин тушунилади.

Ҳам юкламаси аниқ пайтни билдирувчи сўзлардан кейин келганда **ҳам** кутиш маъносидаги пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Зуфар Ҳакимович соат 11⁰⁰да ҳам келмади* (П.+одиров. Уч илдиз. 87-бет) гапида «Зуфар

Ҳакимович соат ўн бирда келиши керак эди» пресуппозицияси англашилмоқда. Пресуппозицияни юзага келишида Аниқ пайт билдирувчи «соат ўн бир» конструкцияси ва **ҳам** юкламаси восита бўлмоқда.

Кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция англашилган гапларнинг кесими ҳар доим бўлишсиз шаклда бўлади. Иш-ҳаракатнинг маълум бир пайтда юзага келиши кутилган бўлса ҳам, бўлмаганлиги асосида пресуппозиция белгиланади. Пресуппозиция маълум бир пайтда иш-ҳаракатнинг юзага келиши кераклигига ишора қилса, гапнинг мавжуд бўлаклари орқали ифодаланган пропозиция иш-ҳаракатнинг юзага келмаганлигини англатади. Синтактик (формал) жиҳатдан гапда иш-ҳаракатнинг бўлишсизлиги англанилса, пресуппозиция шартлилик асосида тушунилади. М.: *Раисга соат ўнда ҳам машина келмади* (С.Сиёев) гапида юқорида кўриб ўтилган ҳолатни кузатиш мумкин. Пропозиция – раисга ўнда ҳам машина келмади; пресуппозиция – раисга соат ўнга машина келиши керак эди.

Гапнинг кесими бўлишсизликни ифодаловчи сўзлардан бўлганда, эгадан кейин **ҳам** юкламаси кўшилса ҳам, кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция англашилади. М.: *Жўрабой ҳам келмади* (Ойбек, +утлуғ қон, 31-бет) гапида **ҳам** юкламаси эгадан кейин келиб, кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилмоқда. Бундай гапларда биргалик, кўшиб ҳисоблаш маъноларини ифодаловчи пресуппозиция борга ўхшаб кетади, лекин кесимнинг бўлишсизлиги орқали пресуппозициядан англашилган маъно – кутиш эканлиги Аниқ сезилади. Агар кесим бўлишли бўлганда эди биргалик, кўшиб ҳисоблаш маъносидаги пресуппозиция англашилар эди. +иёсланг: *Энг мутаассиб, энг рашкли эркаклар ҳам дин ва диёнатга зарарли деб қарамайдилар* (Ойбек. +утлуғ қон, 119-бет) гапида «энг мутаассиб, энг рашкли эркаклар дин ва диёнатга зарарли деб қараши керак эди «пресуппозициясига ишора бор. Агар шу гапнинг кесими бўлишли шаклда ифодаланса, кутиш маъносидаги пресуппозиция эмас, биргалик, кўшиб ҳисоблаш маъносидаги пресуппозиция англашилар эди.

Ҳам юкламаси –са ва –ганда қўшимчалари орқали шаклланган сўзларга қўшилиб келганда, биз юқорида айтиб ўтганимиздек тўсиқсизлик юкламаси вазифасини ўтайди. Ҳудди шундай ҳолатларда, агар гапнинг кесими бўлишсиз шаклда бўлса, кутиш маъносини ифодаловчи пресуппозицияни юзага келтиради. М.: *Карим ака Салиманинг тўйига кўнгли қолган бўлса ҳам, борди* («Шарқ юлдузи») гапида «*Карим ака аслида бормаслиги керак эди»* пресуппозициясига ишора бор. Чунки Карим аканинг бормаслиги кутилган эди.

Самарқандда ой кўрган бўлса ҳам бормайди («Шарқ юлдузи») гапида ҳам юқоридагича ҳолатни кўриш мумкин.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, шарт шаклидаги феъллардан ва ўрин-пайт келишлиги қўшимчасини олган сифатдошлардан кейин қўшилиб тўсиқсизликни ифодаловчи вазифада келувчи ҳам юкламаси агар бўлишли характерда, агар кесим бўлишли шаклда бўлса, пресуппозициядан англашилган кутиш бўлишсиз характерда бўлади.

Ҳам юкламаси ҳатто, ҳаттоки, наҳот, наҳотки , ахир каби юкламалар билан биргаликда келиб кутиш маъносидаги пресуппозицияга ишора қилиб келади. М.: «*Кузатиш учун ҳатто Зебо келиши керак эди*» пресуппозицияси бор. Пресуппозиция ҳатто ва ҳам юкламалари воситасида англашилмоқда. Ёки *Наҳотки Вазира ҳам тушунмаса?* (С.Зуннунова. Гўдак ҳиди, 117-бет) гапида наҳотки ва ҳам юкламалари кутиш маъносидаги пресуппозиция (аслида Вазира тушуниши керак)га ишора қилаяпти. Агар гапнинг предикати бўлишли характерда бўлса, гапдан англашилган пресуппозиция бўлишсиз характерда бўлади. М.: *Ҳатто Мурзин ҳам ухлаб қолди* (Шухрат. Шинели йиллар, 117-бет) гапида предикат бўлишли бўлганлиги учун англашилган пресуппозиция бўлишсиз характерда тушунилади.

1. Пропозиция – Мурзин ҳам ухлаб қолди.

2. Пресуппозиция – Мурзин ухламаслиги керак эди.

Ҳам юкламаси такрорий ҳолда қўлланиб, гапнинг эгаси, тўлдирувчиси, аниқловчиси, ҳоли, кесимини таъкидлаб, кучайтириб келганда, ўзи таъкидлаб келаётган бўлақдан англашилган тушунчаларни кутиш маъносидаги пресуппозиция орқали шакллантиради. М.: Меҳмондорчиликда Салимахон ҳам, сурнайчи йигит ҳам кўринмади («Шарқ юлдузи») гапида «Салимахон ва сурнайчи йигит меҳмондорчиликда бўлиши керак эди» пресуппозицияси бор. Пресуппозиция ҳам юкламасининг такрорий қўлланиши асосида юзага келмоқда.

Ҳам юкламаси *тугул* юкламаси билан биргаликда қўлланиб нотўғри тасаввур ифодаловчи пресуппозицияга восита бўлади. М.: *Нон тугул, урвоқ ҳам йўқ* («Шарқ юлдузи») гапида «нон бор деб ўйлаган» пресуппозицияси бор. Пресуппозиция *тугул* ва **ҳам** юкламалари воситасида тушунилади.

Ҳам юкламаси *–ям* шаклида (унлидан сўнг) ва «х» ундоши тушган ҳолда қўлланиши ҳам мумкин. Бундай чоғда ўзи алоқадор бўлган сўзга кўшиб ёзилади,¹ лекин бундай ҳолат пресуппозиция англатиб келишига таъсир этмайди. М.: *Мен ҳам бордим*. Пресуппозиция – демак, бошқалар ҳам борган.

Биз **ҳам** юкламасининг жуда кўп ҳолларда ўзи алоқадор бўлган сўздан кейин келишини ва пресуппозиция англатишини кўриб ўтдик. Фақат жуда оз ҳолатларда гапнинг охирида келади. Гапнинг охирида ҳам («Шарқ юлдузи») гапида «ҳеч нарса ўзгаргани йўқ» пресуппозицияси англашилади.

Ҳам юкламаси *учун, билан* каби кўмакчилар билан биргаликда қўлланиб ҳам пресуппозиция англатиб келади. М.: Салим учун ҳам олди. Мухторжон учун ҳам гапирдим («Шарқ юлдузи»). *Мурзин билан ҳам бордим* (Шухрат. Шинелли йиллар, 171-бет). Биринчи гапда – «ўзи учун ҳам олган», иккинчи гапда – «бошқалар учун ҳам гапирган», учинчи гапда – «бошқалар билан бирга борган» пресуппозициялари бор. Пресуппозиция *учун, билан* кўмакчилари ва ҳам юкламалари воситасида тушунилади.

Ҳам сўзлар таркибида бирикиб, янги сўз ҳосил қилиб келиш ҳолларида ҳам пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Конференцияда докладни ҳамхонам*

¹ Ўзбек тили грамматикаси. I-том. Тошкент, 1975 й.

ўқиди («Ўзбек адабиёти ва санъати») гапидан «доклад ўқиган одам билан сўзловчи бита хонада туради» пресуппозициясини тушуниш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳам юкламаси пресуппозициянинг ишора воситалари ичида энг сермахсули ҳисобланади, бу юклама биргалик, қўшиб ҳисоблаш, кутиш, нотўғри тасаввур; ўхшатиш тенглаш, такрорийлик, тўсиқсизлик каби маъноларни ифодаловчи пресуппозицияга ишора воситаси бўла олади. **Ҳам** юкламаси гапнинг турли бўлақларига боғланиб келади ва ўзига хос пресуппозицияни юзага келтиради. Турли юклама ва кўмакчилар билан биргаликда қўлланиб ҳам пресуппозицияга ишора қила олади. Умуман, мазмуний тузилишининг мураккаб бўлиши, мазмуний тузилиш элементларидан бири бўлган бўлган пресуппозицияни реаллаштирувчи воситалар ичида энг аҳамиятлиси ҳисобланади. **Ҳам** юкламасининг мазмуний таҳлили шуни кўрсатадики, бу юклама гапнинг қайси ўринда келишидан қатъий назар юкламалик хусусиятини сақлайди. Уюшиқ бўлақларини бириктириб келиш ҳолати эса, услубий жиҳатдан нормага тўғри келмайди. Шунинг учун бу сўзни хамиша юкламалар қаторида талқин этиш керак. Чунки **ҳам** юкламаси гапда маълум нозик маъно оттенка бермай қолмайди. Бу эса, унинг юкламалик хусусиятини ҳам аниқлаштиради ва мустаҳкамлайди.

2-§ «ЭМАС» ЮКЛАМАСИНИНГ ПРЕСУППОЗИЦИЯСИ

Эмас сўзи ҳозирги кунга қадар яратилган илмий ишлар ва дарсликларда турли томондан талқин этилади ва бу сўзга хилма-хил таърифлар берилади. А.Н.Канонов бу сўзни уч элементдан: э, -*эр* ёрдамчи феъл ўзаги + -*ма* феълнинг инкор аффикси + - *С* – келаси замон кўшимчаларидан иборат ва у номни, баъзи ҳолларда феълнинг инкор шаклини ҳосил қилади, деб изоҳлайди¹. Т.Рустамов инкор билдирувчи сўз, инкор боғламаси, бўлишсиз кесим ўрнида ишлатиладиган сўз, кесимлик боғламаси сифатида талқин этади². А.Ҳожиев грамматик формантлар қаторига киритиш кераклигини таъкидлайди.³ Ф.Камол таҳрири остида 1957 йилда чиқарилган Ҳозирги ўзбек адабий тили китобида *эмас* ёрдамчиси⁴, академик грамматикада ва мактаб дарсликларида тўлиқсиз феъл, ёрдамчи дейилади⁵.

А.Нурмонов ва Р.Расуловлар инкор юкламаси сифатида изоҳлайдилар.⁶

Эмас юкламаси, зидланган уюшиқ бўлаклари, уюшган эгалар, тўлдирувчилар, аниқловчилар, ҳолларга боғланиб инкор, чегаралаш, ажратиб кўрсатиш маъноларини англатиб келишига қараб уни инкор юкламаси дейиш маъқул.⁷ Чунки ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари контекст асосида юзага чиқад ива қайси турга кириши аниқ бўлади. *Эмас* юкламаси контекст ичида боғлашдан кўра маъно жилоси беришга мойил. *Эмас* юкламасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида талайгина ишлар қилинган учун бу юкламанинг гап ичида келиш ўринлари ва қайси бўлақлар билан келиш ҳоллари ҳақида тўхталиб ўтмаймиз. Чунки *эмас* юкламасининг юқоридаги хусусиятларини ёритиш ишимизнинг туб моҳиятини ташкил этмайди. Биз бу юкламанинг пресуппозиция англатиб келиш ҳолларини талқин этамиз. +уйида *эмас* юкламасининг гап таркибидаги грамматик шаклланган бўлақларига инкор маъноларини (биз бу ўринда турли хил маъно нозикликларини назарда тутаяпмиз) беришдан ташқарии гап таркибида грамматик шаклланмаган ва гапга тенг бўлган маънолари ҳақида фикр юритилади.

Эмас юкламаси *ҳам*, *фақат* юкламалари сингари пресуппозицияга йўл оча олиши билан характерлидир. Бу юклама гапнинг зидланган уюшиқ бўлақларга а) ҳақиқий инкор; б) фараз қилинган инкор; в) қиёсланаётган инкор каби маъно жилолари юклаб келади ва мазмуний тузилишда турли хил маънодаги пресуппозицияга ишора қилади. Бу юклама иштирок этган гапларнинг ҳам, семантик тузилиши мураккаб бўлади. Шунинг учун ҳам *эмас* юкламасини пресуппозицияси таҳлил этиш шу юкламанинг Яна бир қанча ўзига хос қирраларини очиб беради ва аниқлаштиради. *Эмас*

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М., - Л., 1960. стр.204

² Рустамов Т. Категория отрицания в современном литературном языке. АКД. М., 1956. стр.17

³ Хожиев А. Тыли=сиз феъл. Т., 1970. 4-бет

⁴ Шозирги замон ызбек тили. Т., 1957. 456-бет

⁵ Ызбек тили грамматикаси. I-том. Т., 1975. 457-бет; Турсунов У., Мухтаров Ж., Рашматуллаев Ш. Шозирги ызбек адабий тили. Т., 1975, 216-бет

⁶ Нурмонов А.Н. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Т., 1982. стр.64; Расулов Р.Р. Ызбек тилида ёрдамчи сызларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. Т., 1983. 10-бет

⁷ Бу ша=да батафсил маълумот олиш учун =аранг: Расулов Р.Р. Ызбек тилида ёрдамчи сызларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. Т., 1983

юкламасининг инкорини ифодалаш моделлари хилма-хил, ўзига хос, бир канча воситалар билан биргаликда кела олиши билан ажралиб туради.

А.Нурмонов *эмас* юкламасининг бир неча маънодаги пресуппозицияларга ишора қилишни кўрсатиб ўтади¹. Биз *эмас* юкламасининг инкор моделларини қуйидагича ҳолатларини кузатдик.

I. А *эмас*, А. Бундай гап модели *эмас* юкламаси учун энг характерли, энг кўп қўлланиладиган моделлардан бири ҳисобланади. Бундай гапларда уюшган гап бўлаклари ўртасидаги инкор муносабатни ифодалаш учун *эмас* юкламаси ишлатилади. *Эмас* юкламаси юқоридагича модели гапларда гапнинг барча бўлақларидан кейин келиб инкор муносабатини ифодалай олади ва турли маънодаги пресуппозицияларни юзага келтиради. +уйидаги гапнинг турли хил бўлаклари билан бирга келиб, пресуппозиция англатиш ҳолларини кўриб ўтамиз:

I. Зидланган уюшиқ эгалар² билан биргаликда келиб, пресуппозиция англатиши:

Дадамни уч акамнинг қора хати *эмас*, сизнинг хабарингиз ўлдирди (А.Мухтор. Туғилиш, 84-бет) гапида иккита эга бор. Биринчиси *қора хати* инкор қилинаётган эга, иккинчиси – хабарингиз тасдиқ характердаги эга. Зидланган уюшиқ эгалар ўртасидаги зидланиш муносабати *эмас* юкламаси орқали тушунилади. Бу муносабатни аниқроқ ва тўлароқ тушуниш учун *эмас* юкламасининг пресуппозициясини кўриб ўтиш керак. Агар биз «*қора хати эмас, хабарингиз*» қурилмасини грамматик жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, *қора хат* – эга, *эмас* инкор юклаамаси, хабарингиз – эга тарзда бўлади. Уларнинг ўртасида инкор характер орқали зидланиш муносабати бор. Нима учун? – деган савол туғилади. Аксарият адабиётларда чунки *эмас* юкламаси бор, шунинг учун – деб жавоб беришади. Лекин бу жавоб аниқ ва тўлиқ *эмас*. Агар уни отасини *қора хат* ўлдирмаган бўлса, нимага *қора хат* айнан келтирилаяпти, шу қурилмани келтирмасдан ҳам, «отамни *сизнинг хабарингиз ўлдирди*» деб гап тузиш мумкин. Унда «нима учун *қора хат эмас*» қурилмаси кейин келтирилмоқда?» Бу саволга жавобни *эмас* юкламасининг пресуппозицияси орқали олиш мумкин. Бу гапнинг мазмуний тузилишини таҳлил этадиган бўлсак, қуйидагича ҳолат кўзга ташланади. Бу гапга иккита пропозиция мавжуд. Биринчи пропозиция гапда синтактик жиҳатдан, иштирок этаётган бўлақлар орқали ифодаланган, иккинчи пропозиция *эмас* юкламасининг пресуппозицияси орқали тушунилади. +иёсланг: 1) Дадамни уч акамнинг қора хати ўлдирмади, сизнинг хабарингиз ўлдирди; 2) Дадасини уч акасининг қора хати ўлдирган деб ўйлаган. Кўринадики, бу гапда нотўғри тасаввурни ифодаловчи пресуппозиция бор. Пресуппозицияга *эмас* юкламаси ишора қилаяпти. Пресуппозиция *эмас* юкламаси ва уюшган эгаларнинг зидланиши орқали юзага келган. «+ора хати эмас» қурилмасини келтиришининг сабаби пресуппозиция кўра эканлиги аниқ билиниб туради. Агар одамлар ва тингловчи отасини уч акасининг қора

¹ Нурмонов А.Н. Сигнификативная оппозиция синтаксических конструкций по признаку «Утвердительность отрицательность». АДД. Т., 1983, стр.22-23

² Расулов Р.Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг грамматик хусусиятлари, Т., 1983. 21-бет

хати ўлдирган деб ўйлаши назарда тутилмаганда, юқоридаги қурилманинг ҳам, зидланиш муносабатининг ҳам зарурати бўлмас эди. Гапнинг юқоридаги типларида кесим бўлишли шаклда шаклланган. Лекин уюшиқ эгаларнинг иккаласига ҳам бўлишли шакл тааллуқли бўлмайди. Бирига бўлишсиз шакл, иккинчисига бўлишли шакл тааллуқли бўлади. Бўлишсиз шакл пресуппозиция орқали тушунилади. Чунки грамматика тилда ифодаланган бўлакларни текширади¹, шунинг учун грамматик жиҳатдан бўлишсиз ҳаракатни гапнинг мазмуний тузилишида яширин ифодаланган пресуппозиция орқали шарҳлаш керак. Агар юқорида кўриб ўтилган гапда пресуппозиция бўлмаган эди, «*дадамни қора хат ўлдирмаган*» деган мазмуннинг тушунтирилиши грамматик жиҳатдан чалкашликни келтириб чиқарган бўлар эди ёки «*эмас*» юкламасини ҳам бўлишсиз шаклдаги кесим деб қарашга тўғри келар эди. Шунинг учун зидланган уюшиқ эгалар билан келган *эмас* юкламасининг ўзига хос хусусиятларини пресуппозиция орқали тушунтириш тўғри бўлади. Демак, А «*эмас*», А₁ модели асосида тузилган гапларда *эмас* юкламаси зидланган уюшиқ эгалар билан биргаликда келиб, уларга ҳақиқий инкор, фараз қилинган инкор, қиёсланаётган инкор каби маъно жиолари беради ва мазмуний тузилишда турли хил пресуппозицияни юзага келтиради.

Ҳикоя қиларкан, онамнинг кўзида алам ёши эмас, Аллақандай ёруғ бир нуқта йилтилар эди (А.+аҳҳор. Давр менинг тақдиримда, 284-бет) гапида инкор этилаётган эга ва тасдиқ қилинаётган эга ҳам аслида онанинг кўзидаги нарса. Лекин биринчи инкор этилаётган эга иккинчи тасдиқ этилаётган эгага ўхшатилади. Ўхшатилишдай аффикси орқали амалга оширилган. Иккинчи эга эса пресуппозиция асосида тушунилади: М.: Пропозиция – Онанинг кўзларида ала мёши йилтилар эди. 2) пресуппозиция – Онанинг кўзидаги ёш ёруғ нуқтага ўхшайди. 3) Пресуппозиция – Онанинг кўзидаги ёшни алам ёши деб ўйланган.

У тушган поезд гарбга эмас, шарққа кетди (А.+аҳҳор, Асарлар. III-том, 3-бет) гапида инкор қилинаётган бўлак *гарбга* сўздан кейин *эмас* юкламаси келиб, ўзи алоҳида пропозиция ифодалаб келмоқда. Шунинг учун бу гапда икки пропозиция бор: 1) *У тушган поезд шарққа кетди*. 2) *У тушган поезд гарбга кетиши керак эди, кетмади*. Иккинчи пропозиция *эмас* юкламасининг пресуппозицияси орқали тушунилмақда. Бу гапда нотўғри тасаввур маъносидаги пресуппозиция англашилган.

Эшикдан Жуман эмас, Самадий кириб келди (А.Мухтор. Туғилиш, 116-бет) гапида ҳам икки пропозиция бор: 1) Эшикдан Самадий кириб келди. 2) Эшикдан Жуман келиши керак эди, келмади. Иккинчи пропозиция пресуппозиция орқали тушунилади. Бу гапдан кутиш маъносидаги пресуппозиция англашилмоқда.

2. *Эмас* юкламаси зидланган уюшиқ аниқловчилар¹ билан ҳам биргаликда келиб пресуппозиция англатади. М.: *Салиманинг қора эмас, ёруғ*

¹ Рустамов Х. Олий ы=ув юртлари учун тыла=онли асарлар яратайлик. «Б1=итувчилар газетаси». 1957. 10 октябрь. №76 (+аранг:

¹ Расулов Р.Р. Ыша китоб. 24-бет

кунларида керак бўлади бу нарса («Шарқ юлдузи») гапида зидланган аниқловчилар билан биргаликда келиб, «Салиманинг қора кунларида керак бўлади деб ўйланган» деган пресуппозицияга ишора қилапти. Аниқловчилар Айниқса, сифатловчи-аниқловчиларнинг зидланиш усули билан уюшиб келиши жуда кам учрайди, лекин қаратқич аниқловчиларнинг уюшиб келиши анча кўп. Шунинг учун зидланган уюшиқ аниқловчилар билан келиб пресуппозиция англлатган ҳолатларни кўпроқ қаратқич аниқловчиларнинг зидланиш асосида уюшиб келишлари орқали тушунтирамиз.

Биз Самадийнинг эмас, Жуманнинг гапларига ишонамиз (А.Мухтор. Туғилиш, 217-бет) гапида эмас юкламаси зидланган қаратқич аниқловчилар ўртасида зидланиш муносабатини юзага келтирган ва ўзи бирикиб келган сўз билан биргаликда алоҳида пресуппозицияга ишора қилмоқда. +иёсланган: 1. Пропозиция – *Биз Жуманнинг гапларига ишонамиз*. 2. Пресуппозиция – *Биз Самадийнинг гапларига ишонмаймиз*.

3. Зидланган уюшиқ тўлдирувчилар билан келганда, АйниқСА, воситасиз тўлдирувчилар билан келганда инкор маъносидан кўра таъкид маъносини ифодалайди ва мазмуний тузилишда алоҳида пресуппозицияни юзага келтиради. М.: *Марғуба туриб-туриб: «Адабиётни эмас, адабиёт ўқитувчисини – яхши кўраман», - деб йиғлаб юборди* (А.+ахҳор. Асарлар III-том, 306-бет) гапида инкор маъносини билдирмоқда ва «Адабиётни яхши кўради деб ўйланган» пресуппозициясини юзага келтирмоқда.

- *Хурракни эмас, хурракчини отаман* (А.+ахҳор, Туғилиш, 18-бет) гапида ҳам «*Хуррак отади деб ўйланган*» пресуппозиция бор. Пресуппозиция «*эмас*» юкламаси орқали тушунилади.

Сиз билан биз йўл эмас, комбинат қургани келганмиз (А.Мухтор. Туғилиш, 152-бет) гапида «йўл қурамыз деб ўйланган» пресуппозициясига ишора қилинапти.

Воситали тўлдирувчилар билан ҳам биргаликда келиб пресуппозиция англата олади. М.: Ишни бошлиқларга қарши иғводан эмас, меҳнатдан бошлаш керак, ўртоқ Сариев (А.Мухтор. Туғилиш, 31-бет) гапида «Сариев бошлиқларга қарши гапирган» пресуппозицияси бор.

Мен тақдирга эмас, ҳукумат муддатларига жавобгарман (А.Мухтор. Туғилиш, 39-бет) гапида аввал айтилган фикр тўғрисидаги пресуппозиция – «*Сиз тақдирга жавобгарсиз дейилган*» - бор. Пресуппозиция *эмас* юкламаси орқали тушунилмоқда.

Демак, *эмас* юкламаси зидланган уюшиқ воситасиз ва воситали тўлдирувчилар билан биргаликда келиб, зидланиш муносабатини ифодалайди, уюшган тўлдирувчиларнинг бирига инкор маъносини юклайди, ҳамда шу инкор маъноси асосида турли маънодаги пресуппозициялар англлатиб келади.

4. *Эмас* юкламаси зидланган уюшиқ ҳоллар билан биргаликда келиб, қандай ҳоллар уюшиб келишига қараб турли маъноларни англатади ва пресуппозицияни юзага келтиради. Пресуппозиция ҳам *эмас* юкламасининг қандай ҳолга боғланиб келишига қараб турли маъноларни ифодалайди.

Зидланган уюшиқ равиш ҳоллари эмас юкламаси билан келганда, зидланган уюшиқ равиш ҳоллари қандай сўз туркуми билан ёки турли кўмакчилар воситасида ифодаланган бўлмасин, албатта пресуппозиция англашилади. М.: *Сен бу ишни бирдан эмас, секин-секин амалга ошир* («Шарқ юлдузи») гапида равиш ҳолидан кейин келиб, таъкид маъносини билдираяпти ва «бу ишни бирданига амалга ошириб бўлмайди» пресуппозициясига ишора қилаяпти.

+изик ҳангомани эшитиб шарақлаб эмас, секин кулиб қўйди («Шарқ юлдузи») гапида «+изик ҳангомани эшитиб, шарақлаб Кулиши керак эди, кулмади» пресуппозициясига ишора қилаяпти.

Эмас юкламаси пайт ҳоли билан келганда, иш-ҳаракатни аслида бажарилиши мумкин бўлган пайтда бажарилмай, бошқа пайтда бажарилганлигини билдириб, пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Самандар эрталаб эмас, тушдан кейин авлиёни олдига келди* («Шарқ юлдузи») гапида «Самандар авлиёни олдига эрталаб келиши керак эди» пресуппозицияси англашиб турибди. Пресуппозиция эмас юкламаси ва пайт ҳоли орқали тушунилмоқда.

Эмас юкламаси ўрин ҳоллари билан биргаликда келганда ҳам пресуппозиция англади. Бундай гапларда **эмас** юкламаси иш-ҳаракатнинг бажарилиши керак бўлган жойда юз бермай, бошқа жойда юз берганлигини кўрсатади ва ш у асосда пресуппозицияга ишора этади. М.: *Шундай қилиб Яйпанга эмас, Бувайдага кўчадиган бўлдик* (А.+аҳҳор. Асарлар, III том, 288-бет) гапида «аслида Яйпанга кўчиши керак эди» пресуппозицияси бор.

Бу гап бозорда эмас, шу ерда айтилди («Шарқ юлдузи») гапида **эмас** юкламаси «Бу гап бозорда айтилди деб ўйланган» пресуппозициясига ишора воситаси бўлиб келган. Кўринадики, ўрин ҳоллари билан келганда, иш-ҳаракатнинг аслида бажарилиши керак бўлган ўрнига инкор муносабатни билдириб, пресуппозицияга ишора қилади.

Эмас юкламаси сабаб, мақсад, даража-миқдор ҳоллари билан биргаликда келиб ҳам турли маънодаги пресуппозицияларга ишора қила олади. Пресуппозиция иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг юз беришидаги сабаби, мақсади, даража-миқдори кабиларга инкор муносабат орқали англашилади. Иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг юзага келишидаги аслида сабаб, мақсад, даража-миқдор бўлиши керак бўлган сўзларга **эмас** юкламаси боғланиб келади ва ш у сўзлар билан биргаликда пресуппозицияни юзага келтиради. М.: *Жуман бошлиққа аччиқланганидан эмас, тушунтира олмаслигидан гапирмади* (А.Мухтор. Туғилиш, 187-бет) гапида «Жуман бошлиққа аччиқланганидан гапирмади деб ўйланган» пресуппозицияси англашилмоқда.

Адолат хўрлангани учун эмас, тушунмаганликлари учун кетиб қолди (А.Мухтор. Туғилиш. 217-бет) гапида «Адолат хўрлангани учун кетиб қолди деб ўйлашган» пресуппозициясига ишора қилинапти.

5. Зидланган уюшиқ кесимлар билан **эмас** юкламаси боғланиб келганда юқорида кўриб ўтилган ҳолатлардан бошқачароқ хусусиятлар касб этади. Агар кесим феъл билан ифодаланган бўлса, эмас юкламаси ва унинг ўрнига – ма, йўқ сўзлари ҳам ишлатилади. Агар **эмас** юкламаси феъл билан

ифодаланган кесимлар билан келганда, иккинчи тасдиқ шаклдаги кесимдан кейин *ҳам* юкламаси келиши ҳам мумкин. М.: +уёш ёритади эмас, иситади ҳам. Бу гапда инкор этилган бўлак ҳам «қуёшга» талукли эканлиги кўриниб турибди. Ёки Самандар ўқийди эмас, ишлайди. Бу гапда биринчи кесим инкор этилаяпти ва «Самандар ўқийди деб ўйланган» пресуппозицияга ишора этилаяпти. Агар кесим феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланиб келса, зидланиш **эмас** юкламаси орқали юзага келади. Баъзан эмас юкламаси шахс-сон кўшимчаларини олиб ҳам кела олади. М.: *Бу одам ўқитувчи эмас, тракторчи* («Шарқ юлдузи») гапида «бу одам ўқитувчи деб ўйланган» пресуппозициясига ишора қилинаяпти. Ёки *Мен бола эмасман, ката одамман* («Шарқ юлдузи») гапидан «унга бола сифатида муомала қилинган» пресуппозицияси англашилади.

Демак, А эмас, A_1 модели асосида тузилган гапларда эмас юкламаси ўзи алоҳида пропозиция ифодалаб келиб пресуппозиция англатиш воситаси бўлар экан. У қандай бўлак билан келишидан қатъий назар, барча ҳолларда пресуппозицияга ишора қила олади. А эмас, A_1 моделига эмас юкламаси зидланган уюшиқ бўлакларда зидланиш муносабатини юзага келтиради ва гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштирар экан. Биз юқорида кўриб ўтган гапларнинг барчасида эмас юкламаси бошқа ёрдамчи сўзлар қуршовида эмас, ўзи якка ҳолда пресуппозиция англатиш воситаси бўлмоқда. Бу юклама бошқа ёрдамчи сўзлар қуршовида келиб ҳам пресуппозиция англатиши мумкин. Шунинг учун қуйида ёрдамчи сўзлар қуршовида келиш ҳолатларини акс эттирувчи гап моделларини ва ўшандай гапларда қандай ўзига хослик касб этишини кўриб ўтамыз. Гап моделларини умумий тарзда олдик.

1. А эмас A_1 (Бундай гап модели юқорида шарҳланиб ўтилди)
2. А эмас, балки A_1
3. А эмас фақат A_1
4. А эмас A_1 гина
5. А эмас A_1 холос
6. А эмас ёлғиз A_1
7. А гина эмас A_1
8. А гина эмас, А эмас A_1 ҳам
9. А эмас, яна A_1
10. А эмас, тағин A_1
11. А эмас, яна A_1 ҳам
12. А эмас, тағин A_1 ҳам
13. Бироқ А эмас, A_1 дир
14. Балки А эмас, A_1 дир
15. А дай эмас, A_1 каби
16. Фақат А эмас, A_1 ҳам
17. Фақатгина А эмас, A_1
18. А – A_1 эмас
19. А эмас
20. А эмас, A_1 ҳам эмас, A_2 A_3

21. А тугул A_1 ҳам эмас
22. Нафақат А, балки A_1 ҳам эмас
23. Балки А ҳам эмасдир.
24. А эмасман (-сан, -миз, -сиз, -лар)
25. А ҳам эмас, A_1 ҳам эмас
26. А қолиб A_1 ҳам эмас
27. А эмас, худди A_1
28. А эмас, гўё A_1
29. Гўё А эмас, A_1 дай
30. Гўё А масдай
31. Худди А дек A_1 ҳам эмас
32. Худди А эмасдай
33. А янглиғ A_1 эмас
34. А каби A_1 эмас
35. А ўхшаб A_1 эмас
36. А ни айтасан, хатто A_1 ҳам эмас
37. Хатто А ҳам эмас
38. Хатто А эмас, A_1 ҳам
39. А эмас, хатто A_1 ҳам
40. А эмас, хатто A_1 ҳам эмас
41. На А эмас, на A_1
42. На А эмас, на A_1
43. А эмас, ва A_1 ҳам эмас
44. А эмас, лекин A_1
45. А эмас, бироқ A_1
46. А эмас, аммо A_1
47. А эмас ҳамда A_1 ҳам эмас
48. А эмас, A_1 гина холос
49. А эмас, фақатгина A_1
50. А эмас, балки A_1 дир

Кўринадикки, **эмас** юкламаси иштирок этган гап моделлари хилма-хил ва ранг-баранг. Биз юқорида А эмас, A_1 типигаги гап моделларида **эмас** юкламаси якка ўзи мустақил сўзлар билан келиб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиришини кўриб ўтдик. Унда **эмас** юкламаси бошқа ёрдамчи сўзлар иштирокисиз пресуппозиция англатиш ҳолатлари ёритилди.

Эмас юкламаси ўзи якка ҳолда эмас, балки турли ёрдамчи сўзлар кўмакчилар, бошқа юкламалар, боғловчилар қуршовида келиб ҳам, мазмуний тузилишини мураккаблаштиради, турли маънодаги пресуппозицияларни юзага келтиради. Пресуппозициянинг юзага келишида биргина **эмас** юкламаси ўзи иштирок этмайди, бошқа юкламалар, кўмакчилар, боғловчилар ҳам иштирок этади. Шунинг учун бу юкламанинг бошқа ёрдамчи сўзлар қуршовида келиш ўринларини пресуппозицион таҳлил этиш жуда муҳим. +уйидаги бошқа ёрдамчи сўзлар билан биргаликда пресуппозиция англатиб

келиш ҳолатларини кўриб ўтаемиз. Ҳар бир гап модели ҳақида алоҳида тўхталаримиз.

1. *A эмас, балки A_1* (Биз гап моделларини белгилашда фақат пресуппозицияга ишора қилувчи воситаларнигина аниқ ифодалаб, бошқа бўлақларни ҳарфлар билан белгиладик).

Бундай гап модели асосида сода гаплар ҳам ва қўшма гаплар ҳам тузилганлиги кузатилди. Шунинг учун биз сода ва қўшма гапларни алоҳида-алоҳида текшириб кўришни лозим топдик.

A эмас, балки A_1 модели асосида тузилган сода гапларда пресуппозициянинг англашилиши.

Бундай типли гапларда пресуппозиция асосан эмас юкламаси орқали англашилади. *Балки* юкламаси инкор маъносини кучайтириш учун восита бўлади, холос. Агар биз *балки* юкламасини олиб ташласак, инкор маъноси англашилмай қолмайди, лекин *балки* юкламаси иштирок этган ҳолатга нисбатан аниқлик, инкорнинг таъкиди сусаяди. Аммо *балки* юкламасининг тушиб қолиши гапда шаклий-грамматик жиҳатдан ғализликка ва унинг мазмунига путур етишига олиб келмайди. Пресуппозиция ҳам англашилаверади. Лекин гапнинг стилистик жиҳатдан бўёқдорлиги камаяди, инкор этилаётган бўлақ билан тасдиқ қилинаётган бўлақ ўртасидаги зидланиш муносабатининг таъкиди бирмунча пасаяди. Шунинг учун жуда кўп ижодкорлар тасдиқ қилинаётган фикрнинг аниқлигини, реал эканлигини таъкидлаш учун *балки* юкламасини қўллайдилар. *Эмас* юкламаси инкор маъносини ифодалаб, гапнинг мазмуний тузилишида содда гапга тенг бўлган алоҳида пропозиция англашиб келади. М.: *Отаси тирик юрган бир аблаҳ эмас, балки хотираси ёрқин виждонли йигит*. . . (А.Мухтор. Туғилиш. 213-бет).

Пропозиция – *Отаси тирик юрган бир аблаҳ эмас, хотираси ёрқин виждонли йигит*.

Пресуппозиция – *Отаси тирик юрган бир аблаҳ деб ўйлашган*.

Бундай гаплар *A эмас, A_1* типдаги гапларга ўхшаб кўринадилар, лекин *балки* юкламаси иккинчи (зидланаётган виждонли йигит) бўлақни таъкидлаб, ажратиб кўрсатаётганлиги билан алоҳидалиқни касб этган.

Бу иш халқ учун қайғурганларнинг иши эмас, балки халқ қонини тўкиш учун уринган экстремистларнинг ишидир («Сов.Ўзб.» газ.).

Пропозиция – *Бу иш халқ қонини тўкиш учун уринган экстремистлар ишидир*.

Пресуппозиция – *Бу ишни халқ учун қайғурганлар иши деб ўйлашган*.

Демак, *A эмас, балки A_1* типдаги гапларнинг ҳам мазмуний тузилиши мураккаб бўлади ва бу гапларда ҳам эмас юкламаси пресуппозицияни юзага келтиради. Бундай типдаги гапларда ҳам икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири гапнинг мавжуд бўлақлари орқали ифодаланган. Мавжуд бўлақлар орқали ифодаланган ҳукм тасдиқ характерида бўлса, пресуппозиция орқали англашилаётган ҳукм инкор характерида бўлади.

A эмас, балки A_1 модели асосида тузилган қўшма гапларда пресуппозиция англашилиши.

Бундай гапларда *эмас* юкламаси бир-бирига зидланган сода гаплар муносабатини ифодаловчи восита сифатида иштирок этади. +ўшма гапнинг ўзи қўшилиб келган компонентига инкор маъносини юклайди. *Балки* юкламаси таъкид маъносини ифодалайди. *Эмас* юкламаси қўшилиб келган сода гапдаги инкор маъносига зид маънони таъкид орқали кўрсатади. Лекин аксарият адабиётларда *балки* юкламасини қарама-қарши мазмундаги гапларни боғлаш учун ишлатиладиган зидловчи боғловчилар деб атайдилар. Тўғри, ташқаридан қараганда, зидловчи боғловчиларга ўхшаб кетади. Аммо унинг ички ўринлари текширилганда боғловчи вазифасини бажара олмаслиги аниқ билинади. Гапда боғлаш функциясидан кўра ўзидан олдинги инкор мазмунга зид бўлган тасдиқ мазмунни таъкидлаш вазифасини бажаради. Шунинг учун *балки* сўзини юклама дейишимиз тўғри бўлади.

М.: *Кечаги мажлисда Раис гапирган эмас, балки агроном гапирган* («Шарқ юлдузи») гапида «кечаги мажлисда Раис гапирган деб ўйланган» пресуппозицияси ифодаланган. Пресуппозиция *эмас* юкламаси орқали англашилмоқда. *Балки* юкламаси эса инкор мазмундаги гапга тасдиқ мазмундаги гапни зидланган ҳолда таъкидлаб кўрсатапти. Биз кўпинча, содда гаплардаги пресуппозиция англатиш ҳолатларини ёритдик. +ўшма гапларнинг мазмуний тузилиши пресуппозиция ҳодисаси юз бермаса ҳам мураккаб бўлади. Шунинг учун қўшма гаплардаги ҳолатларга кам тўхталдик.

А эмас, фақат А₁ модели асосида тузилган гапларда пресуппозиция англашилиши.

А эмас, фақат А₁ типдаги гапларнинг мазмуний тузилишида икки ёки ундан ортиқ пропозиция англашилади. Бир пропозиция гапнинг мавжуд бўлаклари орқали ифодаланса, қолганлари *эмас* юкламасининг ва фақат юкламасининг пресуппозициялари орқали тушунилади. Шунинг учун *А эмас, фақат А₁* типдаги гаплар юқорида кўриб ўтилган *А эмас, балки А₁* типдаги гаплардан фарқ қилади.

М.: *Сиз уларни инсон деб эмас, фақат ишчи кучи деб билар экансиз* (А.Мухтор. Туғилиш. 91-бет). Бу гапнинг мазмуний тузилишини куйидагича таҳлил этиш мумкин:

1. Пропозиция – *уларни инсон деб эмас, ишчи кучи деб қарайди.*
2. Пресуппозиция – *уларни инсон деб ўйламаган, аслида инсон.*
3. Пресуппозиция – *уларни ишчи кучи деб ўйлаган, бошқача эмас.*

Бу гап мазмуний тузилишининг таҳлилидан шу нарсани билиш мумкинки, гапда иштирок этаётган *эмас* ва *фақат* юкламалари алоҳида-алоҳида пресуппозиция англатиб келган ва *эмас* юкламаси нисбий тасдиқни – фараз қилинган инкор маъносини, *фақат* юкламаси эса тасдиқ фикрни таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш маъносини ифодаламоқда. Бу гапнинг мазмуний жиҳатдан мураккаб эканлиги таркибида пресуппозиция англатиш хусусияти кучли бўлган иккита юкламанинг иштирок этаётганлигидандир.

У бу гапни ўн беш минутлик рапорт вақтида эмас, фақат партбюрода, бемалолроқ баён этаман деб ўйлаган эди (А.Мухтор. Туғилиш, 162-бет) гапида ҳам икала юклама алоҳида-алоҳида пресуппозицияга ишора қилган.

1. Пропозиция – *У бу гапни рапорт вақтидамас, партбюрода айтаман деб ўйлаган.*

2. **Эмас** юкламасининг пресуппозицияси – *У бу гапни ўн беш минутлик рапорт вақтида айтмайди.*

3. **Фақат** юкламаси пресуппозицияси – *У бу гапни партбюродан бошқа ерда айтмайман деб ўйлаган.*

Кўринадики, *А эмас, фақат А₁* типдаги гапларда пресуппозиция ифодаловчи воситалар ичида энг сермахсуллари эмас ва фақат юкламалари иштирок этганлиги учун мазмуний тузилиш Яна ҳам мураккаблашади. **Эмас** юкламаси инкорни ифодаласа, фақат юкламаси тасдиқни ажратиб кўрсатади. *А эмас, А₁ гина, А эмас, А₁ холос, А эмас, ёлғиз А₁, А эмас, фақатгина А₁* каби типдаги гаплар ҳам *А эмас, фақат А₁* типдаги гапларга ўхшайди. Чунки уларнинг таркибидаги *–гина, -холос, ёлғиз, фақатгина* каби юкламалар фақат юкламасига ўхшатиб ажратиб кўрсатиш хусусиятига эга. Улар фақат юкламаси ўрнида қўллана олади. Шунинг учун бу юкламалар иштирокида тузилган гапларнинг мазмуний тузилиши *А эмас, фақат А₁* типдаги гапларга ўхшайди. Биз шу ўхшашлигини ҳисобга олиб юқорида кўрсатилган гап типларини алоҳида таҳлил қилмадик.

А гина эмас, А₁ типдаги гапларда пресуппозиция.

А гина эмас, А₁ типдаги гапларда эмас юкламаси ва *–гина* юкламаси биргаликда инкор муносабат асосида тасдиқни ифодалаб келади. М.: Лекин мен бурч орқасидангина эмас, завқ ва илҳом билан ишласа дейман (А.Мухтор. Туғилиш, 111-бет) гапида бўлишлилик ифодаланмоқда. Бу гапда инкор маъно англашилгани йўқ, балки тасдиқ маъно ифодаланган. Тасдиқ маъно *–гина* ва эмас юкламалари орқали ифодаланмоқда. Бу гапда пропозиция – мен бурч орқасида ҳамда завқ ва илҳом билан ишласа дейман; 1. пресуппозиция – одамлар бурч орқасида ишласа деб ўйланган; 2. пресуппозиция - фақатгина бурч орқасида ишламаса. Пропозиция гапнинг мавжуд бўлаклари орқали ифодаланган. Биринчи пресуппозиция эмас юкламаси ва иккинчи пресуппозиция -гина юкламаси орқали тушунилмоқда. *–гина* эмас юкламаси орқали ифодаланган тасдиқ шакл шу юкламаларнинг иштироки туфайли уюшиқ бўлакларнинг иккаласига ҳам тааллуқли бўлмоқда. Айниқса, *-гина* юкламаси тасдиқ шаклнинг иккаласига ҳам тааллуқли бўлишини юзага келтирган. Агар биз *–гина* юкламасини тушириб қолдирадиган бўлсак, у ҳолда гапдан англашилган мазмун тамоман ўзгариб кетади. М.: *Лекин мен бурч орқасида эмас, завқ ва илҳом билан ишласа дейман.* Кўринадики, «Бурч орқасида ишламай, завқ ва илҳом билан ишласа дейман». Демак, уюшиқ бўлакларидан бири инкор этилиб, иккинчи тасдиқ қилинапти. Шунинг учун *А гина эмас, А₁* типдаги гапларда **эмас** юкламасининг тасдиқ маънони ифодалашига *–гина* юкламасининг таъсири жуда ката, *-гина* юкламаси тушириб қолдирилганда, бу ҳолат Яна ҳам аниқлашганлигини кўриб ўтдик.

Бундай типдаги гапларда *–гина* юкламаси ўрнида шу юклама бажарган функцияни бажара оладиган, шу юкламага синоним бўла оладиган юкламалар ишлатилиши ва унинг ўрнида ишлатилаётган юклама таъкид,

кучайтириш маъносини ифодалаб келса, тасдиқ шаклининг икала уюшиқ бўлакка тааллуқли эканлигини англашилади. Шунинг учун ёлғиз А эмас А₁, фақат А эмас А₁, фақатгина А эмас А₁, фақат А гина эмас, А₁, ёлғиз А гина эмас А₁, ёлғизгина А эмас, А₁ каби типдаги гаплар ҳам А гина эмас А₁ типдаги гапларга семантик жиҳатдан ўхшайди. Фақат шаклий ифодаланишда, гап бўлаклари тартибида ноўхшашлик бор холос.

А гина эмас А₁ ҳам, А гина эмас тағин А₁ ҳам, А гина эмас яна А₁ ҳам, фақат А эмас А₁ ҳам, ёлғиз А эмас А₁ ҳам, фақатгина А эмас, А₁ ҳам типдаги гаплар ҳам А гина эмас, А₁ типдаги гапларга семантик жиҳатдан ўхшайди. Шаклий ифодаланиши жиҳатдан фарқли бўлса ҳам, гапнинг мазмуний томони бир-бирига жуда ўхшайди. Шунинг учун А гина эмас, А₁ типдаги гапларга ўхшаш гапларнинг ўзига хос хусусиятлари хусусида умумий тарзда тўхталинади.

М.: *Болаларгина эмас, бир талай ката одамлар ҳам йиғилди* (А.+аҳҳор. Асарлар, 3-том, 249-бет) гапи А гина эмас, А₁ ҳам модели асосида тузилган. Бу гапда пропозиция – болалар билан ката одамлар йиғилди. Пресуппозиция – болаларнинг ўзи йиғилгани йўқ, катта одамлар ҳам йиғилди. Бу гапда пресуппозицияни юзага келишида –*гина, эмас, ҳам* юкламалари иштирок этмоқда. -*гина* юкламаси болалар сўзини таъкидлаб ажратиб кўрсатаёпти, эмас юкламаси таъкидлаб, ажратилиб кўрсатилаётган бўлакка инкор-таъкид маъносини юкляёпти, ҳам юкламаси орқали эса одамлар сўзи таъкидланиб кўрсатилаяпти. Шу тариқа юкламаларнинг англашган маънолари бир-бирига мазмуний жиҳатдан боғланилса, йиғилди – иш-ҳаракат фақат болаларга эмас, балки катта одамларга ҳам, икала бўлакка ҳам тааллуқли эканлиги аниқ билинади. *Эмас* юкламасининг инкор маъноси –*гина* ва *ҳам* юкламалари таъсирида тасдиқ маънога ўтган. Агар –*гина* ва *ҳам* юкламалари тушириб қолдирилса, *эмас* юкламаси соф инкор маънони ифодалайди. М.: Болалар эмас, бирталай катталар йиғилди. Кўринадики, гапда болалар йиғилмаган, фақат катталар йиғилган мазмуни англашилмоқда. Бундай типдаги гапларда уччала юклама ҳам тушириб қолдирилса бўлади, лекин мазмуний тузилишдаги пресуппозициялар англашилмай қолади. Гап мазмуний жиҳатдан камбағаллашади. М.: Болалар, бирталай катта одамлар йиғилди. Яна шуни айтиш керакки, бундай типдаги гапларда юкламалар қуршови бузилса (уччала юкламадан бирортаси тушириб қолдириладиган бўлинса), шакл жиҳатдан ғализлик сезилади ва гапдан англашиладиган мазмун ҳам ўзгариб кетади. Солиштиринг: 1. *Болалар эмас, катта одамлар ҳам йиғилди.* 2. *Болалар эмас, катта одамлар йиғилди.* 3. *Болаларгина, катта одамлар ҳам йиғилди.* 4. *Болалар, катта одамлар ҳам йиғилди.* 5. *Болалар, катта одамлар йиғилди.* Кўринадики, 3-гапда шаклий-грамматик жиҳатдан ғализлик бор. +олган гапларда шаклий-грамматик ва стилистик жиҳатдан ғализлик сезилмаса ҳам мазмуний жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун юкламалар қуршовининг бузилиши гапнинг умумий мазмунига жуда катта таъсир этади ва гапни семантик жиҳатдан камбағаллаштиради. Юкламалар иштирок этган гапларнинг мазмун доираси жуда кенг бўлади. Агар бир нечта юкламалар қатор ишлатиладиган бўлинса, гапнинг мазмун доираси яна ҳам

кенгаяди, мазмуний тузилиш яна ҳам мураккаблашади. Чунки юкламаларнинг ҳар бири ўзи боғланиб келган сўз билан бита содда гапга тенг бўлган мазмунни ифодалаб келади, алоҳида пропозицияни юзага келтиради. Шунинг учун юкламалар иштирок этган гапларда бир нечта содда гапларга тенг бўлган фикр ифодаланади. А гина эмас, тагин А₁ ҳам типдаги гапларда ҳам юкламаларнинг қатор келиши гапнинг мазмуний тузилишига жуда катта таъсир кўрсатган.

М.: *Карим бува уруш ҳақидагина эмас, тагин диёнат ҳақида ҳам гапирди* («Шарқ юлдузи») гапида Карим бува уруш ҳақида ва диёнат ҳақида гапирди – пропозиция ҳисобланади. Пресуппозиция – Карим бува фақат уруш ҳақида гапирмади, яна диёнат ҳақида ҳам гапирди. Бу гапда эмас юкламаси билан бирга –*гина, тагин* юкламалари иштирок этган. Лекин пресуппозиция –*гина, эмас* юкламалари орқали англашилмоқда. Чунки кейинги тагин диёнат ҳақида ҳам гапирди бирикмалари олдинги бирикмалардаги маънодан англашилган фикрни таъкидлаш учун келтирилган холос. Шунинг учун кейинги бирикмалар туширилиб қолдирилса ҳам аввалги бирикмалар орқали яширин тушунилиши мумкин. М.: *Карим бува уруш ҳақидагина гапирди эмас*. Бу гапдан *Карим бува бошқа нарсалар ҳақида ҳам гапирди* деган пресуппозиция англашилиб, биз юқорида кўриб ўтган «тагин диёнат ҳақида ҳам гапирди» бирикмалари орқали ифодаланган маънога ҳам ишора қилади. Юқорида кўриб ўтилган гапда «бошқа нарсалар» очик ифодаланган холос. Шунинг учун тагин юкламаси алоҳида пресуппозиция англата олмаяпти. Агар А гина эмас қурилмаси тушириб қолдирилса, гапдан англашилган маъно умуман ўзгариб кетади.

М.: «*Карим бува тагин диёнат ҳақида ҳам гапирди*» гапидан «*Карим бува аввал ҳам диёнат ҳақида гапирган*», «*Карим бува диёнатдан бошқа нарсалар ҳақида ҳам гапирди*» пресуппозициялари англашилади. Биринчи пресуппозиция тагин юкламаси орқали, иккинчи пресуппозиция **ҳам** юкламаси орқали тушунилади. Бу гапдан (*Карим бува уруш ҳақида гапиратиб диёнат ҳақида ҳам гапирди*) юқоридаги гапдаги маъно англашилмай қоляпти. Демак, А гина эмас, тагин А₁ ҳам типдаги гапларда А гина эмас қурилмаси орқали англашилган пресуппозиция тагин А₁ ҳам қурилмаси билан аниқлашар экан. А гина эмас, яна А₁ ҳам типдаги гаплар ҳам юқорида кўриб ўтган гапга ўхшайди.

Фақат А эмас, А₁ ҳам типдаги гапларда ҳам кесимдан англашилган иш-ҳаракат ва ҳолат фақат юкламаси ажратиб келган бўлаккагина тааллуқли бўлмай, балки **ҳам** юкламаси боғланиб келган бўлакка ҳам тааллуқли бўлади. М.: Бу ерлардан фақат уруш ўтган эмас, бу ерларда яқин икки йил фашистлар ҳукмронлик қилган (А.+ахҳор. Асарлар, III-том, 24-бет) гапида ҳудди юқоридагича ҳолатни кўриш мумкин.

Хуллас, эмас сўзи айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда, жуда кўп ҳолларда инкор юкламаси вазифасини бажарар экан. Унинг баъзи гапларда шахс-сон қўшимчасини олиб келиши эса бу юкламанинг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

Эмас юкламаси гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштириб, турли маънодаги пресуппозицияларга ишора қилади. унинг пресуппозиция англатиб келиши нутқийдир. Шунинг учун ишимизда бу юкламанинг пресуппозиция англатишидаги турли маъноларни ифодалаш ҳақида хусусий ҳолда тўхталмадик. Чунки нутқий вазият билан боғлиқ ҳолда хилма-хил маънони ифодалаш мумкинлиги ҳаммага маълум. Шу жиҳатдан унинг бошқа юкламалардан фарқланиш хусусияти инкор маъносини ифодалаш орқали турли пресуппозицияларни юзага келтириши асосида изоҳланди. Бу юкламанинг пресуппозиция англатиб келиш ҳолатларини умумийликдан келиб чиққан ҳолда номладик. Шунинг учун ҳар бир нутқий вазият билан боғлиқ ҳолдаги пресуппозиция англатиб келиш хусусиятини умумий ҳолда кўриб ўтдик.

Эмас юкламаси энг кўп қўлланиладиган юклама бўлганлиги учун унинг пресуппозиция англатиши умумий тарзда гап моделлари асосида изоҳланди.

Эмас юкламаси А эмас, А₁ гап моделида уюшган гап бўлаклари ўртасида зидланиш муносабатини ифодалайди ва у асосда гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштириб, турли нутқий вазият билан боғлиқ ҳолда пресуппозиция англатиб келади. Бундай гап моделида боғлиқ ҳолда пресуппозиция англатиб келади. Бундай гап моделида эмас юкламаси нотўғри тасаввур маъносидаги пресуппозицияни англатиб келади.

Эмас юкламаси барча гап бўлаклари билан боғланиб кела олади ва турли маънодаги пресуппозицияга ишора воситаси бўла олади.

Эмас юкламаси 50 хил (бу бизнинг назаримизда, чунки бундан ҳам кўп бўлиши мумкин) гап моделида турли сўзлар қуршовида келиб, пресуппозиция англата олади.

А эмас, балки А₁ типдаги гап моделларида нотўғри тасаввур маъносини ифодаловчи пресуппозиция англашилади. Балки юкламасининг иштироки эса тасдиқ ҳукми таъкидлаш учун ишлатилган ҳолос. Бундай типли гапларда ҳам мазмуний тузилишда икки ҳукм мавжуд бўлади. Мавжуд гап бўлаклари орқали ифодаланган ҳукм инкорни билдирса, эмас юкламаси орқали ифодаланган ҳукм эса тасдиқни билдиради.

А эмас, фақат А₁, А эмас, А₁ гина, А эмас, А₁ холос, А эмас, ёлғиз А₁, А эмас, фақатгина А₁ типдаги гап моделлари асосида ифодаланган пресуппозициялар бир-бирига жуда ўхшайди. Чунки *фақат, -гина, холос, ёлғиз, фақатгина* юкламалари синоним юкламалар ҳисобланади. Шунинг учун бундай типдаги гап моделларини А эмас, фақат А₁ типдаги гап модели асосида изоҳладик. Бундай типдаги моделлар асосида тузилган гапларда ҳам инкор характер асосида пресуппозиция англашилади. Бундай гапларда пресуппозиция бирдан ортиқ бўлади. Пресуппозицияларнинг бири эмас юкламасига тааллуқли бўлса, иккинчиси *фақат, -гина, холос, фақатгина* юкламаларига таллуқли бўлади.

А гина эмас, А₁, фақат А эмас, А₁, ёлғиз А эмас, А₁, фақатгина А эмас, А₁, ёлғизгина А эмас, А₁, фақат А гина эмас, А₁ типдаги гап моделлари асосида ифодаланган пресуппозициялар ҳам бир-бирига жуда ўхшайди.

Бундай бўлишига шундай типдаги гап моделларида синоним юкламаларнинг иштирок этиши сабаб бўлмоқда. Бундай типдаги гапларда шаклий-грамматик жиҳатдан ноўхшашлик бўлса ҳам, мазмуний жиҳатдан яқинлик бор. Уларда ҳам бирдан ортиқ пресуппозиция англашилади. Пресуппозицияларнинг бири эмас юкламасига тааллуқли бўлса, иккинчиси гап таркибидаги –*гина, фақат, ёлғиз, холос, фақатгина* юкламаларига тааллуқли бўлади. Бундай типдаги гапларда хамиша уч ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири очик англашилади, қолганлари яширин тарзда пресуппозиция орқали тушунилади.

А гина эмас, А₁ ҳам, А гина эмас, тагин А₁ ҳам, А гина эмас, яна А₁ ҳам, А гина эмас, тагин А₁, А гина эмас, яна А₁, ёлғиз А эмас, А₁ ҳам, фақат А эмас, А₁ ҳам, фақатгина (ёлғизгина) А эмас, А₁ ҳам типдаги гап моделларида ҳам бир-бирига ўхшаш пресуппозициялар англашилади. Бундай типли гапларда иккита пропозиция англашилади. Пропозицияларнинг бири гапнинг мавжуд бўлаклари орқали англашилса, иккинчиси пресуппозиция орқали яширин англашилади. Юқоридаги гап моделларида икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири гапнинг мавжуд бўлаклари орқали очик англашилса, иккинчиси пресуппозиция орқали яширин англашилади.

Эмас юкламаси фақат якка ҳолда эмас, балки бир неча юкламалар куршовида ҳам пресуппозициялар англата олади ва гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради.

3-§ ФА+АТ ЮКЛАМАСИНИНГ ПРЕСУППОЗИЦИЯСИ

Фақат юкламаси ҳам юкламаси сингари кўп қўлланилмайди. Лекин семантик структурасида ўзига хос пресуппозицияга ишора қилиши билан ажралиб туради. Бу юкламанинг талқини кўпгина лингвистик адабиётларда деярли бир хил. Барча лингвистик адабиётларда фақат юкламасини айирув ва чегаралов юкламаси деб атайдилар¹. Фақат А.Н.Кононов модал сўзлар қаторида талқин этади.²

Фақат юкламаси турли сўз туркумларига қўшилиб келиб, уларни чегаралаб, ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади ва асосан, ўзи алоқадор бўлган сўз олдиндан келади. Лекин поэтик асарларда ўзи алоқадор бўлган сўздан кейин келиши ҳам мумкин.³

Фақат юкламаси ўзи алоқадор бўлган сўз билан биргаликда гапнинг семантик структурасини мураккаблаштиради ва алоҳида пропозицияни

¹ Ызбек тили грамматикаси. I-том. Т., 1975. 579-б; У.Турсунов ва бош=. Шозирги ызбек адабий тили. Т., 1975. 250-б.; М.Мирзаев ва бош=. Ызбек тили. 1975 й, 256-б.; Ш.Шоабдурахмонов ва бош=. «Шозирги ызбек адабий тили». Т., 1980

² Кононов А.Н. Сов. Узб. Литературного языка. М-Л. 1960. стр.337

³ Ызбек тили грамматикаси. I том. Т., 1975 580-бет

ифодалайди. Шунинг учун бу юклама иштирок этган гапларнинг семантик тузилиши мураккаб бўлади ва доимо бирдан ортиқ пропозиция ифодаланади.

Фақат юкламаси гапда синтактик жиҳатдан ажратиб келаётган бўлак билан биргаликда алоҳида имплицит пропозицияга ишора қилади. М.: *Ундан фақат Нисо буви хабар олиб турар эди* (А.+аҳҳор. Асарлар, I том, 260-бет) гапида иккита пропозиция мавжуд:

1. Ундан Нисо буви хабар олиб турар эди;
2. Нисо бувидан бошқа ҳеч Ким хабар олмас эди.

Биринчи пропозиция гапнинг синтактик қурилишида иштирок этган бўлақлар орқали ифодаланган, иккинчи пропозиция эса, **фақат** юкламаси орқали тушунилади. Шунинг учун иккинчи имплицит ифодаланган пропозицияни **фақат** юкламасининг пресуппозицияси дейиш мумкин. Чунки бу гапда **фақат** юкламаси тушириб қолдирилса, иккинчи имплицит ифодаланган пропозиция англашилмайди. Демак, бу гапда пресуппозицияга ишора қилувчи восита **фақат** юкламаси ҳисобланади.

Фақат юкламаси ўзи ажратиб келаётган бўлакка яқин бўлган тушунчаларни зидлаш орқали пресуппозицияни юзага келтиради. Зидланишнинг инкор ёки тасдиқ характерда бўлиши ўзи иштирок этаётган гапнинг предикатига боғлиқ бўлади, яъни тасдиқ пропозиция инкор пропозициядан ажратилади ёки аксинча бўлиши мумкин. Агар гапнинг предикати тасдиқ формада бўлса, зидланиш орқали юзага келаётган имплицит пропозиция инкор характерда бўлади ёки аксинча бўлиши мумкин. Бундай ҳолатнинг юзага келиши пресуппозициянинг тасдиқдан ёки инкордан ажралишига боғлиқ. М.: *Гузар томонда фақат бита чироқ милтиллар эди* (А.+аҳҳор. Асарлар. 289-б.) гапида 1) гузар томонда бита чироқ ёниқ; 2) гузар томонда бита чироқ бирдан бошқалари ёниқ эмас – пропозициялари бор. Биринчи пропозиция эксплицит тасдиқни ифодалаяпти, чунки материал ифодаловчи предикат тасдиқ шаклда, иккинчи пропозиция пресуппозиция орқали тушунилмақда. *Ёки фақат шу орзусини ҳеч кимга айтмайди.* (А.Мухтор, Туғилиш. 147-бет) гапида предикат инкор шаклда бўлганлиги учун **фақат** юкламаси англатаётган пресуппозиция тасдиқни билдираяпти:

- 1) пропозиция – шу орзусини ҳеч кимга айтмайди;
- 2) пресуппозиция – бошқа орзуларини айтаверади.

Фақат юкламаси грамматик жиҳатдан бирор бўлакни ажратиб кўрсатади. Шунинг учун ўзи ажратиб кўрсатаётган бўлакка боғлиқ бўлган воқеа-ҳодиса ёки ҳаракат ҳам бўлишлиги бўлишсизидан ажратилади ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Лекин семантик тузилишда бунинг аксини ифодаловчи пресуппозицияга ишора қилади. Яъни иш-ҳаракат ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг инкори ичидан бита тасдиғини ажратиб, имплицит ифодалайди ёки аксинча тасдиғи ичидан инкорини ажратиб, имплицит англатади. Демак, **фақат** юкламасининг грамматик функцияси семантик тузилишда пресуппозиция англателишига тескари пропорционалдир. М.: *Фақат Чилонзордаги уйи олдида таксидан тушгани гира-шира ёдида бор* (Ў.Ҳошимов. Нур борки, соя бор) гапида 1) Чилонзордаги уйи олдида

таксидан тушгани ғира-шира ёдида бор; 2) бошқалари ёдида йўқ. Кўринадики, биринчи пропозиция тасдиқ характерда, иккинчи пропозиция – пресуппозиция инкор характерда. Бу гапда **фақат** юкламаси семантик тузилишда имплицит инкор пресуппозицияни юзага келтирган, лекин грамматик жиҳатдан бўлишсиз ҳаракатлар – инкорлар ичидан бўлишлигини – тасдиғини ажратиб кўрсатапти.

Фақат юкламаси иштирок этган содда гапларда ҳар доим икки ҳукм мавжуд бўлади. Предикатнинг қандай формада бўлиши ҳукмнинг мураккаб бўлишига таъсир этмайди. Доимо предикатнинг формаси қандай бўлишидан қатъий назар бири эксплицит тасдиқ бўлса, иккинчиси албатта имплицит инкор характерда бўлади ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. М.: *Фақат Луқмончага бу ер ёқди* (А.Мухтор. Туғилиш, 25-бет) гапида иккита ҳукм мавжуд:

- 1) тасдиқ - Луқмончага бу ер ёқди;
- 2) инкор – бошқаларга бу ер ёқмади.

Бундай гапларда агар тасдиқ ҳукм синтактик формал кўрсаткич орқали эксплицит ифодаланса, инкор ҳукм эса фақат юкламасининг пресуппозицияси орқали имплицит англашилади ёки аксинча.

Фақат юкламаси жуда кўп ҳолларда ўзи ажратиб келган сўз олдидан кўлланилади, баъзан инверсияга учраган гапларда ва поэтик асарларда ўзи алоқадор сўздан кейин келади. Лекин бундай ҳолатлар ҳам **фақат** юкламасининг пресуппозиция англашиб келишига тасқинлик қилмайди. М.: *Севги бутун боримни олиб, шеър завқини қолдирди фақат* (Э.Воҳидов. Муҳаббат, 97-бет) гапида юқоридаги ҳолатни кузатиш мумкин.

Фақат юкламаси синтактик жиҳатдан гапнинг қайси бўлагини ажратиб келмасин, барча ҳолларда маълум бир пресуппозицияга ишора қилади. +уйида гапнинг қайси бўлагини ажратиб келиши ва пресуппозиция англашиб ҳолатларини кўриб ўтамиз.

Фақат юкламаси гап таркибида эгадан олдин келиб, эгани ифодаловчи сўздаги хусусият ва белги, ҳолат ва ҳаракатни ажратиб кўрсатади ҳамда семантик тузилишда маълум бир пресуппозицияни юзага келтиради. Пресуппозиция гап семантикасига параллел равишда имплицит англашилади. М.: *Фақат Раҳмонқулов ёлғиз, фақат у қаёққа кетаётганини ўзи билмайди* (А.Мухтор. Туғилиш, 249-бет) гапида алоҳида-алоҳида содда гапларнинг муносабати орқали бир неча пропозициялар англашилган: 1) Раҳмонқулов ўзи ёлғиз; 2) у қаёққа кетаётганини билмайди; 3) бошқалар ёлғиз эмас, бошқалар қаёққа кетаётганини билади. Кўринадики, **фақат** юкламаси грамматик жиҳатдан эгани ажратиб келяпти. Эга шахс оти орқали ифодаланган. Шахснинг ёлғизлиги, қаёққа кетаётганини билмаслиги **фақат** юкламаси воситасида ажратилаяпти, лекин нимадан ажратилаётганлиги кўпгина лингвистик адабиётларда тушунтирилмайди. Бунда **фақат** юкламасининг пресуппозицияси ёрдамга келади, яъни «бошқалардан, қаёққа кетаётганлигини биладиганлардан деб имплицит ажратилаётган тушунчани кўрсатиб беради. Шунинг учун пресуппозицияни билмай туриб, фақат юкламасининг ажратиш функциясини аниқ тушуниш қийин. Демак,

юқоридаги гапда «умум» ичидан «қисм» ажратилиб кўрсатилган. «Умум» бу Раҳмонқулов бошқараётган катта коллектив ва ўзи, «қисм – Раҳмонқулов». Лекин одамларга қўшила олмаётганлиги, қаёққа кетаётганини билмаётганлиги жихатидан «умум»дан ажратилиб кўрсатилаяпти. Раҳмонқуловдаги хусусият ва тушуниш «умум»да тамоман бошқача.

Ёки фақат у бу Фаридаларникида яшаётганини билади. (Ў.Ҳошимов. «Нур борки, соя бор», 72-бет) гапини олиб кўрайлик. Бу гапда ҳам **фақат** юкламаси олмош билан ифодаланган эгани ажратиб кўрсатаяпти. Бу гапнинг ҳам семантик тузилиши мураккаб, яъни икки пропозиция ифодаланмоқда: 1) У бу йигит Фаридаларникида яшаётганини билади; 2) бошқалар бу йигитни билмайди. Иккинчи пропозиция имплицит ифодаланган ва **фақат** юкламасининг пресуппозицияси орқали тушунилади. Грамматик жихатдан эгага оид «билишлик» хусусияти семантик тузилишда «билмасликка» қарама-қарши қўйилади. Имплицит «билмайдиганлар» ичидан «биладигани» ажратиб, эксплицит кўрсатилган. Гап таркибидаги эга қандай сўз туркуми билан ифодаланаётган бўлмасин, агар **фақат** юкламаси орқали ажратилиб кўрсатилаётган бўлса, эгага хос бўлган хусусият, ҳолат, ҳаракат ёки эга орқали юзага келган ҳолат, ҳаракат, ходиса фақат эгага тааллуқли бўлади, имплицит тушуниладиган «бошқаларга» тааллуқли бўлмайди ёки аксинча.

Солиштиринг: 1. *Йўқ, фақат ўзим айбдорман* (А.Мухтор. Туғилиш. 197-бет).

2. *Фақат оналик баҳти бетининг учида билинар-билинмас қизариб турибди* (А.Мухтор. Туғилиш, 169-бет)

3. *Ҳа, қабих одамнинг қўлидан фақат қабихлик келади* (Ж. Абдуллахонов. Борса келмас. 257-бет)

4. *Фақа тўқиш унга тасалли берар эди* (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас, 178-бет)

Келтирилган мисолларда қуйидагича пресуппозициялар англашилади: 1) бошқалар айбдор эмас; 2) оналик баҳтидан бошқа нарсалар билинмайди; 3) бошқа нарсалар келмайди; 4) ўқишдан бошқа нарсалар тасалли бермайди. Бундай ҳолатни қуйидагича схема орқали кўрсатиш мумкин.

Синтактик-формал тузилишда	Эксплицит пропозиция	–	Семантик тузилишда имплицит пропозиция
1. Ю-Э-К бўлишли	С-Р тасдиқ		С-Р-инкор
2. Ю-Э-К бўлишли	С-Р тасдиқ		С-Р-инкор
3. Ю-Э-К бўлишли	С-Р тасдиқ		С-Р-инкор
4. Ю-Э-К бўлишли	С-Р тасдиқ		С-Р-инкор

Ю – юклама, Э – эга, К – кесим, С – субъект, Р- предикат.

Демак, синтактик формал ифодаланиш эксплицит пропозицияда ўз аксини топган, лекин имплицит пропозицияда бўлишсиз тарзда англашилади. Бўлишсиз характер формал жихатдан ўз ифодаланишига эга бўлмаса ҳам **фақат** юкламасининг пресуппозицияси орқали имплицит тушунилади.

Фақат юкламаси воситали ва воситасиз тўлдирувчилардан олдин кўлланиб, шу сўзни ажратиб кўрсатади ва маълум маънодаги

пресуппозицияга ишора этади. М.: *Унинг чуқур қора кўзлари чақнаб турса ҳам, фақат Жуманни кўрарди шу топда* (А.Мухтор. Туғилиш, 220-бет) гапида тушум келишигидаги шахс оти билан ифодаланган воситасиз тўлдирувчини ажратиб кўрсатапти ва «Жумандан бошқани кўрмас эди» пресуппозициясини юзага келтирмоқда. Пресуппозиция **фақат** юкламаси ва шу юклама ажратиб келаётган бўлакка нисбатан боғланмоқда. Агар эксплицит пропозиция билан пресуппозицияни бир-бирига қиёслайдиган бўлсак, қуйидагича ҳолатни кузатиш мумкин:

- 1) Жуманни кўрарди шу топда;
- 2) Бошқани кўрмас эди.¹

Биринчи пропозиция гапнинг констuentлари орқали англашилган, яъни тўлдирувчи, кесим, ҳол. Иккинчи пропозиция пресуппозиция орқали тушунилади. Пресуппозиция биринчи пропозицияга нисбатан ва **фақат** юкламасининг ажратиш хусусияти орқали белгиланади. Синтактик тузилишда «Жуманни» тўлдирувчи бўлса, семантик тузилишда гапнинг формал тузилиши ўзгармаса ҳам «объект» бўлмаяпти. Предикат объекти бўлмаслигини **фақат** юкламасининг ажратиши орқали билиш мумкин. Чунки **фақат** юкламаси имплицит «кўринмаган кишилар» ичидан кўринганини (умумий тарзда олинди) ажратиб кўрсатган, шунинг учун «кўринмаганлари» эса пресуппозиция орқали кишиларнинг умумий билиш фондида ишора қилинади ва «бошқаларни кўрмас эди» тушунчасини юзага келтиради. Шунинг учун пресуппозицияда предикат объекти «бошқаларни» сўзи орқали тушунилмоқда. Гапдан англашилган ҳукм ҳам юқорида кўриб ўтилган гаплардаги сингари мураккаб – бири тасдиқ бўлса, иккинчиси инкор характерда англашилмоқда.

Умуман, воситасиз тўлдирувчилар қандай сўз туркумлари билан ифодаланган бўлмасин, агар **фақат** юкламаси ажратиб келса, кўриб ўтилган ҳодисани кузатиш мумкин бўлади. **Фақат** юкламаси воситасиз тўлдирувчилар билан келиб пресуппозиция англаганда, формал тузилишдаги тўлдирувчи иш-ҳаракатни ўзига олган предметни ифодаласа, семантик тузилишда бўлишсиз предикатнинг объекти бошқа бўлади ёки аксинча формал тузилишда бўлишсиз кесимга боғланиб келса, семантик тузилишда бўлишли характердаги предикатга нисбатан олинади. М.: *Айниқса, тенгдоши Салима юм-юмалоқ қора кўзларини ялтилатиб келиб, бутун сирларини фақат Бекка айтар эди* (А.Мухтор. Туғилиш, 65-бет) гапида «Бекдан бошқага айтмас эди» пресуппозицияси бор. Формал тузилишда тўлдирувчи бўлишли кесимга боғланса, семантик структурада бўлишсиз предикат объекти бошқа қўлаяпти.

Фақат юкламасининг тўлдирувчилар билан боғланиб келиб, пресуппозиция англантиш ҳолатларини қуйидагича схемада акс эттириш мумкин:

¹ Бу гапда «Унинг ча=наб турган =ора кўзлари бош=аларни кыриши керак эди» пресуппозицияси шам бор, лекин бу пресуппозиция «шам» юкламаси ор=али тушунилади. Шунинг учун бу пресуппозицияга тыхталмадик.

Синтактик структурада	Пропозиция	Семантик структурада пресуппозиция
1. Ю-Тв-ли – К бўлишли	О-Р – тасдиқ	О ₁ -Р инкор
2. Ю-Тв-ли – К бўлишли	О-Р – тасдиқ	О ₁ -Р инкор

Ю – юклама, Т – тўлдирувчи, К- кесим, О – объект, О₁ – бошқа объект, Р – предикат.

Агар Ю-Т-К бўлишсиз бўлса, у ҳолда О-Р – инкор, О₁-Р тасдиқ тарзда бўлади. Демак, юқорида кўриб ўтилган гапларга ўхшаш типли гапларда доимо эксплицит ҳукм бўлишли – тасдиқ характерда бўлса, имплицит ҳукм инкор характерда бўлади ёки аксинча.

Фақат юкламаси жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишикларидаги, кўмакчили конструкциядаги тўлдирувчиларни ажратиб келса ҳам ҳудди воситасиз тўлдирувчилардаги хусусият САқланади. Семантик тузилишда ҳам юқорида кўриб ўтилган гаплардаги сингари пресуппозицияларга ишора қилади. Фақат пресуппозицияни қандай сўзга боғланганлигига қараб ажратиб олинади. М.: *Фақат Салим бувага айтганман* («Шарқ юлдузи») гапидан «бошқага айтмаганман» пресуппозицияси англашилади. *Мурзин билан фақат Зебо тўғрисида гаплашмаймиз* (Шухрат. Шинелли йиллар, 311-бет) гапидан «Мурзин билан бошқа нарса ҳақида гаплашаверамиз» пресуппозициясини тушуниш мумкин. Фақат Одил ака билан кўришмади («Шарқ юлдузи») гапидан «бошқалар билан кўришди» пресуппозицияси англашилади.

Кўринадики, **фақат** юкламаси воситали ва воситасиз тўлдирувчилар билан келганда, ўзи боғланиб келган сўз билан биргаликда пресуппозицияга ишора қилади. Пресуппозиция тўлдирувчига нисбатан аниқланади. Лекин **фақат** юкламаси тушириб қолдирилса, биз кўриб ўтган барча гапларда пресуппозиция англашилмай қолади.

Фақат юкламаси аниқловчилар билан биргаликда қўлланилганда ҳам пресуппозиция англатади. Агар **фақат** юкламаси сифатловчи аниқловчилардан олдин келиб, ажратиб кўрсатса, сифатловчи-аниқловчи ва аниқланмишга нисбатан пресуппозиция белгиланади. М.: *Салима холла фақат қизил рўмолга қизиқсиниб қаради* («Шарқ юлдузи») гапида пропозиция – Салима холла қизил рўмолга қизиқсиниб қаради; пресуппозиция – бошқача рўмолга қизиқсиниб қарамади. Бу гапда «бошқа нарсага қизиқсиниб қарамади» деган пресуппозиция борга ўхшаб туюлади, леки нагар аниқланмиш – рўмол кўп бўлса, у ўша рўмоллардан фақат қизил рангдагисига қизиқиб қараганлиги англашилиши ҳам мумкин.

Шунинг учун **фақат** юкламасининг сифатловчи-аниқловчи билан бирга келиш ўринларини батафсил кўриб ўтишни маъқул кўрдик.

Фақат юкламаси предметнинг ранг-тусини билдирувчи сифат сўз туркуми билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчилар олдидан қўлланиб, шу сифатловчи-аниқловчини ажратиб кўрсатади.

М.: 1. *Отақўзи фақат яшил далаларни соғинди* («Шарқ юлдузи»). 2. *Бозордан фақат қизил олмаларни олгин, - деди ўғлига* («Шарқ юлдузи»). 3.

Карим ота фақат сариқ узумни ҳуш кўради («Шарқ юлдузи»). Бу гапларда фақат юкламаси сифатловчи-аниқловчиларни ажратиб кўрсатаяпти, шу билан бирга гапларнинг семантик тузилишини ҳам мураккаблаштираяпти. Биринчи гапнинг семантик тузилишини қуйидагича талқин этиш мумкин:

1. Бевосита ифодаланган пропозиция – *Отақўзи яшил далаларни согинди*.

2. Пресуппозиция – бошқача далаларни эмас.

Иккинчи гап: 1. Бевосита ифодаланган пропозиция – *бозордан қизил олмаларни ол, - деди ўғлига*;

2. Пресуппозиция – бошқача олмаларни олма, - деди ўғлига.

Учинчи гап: 1. Бевосита ифодаланган пропозиция – *Карим ота сариқ узумни ҳуш кўради*;

2. Пресуппозиция – *Карим ота бошқача узумларни ёқтирмайди*.

Хил хусусият билдирувчи сифатлар билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчилар олдида қўлланиб, шу хусусиятни бошқа хусусиятлардан ажратиб кўрсатади. Семантик тузилишда эса турли пресуппозицияларга ишора қилади. М.: *Фақат чаққон Отақўзи қўйларни тезда майдалайди* («Шарқ юлдузи») гапида хусусият билдирувчи сўз билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчи олдидан қўлланилган, лекин сифатловчи-аниқловчини ажратиб келгани йўқ. Сифатловчи-аниқловчи ва аниқланмишни биргаликда ажратиб кўрсатаяпти. Шунинг учун семантик тузилишда англашилаётган «*Отақўзидан бошқаси майдалай олмайди*» пресуппозицияси фақат юкламаси ва чаққон Отақўзи сўзлари орқали тушунилади. Бу гапда аниқланмиш атоқли от бўлганлиги учун *фақат* юкламаси сифатловчи-аниқловчига эмас, атоқли от билан ифодаланган эгани ажратиб кўрсатаяпти. Демак, аниқланмиш атоқли отлар билан ифодаланганда, *фақат* юкламаси аниқловчини эмас, аниқланмишни ажратиб кўрсатар экан.

Агар аниқланмиш турдош отлар билан ифодаланган бўлса, фақат юкламаси сифатловчи-аниқловчини ажратиб кўрсатади: *Дилафрузнинг сепи йўқ, фақат ақлли қиз* («Шарқ юлдузи») гапида «ақлли» сўзини ажратиб кўрсатаяпти ва «бошқача эмас» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти. *Ёки «Ўктамжон фақат хунукроқ йигит»* («Шарқ юлдузи») гапида «хунукроқ» сўзини ажратиб кўрсатаяпти ва Ўктамжоннинг хунуклигидан бошқа жиҳатлари «яхши» пресуппозициясини юзага келтираяпти.

Фақат юкламаси қаратқич-аниқловчилари билан ҳам биргаликда қўлланилади ва қуйидагича маъноларни ифодалайди.

Фақат ишимнинг мазаси йўқ («Шарқ юлдузи») гапида «ишимнинг» сўзини ажратиб кўрсатаяпти ва «ишимдан бошқа нарсаларнинг ҳаммаси жойида» пресуппозициясига ишора қилаяпти.

Мени ларзага солган нарса фақат Ўктамжоннинг гапи бўлди («Шарқ юлдузи») гапида Ўктамжоннинг сўзини ажратиб кўрсатган ва «бошқаларнинг гапи мени ларзага солгани йўқ» пресуппозициясига ишора қилмоқда.

Демак, **фақат** юкламаси сифатловчи-аниқловчи ра қаратқич аниқловчилар билан ҳам қўллана олади. Сифатловчи-аниқловчилар билан

келиб, пресуппозиция англатиши аниқланмишнинг қандай сўз билан ифодаланишига боғлиқ бўлади. Бу ҳолат айниқса, ранг-тус билдирувчи, хил-хусусият билдирувчи, шакл-кўриниш билдирувчи, маза-таъм билдирувчи сўзлар орқали ифодаланган сифатловчи-аниқловчиларни ажратиб келган гапларда яққол сезилади. Бундай ҳолатларда пресуппозиция аниқланмишга нисбатан белгиланади. (Агар атоқли от билан ифодаланган бўлса). Бошқа пайтларда, яъни хид билдирувчи сўзлар билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчини ажратиб келганда, турдош от билан ифодаланган аниқланмишнинг сифатловчи-аниқловчиларини ажратиб кўрсатган гапларда ва қаратқич-аниқловчиларни ажратиб келган ҳолларда пресуппозиция аниқловчига нисбатан белгиланар экан.

Фақат юкламаси турли сўз туркумлари билан ифодаланган ҳолни ҳам ажратиб кўрсатиб, хилма-хил пресуппозицияларга ишора воситаси бўла олади.

М.: *Мен сизнинг олдингизга фақат эртага бораман* («Шарқ юлдузи») гапида равиш сўз туркуми билан ифодаланган пайт ҳолини ажратиб келаяпти ва семантик тузилишда «Сизнинг олдингизга бугун ёки индинга боролмайман» пресуппозициясига ишора қилаяпти. Пресуппозиция **фақат** юкламаси ва пайт ҳоли вазифасида келаётган сўзга нисбатан белгиланмоқда. Шунинг учун ҳол вазифасида келаётган сўзнинг маъноси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Агар ҳол вазифасидаги сўз вақтни, пайтни, англатувчи сўзлардан бўлганда, синтактик жиҳатдан иш-ҳаракат юз берган ёки юз бериши мумкин бўлган вақтни, пайтни ва бошқа пай тёки вақтлардан ажратиб кўрсатади. Семантик тузилишда шаклий ажратиб кўрсатилган вақт ёки пайтдан бошқа пайтлар ёки вақтларда ажратиб кўрсатилган вақт ёки пайтдан бошқа пайтлар ёки вақтларда иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг бажарилганлиги ёки бажарилмаганлиги орқали пресуппозиция англашилади. Агар синтактик жиҳатдан ажратиб кўрсатилган вақтни шаклий тузилишда иш-ҳаракат ёки ҳолат юз берган ва бажарилган бўлса, семантик тузилишда шаклий ажратилиб кўрсатилган вақтдан бошқа пайтларда иш-ҳаракат ёки ҳолат юз бермаган ва бажарилмаган бўлади.

М.: *Каримжон шофер Тошкентга фақат бугун кетади* («Шарқ юлдузи») гапида икки пропозиция бор: 1) *Каримжон шофер Тошкентга бугун кетади*; 2) *Каримжон шофер Тошкентга бугундан бошқа пайтда кетмайди*. Кўринадики, биринчи пропозиция тасдиқ шаклда, пресуппозиция эса инкор характерда. Агар гапнинг шаклий кўрсаткичлари орқали ифодаланган ҳукм тасдиқни билдирса, пресуппозиция орқали англашилган ҳукм инкорни билдиради ёки аксинча. Чунки **фақат** юкламаси иш-ҳаракат юз берган пайтни ажратиб кўрсатаяпти, шунинг учун «бошқа пайтларда эмас» деган инкор ҳукм имплицит англашилган. Агар иш-ҳаракат юз бермаган пайт ажратиб кўрсатилса, пресуппозиция англатган ҳукм тасдиқни билдиради.

М.: *Дарсга фақат индинга боролмайман* (П.+одиров. Уч илдиз, 147-бет) гапида «бошқа пайтларда бораверади» пресуппозициясига ишора қилинапти. Шаклий тузилишда кесим бўлишсиз характерда бўлганлиги

учун семантик тузилишда бўлишли характердаги пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Фақат юкламаси равиш ҳолларини ажратиб, кўрсатиб келса, иш-ҳаракатнинг юзага келишидаги ўзига хос тарзни бошқаларидан ажратиб кўрсатади. Шу билан бирга, семантик жиҳатдан иш-ҳаракат бажарилишининг алоҳида, ўзига хос тарздан бошқаларига ишора қилиб, пресуппозицияни юзага келтиради. Шунинг учун синтактик жиҳатдан гапда ифодаланган воқеа-ҳодиса, ҳаракат, ҳолат **фақат** юкламаси ажратиб кўрсатган тарзда юз берган бўлса, семантик тузилишда бошқача бўлиши кераклигига ишора қилади.

М.: *Хотини фақат кулимсираб қўйди* (Ҳ./улом. «Машъал», 141-бет) гапида пропозиция – Хотини кулимсираб қўйди; пресуппозиция – Хотини бошқача ҳаракат қилмади.

Жуда кўп ҳолларда **фақат** юкламаси уюшган равиш ҳолларининг охиридагисига боғланиб келиб, ўзидан олдинги равиш ҳолларидаги тарздан ажратиб кўрсатади. Бу тасдиқ бўлиши ҳам, инкор бўлиши ҳам мумкин. Тасдиқ ёки инкор бўлиши аввалги иш-ҳаракат тарзини кўрсатган равиш ҳолларининг характерига боғлиқ.

М.: *Нурали хонада фақат зеркиб, бепарволик билан китоб ўқиди* («Шарқ юлдузи»).

Фақат юкламаси ўрин ҳоллари билан ҳам биргаликда қўлланиб келади. Бундай гапларда иш-ҳаракат ёки ҳолатнинг ўрнини, чиқиш-бошланиш жойини ёки ҳаракат йўналтирилган томонни ажратиб кўрсатади. М.: *Саидий хотинига бир нарса демади, фақат уйидан чиқиб кетди*. Бу гапда пропозиция – Саидий хотинига бир нарса демай уйидан чиқиб кетди; уйидан чиқиб кетишидан бошқа иш қилмади деса пресуппозиция ҳисобланади.

Фақат юкламаси ўрин ҳолларига боғланиб келганда, иш-ҳаракат ва ҳолатнинг юзага келишидаги ўзига хос ўринни ёки иш-ҳаракат ҳолатнинг юзага келмаган ўрнини ажратиб келиб, маълум пресуппозицияга ишора қилади. М.: *+аттиқ қўллик қилиш керак, фақат бу ерда эмас* («Шарқ юлдузи») гапида «бошқа жойда қилиш керак» пресуппозициясига ишора қилаяпти. Бу ўринда қаттиқ қўллик қилиш мумкин эмас, семантик тузилишда эса мумкин ўринларга ишора қилиб, пресуппозиция юзага келтирмоқда.

Фақат юкламаси сабаб ва даража-миқдор ҳамда мақсад ҳоллари билан ҳам қўлланилади. Бундай ҳолларда, агар сабаб ҳолига боғланиб келса, иш-ҳаракатнинг бўлиш сабаби бўлмаслигидан ёки бўлмаслик сабаби бўлиш сабабидан ажратиб кўрсатилади. М.: *Карим бува фақат аччиқланганидан гапирмади* («Шарқ юлдузи») гапида «бошқа сабабдан эмас» пресуппозициясига ишора қилаяпти. Пресуппозиция иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини ажратиб кўрсатиш орқали юзага келмоқда.

Агар мақсад холини ажратиб келса, иш-ҳаракат ва ҳолатнинг қандай мақсада юзага келганлигини ажратиб кўрсатади. М.: *Мен фақат яхши ҳаёт кечириши учун ўқиганман* («Шарқ юлдузи») гапида «бошқа мақсада ўқиган эмасман» пресуппозициясига ишора қилаяпти. Пресуппозиция иш-ҳаракат юзага келишидаги мақсадни ажратиш орқали тушунилмоқда.

Агар даража-миқдор ҳолини ажратиб келса, иш-ҳаракатнинг бажарилиш даражаси ажратиб кўрсатилади. Шу ажратилиб кўрсатилган даража норма ҳисобланади. М.: *Карим бува омбордан ёғочни фақат доналаб олади* («Шарқ юлдузи») гапида «кубалаб эмас» пресуппозициясига ишора қилинапти. Иш-ҳаракат ёки ҳолат қандай даражада юз бериши кўрсатилган, яъни ёғочнинг олиниши миқдорлари алоҳида миқдорда олиниши ажратиб кўрсатилган ва пресуппозицияни юзага келтирган.

Фақат юкламаси жуда кам ҳолатларда кесимни ажратиб келади. Кесимни ажратиб келганда, баъзан кесимдан кейин ҳам келиши мумкин. +андай ўринда келишидан қатъий назар юзага келган иш-заракат бошқа иш-ҳаракатлардан ажратилиб кўрсатилади. М.: *Машинанинг мотори гуриллаб кетди, фақат силжимади* («Шарқ юлдузи») гапида бўлишли иш-ҳаракат юзага келиши мумкин бўлган ерда юз бермаганлиги таъкидланиб, ажратилиб кўрсатиш орқали пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Дўстим мен берган хатни кўзига суртиб, фақат йиғларди («Шарқ юлдузи») гапида ҳам юқоридаги ҳолатни кузатиш мумкин.

Аламини ишдан оларди фақат (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас, 149-бет) гапида фақат юкламаси гапнинг охирида келиб, кесимни ажратиб кўрсатмоқда ва «бошқа нарсадан олмасди» пресуппозицияга ишора қилмоқда.

Демак, **фақат** юкламаси гапнинг барча бўлақларини ажратиб, чегаралаб кўрсатиш хусусиятига эга. +андай бўлақни ажратиб келаётганлигига қараб, унинг маънолари ҳам ва ишора қилаётган пресуппозициялари ҳам ўзгариб боради. Ҳар қандай бўлақни ажратиб келишидан қатъий назар гапнинг семантик тузилишини мураккаблаштиради, гапдан икки ҳукм англашилади. Доимо ҳукмнинг характери фақат юкламаси шаклий жиҳатдан ажратиб келаётган бўлақ ва кесимга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Англашилган ҳукмнинг бири пресуппозиция орқали имплицит тушунилади, бири гапнинг шаклий кўрсаткичлари орқали эксплицит ифодаланади.

Фақат юкламаси –*гина* (-*кина*) ва *холос* юкламалари билан биргаликда келиб, турли пропозитив маъноларни ифодалаб кела олади.

Агар **фақат** юкламаси –*гина* юкламаси билан контакт ҳолда келса, (фақатгина каби) ажратиб, чегаралаб кўрсатиш маъносини Яна ҳам кучайтиради. Семантик тузилишда эса икала юклама биргаликда бита пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Фақатгина дилида теран бир маҳзунлик бор* (П.+одиров. Улуғбек хазинаси, 8-бет) гапида *фақат* ва –*гина* юкламалари контакт ҳолда қўлланиб, «бошқа кўринишларида маҳзунлик сезилмайди» пресуппозициясига ишора қилаяпти.

Баъзан бир-бири билан дистант ҳолатда келиб, бир сўзни ажратиб, чегаралаб кўрсатади. Бундай ҳолатларда ҳам иккаласи биргаликда битта пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Фақат кўнғизларгина жонсарак* (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас, 257-бет) гапида икала юклама ҳам битта «кўнғизлар» сўзини ажратиб келаётганлиги учун шу сўз асосида битта пресуппозицияси икала юклама орқали тушунилмоқда. *Фақат* +уйруқдагина

ишнинг бориши суст (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас, 126-бет) гапида ҳам икала юклама «+уйрук» сўзини ажратиб келаяпти. Шунинг учун икала юклама орқали битта пресуппозиция – бошқа жойларда ишнинг бориши яхши англашилган. – *Биламан, ўртоқ Сулаймонов, фақат қийин бўлгани учунгина сизнинг олдингизга кирдим* (А.+ахҳор. 1-том, 150-бет) гапида бирикмали ҳолни ажратиб кўрсатиш учун қўлланилган. Шунинг учун ҳам иккала юклама биргаликда бирикмали бўлак орқали битта пресуппозицияни юзага келтираяпти.

Фақат ва –*гина* юкламалари дистант ҳолда қўлланилганда, агар икала юклама ҳам синтактик жиҳатдан битта бўлакни ажратиш учун қўлланилмаган бўлса, алоҳида-алоҳида пресуппозицияга ишора қиладилар. М.: *Фақат талатўп маҳали Бирон хатони шу ердагина кўриш мумкин* (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас, 131-бет) гапида кўйидагича ҳолатни кузатиш мумкин: 1) пропозиция – талатўп маҳали Бирон хатони шу ердан кўриш мумкин; 2) пресуппозиция - талатўп маҳалидан бошқа пайтда Бирон хатони бу ердан кўриш мумкин эмас; 3) пресуппозиция – талатўп маҳали Бирон хатони шу ердан бошқа ерда кўриб бўлмайди. Кўринадик, бу гапдан иккита пресуппозиция англашилади. Пресуппозицияларнинг бири **фақат** юкламаси орқали, иккинчиси –*гина* юкламаси орқали тушунилади. Чунки икала юклама ҳам алоҳида-алоҳида гап бўлакларини ажратиш учун қўлланилган.

Фақат юкламаси *холос* юкламаси билан биргаликда қўлланилиши мумкин. Бу икала юклама иштирок этган гапларни қўлланилиши жуда кўп ҳолларда гап фақат ва холос юкламасининг рамкаси ичида келишини гувоҳи бўлдик. Бу юкламалар икки томондан – **фақат** юкламаси гапнинг бошида, *холос* юкламаси гапнинг охирида ўзига хос рамкани ташкил этар экан ва иккаласи биргаликда битта пресуппозицияга ишора қилар экан. М.: *Фақат кийимлари йигитча холос* (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас, 216-бет) гапида худди юқоридаги ҳолатни кузатишимиз мумкин. Бу гапда **фақат** ва *холос* юкламалари битта пресуппозиция (бошқа ерлари йигитча эмас)га ишора қиляпти. Бундай гапларнинг тузилиш схемасини «фақат А – Б холос» шаклида кўрсатиш мумкин. Барча ҳолларда фақат ва холос юкламалари юқоридагича қўлланилади. Бундай юкламалар рамкаси бузилса, ифодаланаётган қатъийлик сусаяди. **Фақат** юкламаси ўрнида холос юкламаси ишлатилиши мумкин. Лекин *холос* юкламаси фақат ва –*гина* юкламалари сингари гапнинг хоҳлаган бўлагини ажратиб кўрсатиш хусусияти кучли эмас. Аксарият ҳолларда гапнинг охирида келади ва умумий пропозиция асосида пресуппозиция англатади. **Фақат** ва –*гина* юкламаларининг гапдаги ўрни эркин. Шунинг учун қайси бўлакни ажратиб келса, шу бўлак билан боғлиқ ҳолда пресуппозиция англатаверади. *Холос* юкламасининг бундай хусусиятлари чекланган, лекин бу юклама ҳам пресуппозициянинг ишора воситаси бўла олади.

Демак, **фақат** юкламаси иштирок этган гапларнинг семантик тузилишида ҳар доим икки пропозиция англашилади. Икки ҳукм мавжуд бўлади. Икки пропозициянинг бири **фақат** юкламасининг пресуппозицияси

орқали тушунилади. Пресуппозиция орқали англашилган икки ҳукм доимо шаклий тузилишдаги кесимнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклига кўра ўзгариб туради. **Фақат** юкламаси ўзининг хусусиятларига яқин бўлган *–гина (-кина), холос* юкламалари билан биргаликда қўлланиб ҳам, турли пресуппозицияларни юзага келтиради. Шунинг учун бир содда гап ичида бир неча алоҳида-алоҳида пресуппозиция англаувчи юкламалар қатнашганда, ўша юкламалар англаган пресуппозициялари орқали бир неча ҳукм ифодалайди. Демак, бир неча юкламаларнинг бир гапда қатор ишлатилиши ҳам гапнинг семантик тузилишини Яна ҳам мураккаблаштирар экан.

4-§ ЯНА ЮКЛАМАСИНИНГ ПРЕСУППОЗИЦИЯСИ

Ҳозирги давргача бўлган тилшуносликда **яна** сўзининг қандай сўз туркумига киритилиши ҳақида турлича фикрлар бор. Баъзи адабиётларда бириктирув боғловчилари қаторида талқин этилса¹, баъзиларида феъл-равишлар қаторида изоҳланади². Айрим адабиётларда даража-миқдор равишига кирувчи, ҳаракат ва белгининг ортиқлигини кўрсатувчи сўз³ ёки кучайтирув равиши таркибида изоҳланади⁴. Баъзи адабиётларда **яна** сўзи ҳақида гапирилмай, шу сўзнинг синонимии бўлган *тагин* сўзи ҳақида фикр айтилади. Тагин сўзининг юклама деб аталганлиги учун биз «**яна**»ни ҳам юклама деб тушундик⁵. Кўринадики, яна юкламаси хусусидаги фикрлар бир хил эмас. Агар биргина адабиётда юклама деб атаганлигини ҳисобга олмасак, юклама бўлиб келиш ўринлари ҳақида деярли бирорта манба йўқ. Шунинг учун ишимизнинг асосий мақсадини ташкил этмаса ҳам, **яна** сўзининг юклама бўлиб келиш ўринлари ҳақида айрим фикрларни айтиши лозим топдик.

В.И.Кодуховнинг фикрича, бирорта сўзнинг қайси сўз туркумига мансублигини аниқлаш учун шу сўзнинг семантик, морфологик ва синтактик белгиларини биргаликда олиб текшириш керак⁶. Бу фикрга системалилик нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлсагина бир сўзни бир бутунлик сифатида олиб, бутунликка хос бўлган элементларни – семантик, морфологик ва синтактик белгиларни шу бутунликни характерловчи система сифатида изоҳлаш мумкин бўлади. Агар шу система элементларининг бирортаси характерловчи белгиликдан маҳрум бўлса, у ҳолда системада ўзига хос парчаланиш юзага келади ва системанинг сифати ҳам ўзгаради. Ўзидан каттароқ бўлган системага элементлик функцияси ва сифати ҳам янгилик касб этади. Чунки сўзлар ўзидан каттароқ бўлган сўз бирикмаси ва гапнинг элементи ҳисобланади ва ўзаро бир-бири оппозицияда ўзига хос функцияни бажаради. Сўзларнинг оппозицияси контекстда реаллашади. Контекстда сўзлар қайси сўз туркумига мансуб эканлиги аниқ билинади. Айниқса, лексик маъноси аниқ бўлмаган сўзларни контекстсиз изоҳлаш мумкин эмас. Чунки лексик маъносига аниқ чегара қўйилмаган сўзларни белгилашда грамматик маъно ва синтактик боғланиш асосида мезон ҳисобланади. Шу жиҳатдан **яна** юкламасининг контекст ичида келиш ўринлари кузатилганда, жуда кўп ҳолларда юклама бўлиб келиши кўзга ташланади.

М.: *Маҳкам чироқни ўчириб, яна уйқуга кетди* (П.+одиров. Уч илдиз, 251-бет) гапида **яна** сўзи кесимга боғланиб, ҳолатнинг такрорланганлигини таъкидлаб келмоқда ва кесим билан битта сўроққа жавоб бўлмоқда. Агар бу сўзни мустақил сўз туркуми деб қарайдиган бўлсак, ўзи мустақил сўроққа жавоб бўлиши керак эди. Кесимга боғланиб, иш-ҳаракат ва ҳолатнинг такрорийлигини билдирганлиги учун равиш деб атасак, у ҳолда равишнинг

¹ Муталибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан =ис=ача очерк. Т., 1959. 123-бет

² Шербак А.М. Грамматика староузбекского языка. М.-Л., 1962. стр. 187

³ Турсунов У., Мухтаров Ж., Рашматуллаев Ш. Шозирги Ўзбек адабий тили. Т., 1975. 230-бет

⁴ Ўзбек тили грамматикаси. Т., 1975, 539-бет

⁵ Шожиев А. Совет даврида Ўзб. адаб. тилининг тарақиши. Т., 1988. 220-б.

⁶ Кодухов И.В. Введение языкознания. М., 1987. стр. 232

сўроқларидан бирига жавоб бўлиши керак эди. Лекин **яна** сўзига равишнинг бирорта ҳам сўроғини бериб бўлмайди. Агар даража-миқдор равишларидан кучайтирув равиши деб аталадиган бўлинса, у ҳолда бу сўз кучайтириш функциясини бажариши керак эди. Бизнингча, бу сўзга кучайтирув функцияси йўқ. Бундай ҳолни кучайтирув равишлари билан таққосланганда аниқлаш мумкин. Кучайтирув равишлари энг, жуда, ниҳоятда кабиларда ҳақиқатан кучайтириш маъноси бор. М.: *Кариманинг кўнгли ниҳоятда бўш эди* («Шарқ юлдузи») гапида кучайтираяпти. Аммо ўзи алоҳида саволга жавоб бўлмаса ҳам кучайтириш маъноси бор. Шунинг учун **яна** сўзини кучайтирув равиши дейишимизга асос қолмайди. Шунингдек, *ниҳоят, гоаят, тагин, нақ, ўта, ланг, қоқ, ҳеч, сира, асло, зинҳор, ҳаргиз, ҳадеганда* каби сўзларда ҳам мустақиллик аниқ кўринмайди. Бу сўзлар жуда кўп ўринларда юкламаларга хос вазифани бажармоқда.

Агар юкламаларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб изоҳлайдиган бўлсак, юқорида кўриб ўтилган сўзлар маълум бир сўзга маъно жилосини беради. Лекин ўзи якка ҳолда мустақил маъно англатмайди ва мустақил ҳолда маълум бир сўроққа жавоб бўлмайди. Шунинг учун «сифатлардаги орттирма даражани ясовчи турли кучайтирув маъносини берувчи сўзлар»ни ва «таъдиқ, ҳамда инкор йўли билан ҳосил қилинган кучайтирув равишлари»ни, бизнингча, юкламалар қаторида талқин этиш керак бўлади. Чунки бу сўзларда мустақиллик маъноси йўқолган ва ёрдамчига айланган. Ёрдамчи сўзлар ичида юкламалар айрим сўзларга ва гапларга маъно жилосини Бера олади. Шунинг учу нюқоридаги сўзларни юклама дейишимиз, бизнингча, тўғри бўлади. **Яна** сўзида эса кучайтирув маъносидан кўра, таъкид маъноси кўпроқ англашилади. Тўпланган материаллар шуни кўрсатадики, **яна** юкламаси жуда кўп ўринларда таъкид маъносини англатиб келар экан. Шунга кўра **яна** сўзини таъкид юкламаси деб атадик ва таъкид маъносини таҳлил қилишда шу сўзнинг қандай сўзлар билан келгани ҳамда қўлланиш ўринларини асос қилиб олдик.

Яна юкламаси *ҳам, фақат, эмас* юкламалари сингари сўзга ва гапга маъно жилоси бериш билан бирга, ўзи қатнашган гапнинг семантик структурасига ҳам таъсир этади ва пресуппозицияни юзага келтиради. Шунинг учун ишнинг мақсадидан келиб чиқиб яна юкламасининг қандай сўзлар билан келиш ўринларини таҳлил қилишда кўпроқ пресуппозиция англатиб келишига тўхталинди.

Яна сўзининг таъкид юкламаси бўлиб келиши.

Яна сўзи гапда равишларга хос вазифасидан кўра турли сўзларни таъкидлаб келиб, юклама вазифасида келиши юқорида айтиб ўтилган эди. Ҳақиқатан ҳам равиш бўлиб келиш учун иш-ҳаркатнинг белгисини, белгининг белгисини англатиб келиши керак. Лекин **яна** сўзи фақат иш-ҳаракатни билдирган сўзлар билан бирга келиб қолмай, балки бошқа сўз туркумлари билан ҳам бирга қўллана олади ва унда турли хил маъно жилолари бериб келиш хусусияти ҳам бор.

М.: *Яна Акбаров ҳаёлида гавдаланди ва яна унинг «нарғидан» дегани қулоғига эшитилиб кетди* (П.+одиров. Уч илдиз, 6-бет) гапида таъкид

маъносини ифодалаб келаяпти ва бу гапда белгининг белгисини, иш-ҳаракатнинг белгисини ёки кучайтириш маъноларини ифодалаш хусусияти сезилмайди. **Яна** сўзи барча гап бўлаклари билан бирга кела олади. Шунинг учун бу сўзнинг турли ўринларида келишини алоҳида таҳлил этиш янги-янги қирраларни очиб беради. Яна сўзининг гапда келиш ўрни эркин. Гапнинг бошида ҳам, охирида ҳам кела олади ва турли маънодаги пресуппозиция англатиш воситаси бўла олади. Гапнинг семантик структурасини мураккаблаштиради ва бирдан ортиқ пропозицияни англатиб келади. Шунинг учун биз **яна** юкламасининг гап ичида қайси гап бўлаги билан бирга келиб, қандай маънодаги пресуппозиция англатиб келиш ўринларига кўпроқ тўхталамиз.

Яна юкламаси эга билан бирга келиб, агар эга вазифасидаги сўз иш-ҳаракатни бажарувчи шахс бўлса, иш-ҳаракат шу шахс томонидан такрорий бажарилганлигини таъкидлаб кўрсатади ва иш-ҳаракатнинг шу шахс томонидан аввал ҳам бажарилганлиги тўғрисидаги имплицит ҳукмга ишора қилиб, такрорийлик маъносидаги пресуппозицияни юзага келтиради.

М.: 1. *Зум ўтмай Яна Рашид абзи гармонини чўзиб қолди.* (Ў.Хошимов. Икки эшик ораси, 75-бет) гапида иш-ҳаракатни бажарган шахс таъкидланаяпти ва «Олдин ҳам Рашид абзи гармонини чўзган» деган пресуппозицияни англатаяпти. Ёки *яна ҳамма унинг сўзига жим туриб қулоқ солди* (А.+аҳҳор. +ўшчинор чироқлари. 69-бет) гапида ҳам қулоқ солган кишилар таъкидланаяпти ва «Аввал ҳам қулоқ солган, аввал ҳам қандайдир маъруза бўлган» деган пресуппозиция англашилаёпти. Агар **яна** юкламасини тушириб қолдириладиган бўлсак, у ҳолда таъкид маъноси ва пресуппозиция англашилмай қолади. Солиштиринг: *Зум ўтмай Рашид абзи гармонини чўзиб қолди. Зум ўтмай яна Рашид абзи гармонини чўзиб қолди.* Кўринадики, биринчи гапда таъкид маъноси ҳамда иш-ҳаракатни олдин ҳам айнан Рашид абзи бажарганлигига ишора қилинмаяпти ва пресуппозиция англашилмаяпти. Кейинги гапда эса таъкид маъноси бор ва гапнинг семантик структурасида ҳам икки пропозиция англашилган. Биринчи пропозиция гап констuentлари орқали эксплицит ифодаланган бўлса, иккинчи пропозиция **яна** юкламасининг пресуппозицияси орқали имплицит англашилмоқда. Демак, юқоридаги гапларда **яна** сўзи таъкид юкламаси бўлиб келган ва *ҳам, фақат, эмас* юкламалари сингари гапнинг семантик структурасини мураккаблаштириб, пресуппозиция англатиш воситаси бўлиб келмоқда. Пресуппозициянинг турли маъноларда бўлиши **яна** юкламасининг қайси бўлакка боғланиб келишига боғлиқ. Юқорида эгага боғланиб келиш ўринлари ҳақида айрим мулоҳазаларни баён этдик. **Яна** юкламаси эгага боғланиб келганда, пресуппозиция иш-ҳаракатнинг бажарилиши айнан бир киши томонидан қайта юзага келиши асосида аввал ҳам айнан шу киши томонидан бажарилганлигига ишора қилиши натижасида юзага келади. Иш-ҳаракатнинг айнан бир киши томонидан гап айтилган пайтда бажарилганлиги гап констuentлари орқали эксплицит ифодаланади, лекин иш-ҳарат шу киши томонидан гап айтилган пайтдан олдин ҳам бажарилганлиги **яна** юкламаси ва эга орқали имплицит англашилади.

Шунинг учун бу юклама иштирок этган гапларда ҳамиша икки ҳукм мавжуд бўлади. Гапнинг семантик структурасида англашилган ҳукмларнинг характери бир-бирига мос бўлади. Агар эксплицит англашилган ҳукм тасдиқ характерда бўлса, имплицит англашилган ҳукм ҳам тасдиқ характерда бўлади ёки аксинча. Бундай муносибликни куйидаги схема орқали кўрсатиш мумкин:

1. *Яна* эга . . . кесим бўлишли (гап)

Пропозиция : С – Р тасдиқ характерда. S_1 тасдиқ

Пресуппозиция: С – Р тасдиқ характерда. S_2 тасдиқ.

2. *Яна* эга . . . кесим бўлишсиз (гап)

Пропозиция : С – Р инкор характерда. S_1 инкор

Пресуппозиция: С – Р инкор характерда. S_2 инкор

Демак, *яна* юкламаси гапда қайси бўлакка боғланишидан қатъий назар гап предикатининг формаси гапда англашилган ҳукмларнинг характериға таъсир этар экан. Агар гап предикати бўлишли формада бўлса, гапдан англашилган ҳукмлар тасдиқ характерда бўлади ёки аксинча. Ҳукмнинг ҳар қандай характерда бўлиши *яна* юкламасига боғлиқ эмас. *Яна* юкламаси субъект ва предикат орқали шу субъект предикат характериға боғлиқ ҳолда тушуниладиган имплицит ҳукмга ишора қилади ҳамда пресуппозицияни юзага келтиради.

Яна юкламаси гапда эгага бирикиб келганда, иш-ҳаракат айнан ўзи боғланиб келган эга орқали (бошқаси эмас) бажарилганлигини, яъни иш-ҳаракат бажарувчисини таъкидлаб кўрсатади ва у асосда пресуппозицияни юзага келтиради.

Яна юкламаси кесимга боғланиб келганда эса юқорида кўриб ўтилгандан бошқачароқ ҳолат кўзга ташланади. М.: *Эртаси кун* Обид Йўлдошев ичи *Яна чақирди* (П.+одиров. Уч илдиз, 303-бет) гапида *Яна* юкламаси кесимга боғланиб, айнан бир иш-ҳаракатнинг такрор юзага келганлигини таъкидлаб кўрсатапти. Агар *яна* юкламаси тушириб қолдирилса, чақириш – иш-ҳаракатнинг такрорланганлигини таъкидлаш англашилмай қолади. Шунинг учун бу гапда айнан, «чақириш»нинг такрорийлигини таъкидлашга ва «у аввал ҳам чақирилган» деган пресуппозицияни юзага келишида *яна* юкламаси восита бўлмоқда.

Юзаки қараганда, *яна* юкламаси гапнинг эгасига бирикиб келгандаги ҳолат кесимга бирикиб келгандаги ҳолатга ўхшаб кетади. Лекин чуқурроқ таҳлил этилганда, алоҳидалиги аниқ билинади. Чунки эгага бирикиб келганда иш-ҳаракатнинг бажарувчиси таъкидланса, кесимга бирикиб келганда эса иш-ҳаракатнинг ўзи таъкидланади. Биринчисида юзага келган иш-ҳаракат нутқ сўзланган пайдан аввал ҳам айнан *яна* юкламаси таъкидлаб кўрсатаётган эга томонидан бажарилган эканлиги англашилса, иккинчисида *яна* юкламаси таъкидлаб кўрсатаётган иш-ҳаракат аввал ҳам бажарилганлиги англашилади. Биринчисида пресуппозиция эгага нисбатан белгиланса, иккинчисида кесимга нисбатан белгиланади. Шунинг учун *яна* юкламасининг эга билан ва кесим билан бирга қўлланилишини алоҳида-алоҳида таҳлил этиш зарур.

Баъзи адабиётларда **яна** юкламаси кесимга боғланиб, иш-ҳаракатнинг такрор бажарилганлигини билдирганлиги учун равиш сўз туркумига киритилади¹. Лекин ҳозирги даврда лексик маъноси йўқолиб, мустақил ҳолда маълум бир сўроққа жавоб бўла олмаганлиги бу сўзни равиш деб қарашга тамомила зиддир. Чунки мустақил сўзлар ўзи якка ҳолда лексик маъно англатиши ва мустақил ҳолда гапнинг бўлаги бўлиб кела олиши билан алоҳидалик касб этади. Шунинг учун яна сўзини кесимга боғланиб келиш ҳолларида ҳам бу сўзнинг мустақил сўз туркуми эканлиги сезилмайди. Ёки равиш сўз туркуми деб талқин этилган адабиётларда яна сўзининг равишлигини кўрсатиш учун берилган мисолларда ҳам мустақил сўз эканлигини англаб олиш қийин. М.: *Ота яна сўзини давом этди* (Р.Файзий)² гапида яна сўзининг мустақиллигини қандай қилиб изоҳлаш мумкин? Агар мустақил сўз туркуми деб қаралса, у ҳолда лексик маъноси бўлиши керак эди, лекин маъноси йўқ. Мустақил ҳолда маълум бир сўроққа жавоб бўлиши керак эди, лекин қандай сўроққа жавоб бўлиши аниқ эмас. Агар савол бериладиган бўлинса, Ота нима қилди? – деб берилади ва яна сўзида давом этди – деб жавоб берилади. Шунинг учун мустақил сўзларнинг қуйидаги: борлиқдаги турли ҳодисаларни билдиради, демак, ҳар бир мустақил сўзнинг ўз айрим маъноси бор: гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланилади, ясашиш, турланиш, тусланиш каби хусусиятларга эгадир¹, - деган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, яна сўзини мустақил сўз дейишимизга ҳеч қандай асос қолдирмайди. Демак, яна сўзи иш-ҳаракат билдирган сўзлар билан биргаликда қўлланганда ҳам юкламалилик хусусияти сақланади ва гапнинг семантик структурасини мураккаблаштиради.

М.: *Олдимизда турган аппа-аниқ вазифани сиз яна туманлаштираяпсиз* (А.Мухтор. Туғилиш, 206-бет) гапида ҳам яна юкламаси кесимга боғланиб келиб, туманлаштириш аввал ҳам бўлганлигини кўрсатаёпти ва «вазифа олдин ҳам туманлаштирилган» деган пресуппозицияни юзага келтираяпти. Шунинг учун ҳам бу гапнинг семантик структурасида икки ҳукм мавжуд. Бу гапда биринчи ҳукм гап конститuentлари орқали эксплицит англашилган бўлса, иккинчи ҳукм ҳам тасдиқ характерда. Чунки гапнинг предикати тасдиқ формада бўлганлиги учун юқоридагича ҳолат юзага келаяпти. Агар предикат инкор формада бўлганда эди гапдан англашилган ҳукмларнинг характери ҳам инкор тарзда бўлар эди. Демак, юқорида таъкидланганидек, ҳукмларнинг характери гап предикатининг қандай формада келганлигига боғлиқ экан.

М.: *Эшикка етганимда ер яна силкинди* (Ў.Хошимов. Икки эшик ораси, 546-бет) гапида ҳам **яна** юкламаси кесимга боғланиб келган ва «силкиниш»нинг такрорланганлигини таъкидлаб кўрсатаёпти ҳамда «Эшикка етмасдан олдин ҳам ер силкинган» деган пресуппозицияни юзага

¹ Турсунов У., Мухтаров Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ызбек адабий тили. Т., 1975. 230-бет. Ўзбек тили грамматикаси. Т., 1975. 539-б.

² Ўзбек тили грамматикаси. Т. I-том. 533-бет

¹ Ўша китоб. 123-бет

келтираяпти. Пресуппозиция кесимга асосан белгиланмоқда. Бу гапнинг структурасида ҳам икки ҳукм мавжуд. Икала ҳукм ҳам тасдиқ характерда.

Яна юкламасининг кесимга боғланиб келиши ҳолатини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин:

Синтактик структура	Семантик структура
1. Э – яна – кесим бўлишли	С – Р тасдиқ пропозиция С – Р тасдиқ пресуппозиция
2. Э – яна – кесим бўлишсиз	С – Р инкор пропозиция С – Р инкор пресуппозиция

Яна юкламаси жуда кўп ҳолларда ўзи боғланиб келган сўздан олдин келади. **Яна** юкламасининг ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиш ҳоллари фақат кесимга боғлангандагина юз беради. Бошқа гап бўлақларига боғланиб келганда бундай ҳолат кўзга ташланмайди. Лекин стилистик нуқтаи назардан айрим поэтик асарларда инверсияга кўра ўзи боғланган сўздан кейин келиши мумкин. Анна шундай ҳолатларда ҳам турли маънодаги пресуппозицияларни юзага келтира олади. М.: *Миясига минг хил фикрлар келиб чувалаша бошлади яна* (Ж.Абдуллахонов. Борса келмас. 127-бет) гапида кесимдан кейин келаяпти. Гапда «унинг мияси аввал ҳам чувалашган деган» пресуппозицияга восита бўлмоқда. Ёки: *Сочини савдоси тушти бошимда бошдин яна* (Бобур. Танланган асарлар. Т., 1983. 6-бет) гапида инверсияга кўра ўзи боғланиб келган бўлақдан кейин келаяпти ва «сочининг савдоси аввал ҳам тушган» пресуппозициясини юзага келтираяпти. Кўринадики, **яна** юкламасининг ўзи боғланиб келган сўздан олдин ёки кейин келиш ҳолатлари пресуппозиция англатиб келишига таъкир этмайди. Шунинг учун бундай ўринларга ишнинг мақсадидан келиб чиқиб камроқ тўхталдик.

Яна юкламаси аниқловчи билан ҳам биргаликда келиб, пресуппозиция англата олади. М.: *Лекин яна Акбаровнинг овози эътиборини тортди* (П.+одиров. Уч илдиз, 72-бет) гапида **яна** юкламаси қаратқич аниқловчига боғланиб келиб, овоз эгасини таъкидлаб кўрсатаяпти ва «Аввал ҳам Акбаровнинг овози эътиборини тортган» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти. Ёки *Маҳкам «тарих» сўзини алоҳида талаффуз этиб шу билан тарихнинг устунлигини таъкидлади* (П.+одиров. Уч илдиз, 50-бет) гапида ҳам қаратқич аниқловчига боғланиб, тарихнинг (бошқа нарсанинг эмас) сўзини таъкидлаб кўрсатаяпти ва «Маҳкам «тарих» сўзини алоҳида талаффуз этганда ҳам тарихнинг устунлигини таъкидлаган» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Яна юкламаси белгисиз қаратқич аниқловчилари билан бирга қўлланганда ҳам пресуппозиция англата олади. М.: *Козимов яна участка бошлиғи* (А.Мухтор. Туғилиш, 243-бет) гапида «Козимов аввал ҳам участка бошлиғи бўлган» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Яна юкламаси турли сўз туркумлари билан ифодаланган сифатловчи аниқловчилар билан биргаликда қўлланиб ҳам пресуппозиция англата олади. М.: 1. *Лекин кечаси тўшакда яна ўша ўйлар ҳужумга ўтди* (П.+одиров. Уч илдиз, 57-бет) . 2. *Нарироқда яна битта арава келётган экан* (Ў.Ҳошимов.

Икки эшик ораси, 107-бет). 3. *Ҳар ҳолда Тошкент устига яна қонли булутлар чиқди* (А.+одирий. Ўтган кунлар, 37-бет) . 4. ... *У яна тубсиз ўйлар кирдобида қолди* (П.+одиров. Уч илдиз, 57-бет). Биринчи гапда олмош билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчини таъкидлаб кўрсатаёпти ва «Ўша (бошқаси эмас) ўйлар авваллари ҳам ҳужумга ўтган» деган пресуппозицияга ишора қилаёпти. Иккинчи гапда сон билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчини таъкидлаб кўрсатаёпти ва «берирокда ҳам битта арава келаяпти» деган пресуппозицияни юзага келтираяпти. **Яна** юкламаси, сон сўз туркуми билан ифодаланган бўлақларни таъкидлаб келганда, ўзи таъкидлаб келадиган бўлақнинг «кўшимча» эканлигини билдиради ва у аснода пресуппозицияни юзага келтиради. М.: *Эртасига яна иккита ариза тушди* (А.+аҳҳор. +ўшчинор чироқлари. 58-бет) гапида ҳам сон билан ифодаланган аниқловчини таъкидлаб кўрсатаёпти ва «Аввал ҳам аризалар тушган» пресуппозициясига ишора қилаёпти.

Учинчи гапда сифат билан ифодаланган сифатловчи-аниқловчини таъкидлаб кўрсатаёпти ва «Тошкент устига аввал ҳам қонли булутлар чиққан» деган пресуппозицияга ишора қилаёпти. Тўртинчи гапда ҳам сифат билан ифодаланган аниқловчига боғланиб, «Уни тубсиз ўйлар аввал ҳам кирдобида олган» деган пресуппозицияга ишора қилаёпти.

Кўринадики, **яна** юкламаси аниқловчилар билан биргаликда қўлланганда, аниқловчи ва аниқланмиш асосида пресуппозицияни юзага келтиради. Пресуппозиция **яна** юкламаси ва аниқловчи ҳамда аниқланмишга қараб белгиланади. Гапнинг семантик структурасида юқорида кўриб ўтилгандек икки пропозиция мавжуд бўлади. Пропозицияларнинг бири эксплицит ифодаланган бўлса, Иккинчиси **яна** юкламасининг пресуппозицияси орқали имплицит англашилади. Пропозициялар орқали англашилган ҳукмларнинг характери ҳам юқорида кўриб ўтилгандек бир хилда бўлади.

Юқорида кўриб ўтилган гапларнинг семантик ва синтактик структурасини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Синтактик структура

1. Э – яна – А қаратқич ан. - К бўлишли
2. Э – яна – А қаратқич ан. – К бўлишсиз
3. Э – яна – А сифатл. аниқ. – К бўлишли
4. Э – яна – А сифатл. аниқ. – К бўлишсиз

Семантик структура

Пропозиция	Пресуппозиция
1. С – Р тасдиқ - S ₁ тасдиқ	С – Р тасдиқ - S ₂ тасдиқ
2. С – Р инкор - S ₁ инкор	С – Р инкор - S ₂ инкор
3. С – Р тасдиқ - S ₁ тасдиқ	С – Р тасдиқ - S ₂ тасдиқ
4. С – Р инкор - S ₁ инкор	С – Р инкор - S ₂ инкор

Яна юкламаси тўлдирувчилар билан келиб ҳам турли пресуппозицияларни англата олади. М.: *Кейин яна рўйхатга ҳаёли кетди* (П.+одиров. Уч илдиз, 40-бет) гапида воситали тўлдирувчига боғланиб,

«Аввал ҳам ҳаёли рўйхатга кетган» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти. Пресуппозиция **яна** юкламаси ва «рўйхатга тўлдирувчиси асосида белгиланмоқда. **Яна** юкламаси ҳаёлнинг айнан рўйхатга кетганлигини таъкидлаб кўрсатаяпти. Пресуппозиция ҳаёлнинг айнан рўйхатга кетганлиги аввал ҳам бўлганлиги асосида белгиланмоқда.

Ёки: Бир нима эсига тушди шекилли, яна қўлини паҳса қилди (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси, 9-бет) гапида воситасиз тўлдирувчини таъкидлаб келаяпти ва «Олдин ҳам қўлини паҳса қилган» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Очил яна шеърлар билан мисол келтириб нега шундай деганини тушунтира бошлади (П.+одиров. Уч илдиз, 144-бет) гапида кўмакчи ёрдамида шаклланган тўлдирувчини таъкидлаб кўрсатаяпти ва «Очил аввал ҳам шеърлари билан тушунтирган» деган пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Яна юкламаси тўлдирувчилар билан келиб, пресуппозиция англатган гапларнинг семантик структураси ҳам бошқа бўлақлар билан келган ўринлардаги сингари мураккаб бўлади. Бу гапларда ҳам битта пропозиция эксплицит ифодаланса, иккинчиси имплицит ифодаланади. Пропозициялар орқали англашилган ҳукмларнинг характери ҳам юқорида кўриб ўтилган гаплардаги сингари бир хил бўлади. Бундай ҳолатни схематик тарзда куйидагича ифодалаш мумкин:

Синтактик структура

1. Э – яна – Т воситали – К бўлишли
2. Э – яна – Т воситасиз – К бўлишли
3. Э – яна – Т воситали – К бўлишсиз
4. Э – яна – Т воситасиз – К бўлишсиз

Семантик структура

Пропозиция	Пресуппозиция
1. С – Р тасдиқ - S1 тасдиқ	С – Р тасдиқ - S2 тасдиқ
2. С – Р тасдиқ - S1 инкор	С – Р инкор – S2 инкор
3. С – Р инкор – S1 инкор	С – Р инкор – S2 инкор
4. С – Р инкор – S1 инкор	С – Р инкор – S2 инкор

Тўлдирувчиларнинг белгили ва белгисиз, кўмакчилар воситасида шаклланиши **яна** юкламасининг пресуппозиция англатиб келишига таъсир қилмайди. Шунинг учун схемада яна юкламасининг белгили ва белгисиз, кўмакчи конструкцияли тўлдирувчилар билан келган гапларнинг синтактик ва семантик структураларини кўрсатишга ҳожат йўқлигини ҳисобга олиб чизилмади.

Яна юкламаси ҳоллар билан биргаликда келиб ҳам пресуппозиция англата олади. Лекин **яна** юкламаси ҳоллар билан келганда, бошқа бўлақлар билан бирга келгандаги ҳолатдан ўзгачароқ маъноларни ифодалаши мумкин.

М.: *Пакана киши яна бирпас хезланиб турди-да, нари кетди* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси, 47-бет) гапини ишора қилиниш аниқ

реаллашмай қолаяпти. Чунки давомийлик таъкидланиши юзага келтирмайди. Агар “Пакана киши яна хезланди ва нари кетди” тарзда бўлганда эди, “Пакана киши аввал ҳам хезланган” деган пресуппозицияни юзага келтирган бўлар эди. Лекин “бирпас” сўзига боғланганлиги учун пресуппозиция очик англашилмай қолган. Ёки: *Яна бир неча вақт жим қолдилар* (А.+одирий. Ўтган кунлар, 13-бет) гапида ҳам юқоридагича ҳолат кўзга ташланади. Бу гапда ҳам ҳолатнинг давомийлиги таъкидланиб кўрсатилган, лекин пресуппозиция очик англашилгани йўқ. Шунинг учун **яна** юкламасининг пайт билдирувчи сўзларга боғланиб келиш ўринларини алоҳида таҳлил этиш керак. Айрим ўринларда пайт ҳолига боғланиб келганда ҳам пресуппозиция англашиб келиши мумкин. М.: ... *Яна уч кун “+ора аммамнинг ичидаги “одамчалар” чалаётган “хуштак”ни эшитиб ётишига мажбур бўлдим* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси, 112-бет) гапида иш-ҳаракатнинг давомийлиги таъкидланаяпти ва “Аввал ҳам . . . хуштакни эшитиб ётган” пресуппозициясига ишора қилинаяпти. Бу гапда ҳам ҳолатнинг давомийлиги бор, лекин давомийлик аниқ пайт билан чегараланмаганлиги учун пресуппозиция шу асосда юзага келаяпти. Агар давомийлик аниқ пайт билан чегараланмаганда эди пресуппозиция очик ифодаланмай қолар эди.

Агар ҳол вазифасидаги сўз аниқ ўринни англашиб келса, пресуппозиция шу ўринга нисбатан ва яна юкламасининг такрорийлиги асосида ифодаланади. М.: *Кечқурун бўлса дадам мени кўтариб, яна чойхонага олиб чиқди* (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси, 19-бет) гапида ҳол вазифасидаги сўз аниқ ўринни билдиргани учун шу ўринга қайта чиқиш асосида пресуппозиция белгиланмоқда ва “Дадаси уни аввал ҳам чойхонага олиб чиққан” деган пресуппозиция англашиляпти. Ёки: *Уруш гарбда, рота фронтдан уч-уч ярим минг километр берида, яъни Шарққа қараб кетаётибди* (А.+аҳҳор. Асарлар, 3-т., 4-бет) гапида ҳам ҳол вазифасидаги сўз аниқ ўринни билдираяпти, яна юкламаси шу ўринни таъкидлаб кўрсатиб, “Рота аввал ҳам Шарққа қараб юрган” деган пресуппозицияга ишора қилаяпти.

Яна юкламаси ҳоллар билан бирикиб келганда, иш-ҳаракат ва ҳолатнинг юзага келиш тарзи, пайти, ўрни, сабаби, мақсади ва даражасининг такрорийлигини таъкидлаб кўрсатади ва шу асосда пресуппозицияга ишора қилади. Бу юкламанинг ҳоллар билан бирикиб келиши бошқа бўлақларга бирикиб келишига нисбатан кўпроқ учрайди. Шунинг учун бу юкламани равиш сўз туркумига киритиб талкин этганлар. Лекин юқорида кўриб ўтилганидек, равиш сўз туркумига яқин маъно англагача ҳам мустақиллиги аниқ билинмайди.

Яна юкламаси ҳам юкламаси билан қўшалок ҳолда келиб, кучайтирув-таъкид маъноси ифодалаб келади ва шу асосда пресуппозицияга ишора қилади. М.: *Карим бува тепага чиқиб яна ҳам қаттиқроқ бақирди* (“Шарк юлдузи”) гапида кучайтириш маъноси ифодаланган ва “Карим бува аввал ҳам бақирган” пресуппозицияси англашилади. Лекин аввал секинроқ бақирган.

Яна юкламаси ўзи алоҳида сўз гап бўлиб ҳам келади. Бундай ҳолатларда турли юклама аффиксларни олиб келиши ҳам мумкин. Ўзи якка ҳолда келганда ҳам, турли юклама аффиксларни олиб келганда ҳам аввалги контекстдаги мазмунга, ҳолатга, ҳаракатга ва шу каби ҳодисаларга ишора қилади. Лекин бундан мустақил сўз экан деган хулоса келиб чиқмайди. Чунки ўзи якка ҳолда келганда ҳам лексик маъно англамайди, балки аввалги контекстдаги мазмунга ишора қилади холос. Агар аввалги контекст бўлмаса ўзи якка ҳолда ҳеч қандай мазмунни англата олмайди. М.: - *Очил бугун ҳам консептсиз келибди. – Яна-я?* (П.+одиров. Уч илдиз, 131-бет).

Гапларидан биринчиси тушириб қолдирилса, бирор маъно илғаб олиш қийин. Лекин биргаликда олинганда иккаласи ҳам алоҳида-алоҳида мазмун англатади. – *Яна-я?* гапининг мазмун пресуппозиция асосида реаллашади. Чунки пресуппозициясиз (аввалги бобларда айтилгандек) сўз гапларнинг, тўлиқсиз гапларнинг, атов гапларнинг мазмунини белгилаб бўлмайди. Шунинг учун **яна** юкламасининг ўзи алоҳида келиб, мазмун англата олишини мустақил сўз туркуми эканлигидан эмас, балки пресуппозицияга ишора қила оладиган юклама эканлигидан, деб қараш керак бўлади. **Яна** юкламаси турли юклама аффиксларни олиб келиши мумкин. М.: *Янами? Яна-я? Яна ҳам, яначи?* +олган аффикс юкламаларни фақат гап ичида, бошқа бўлақлар билан боғланиб келгандагина олади.

Яна юкламаси ўрнида **тагин** юкламаси ишлатилиши мумкин. Бу юкламалар синоним юкламалар ҳисобланади. Шунинг учун бу юкламаларни бир-бирдан ажратиб изоҳлашни лозим топмадик. Чунки **тагин** юкламаси ҳам ҳудди **яна** юкламаси сингари гапнинг барча бўлақлари билан бирга кела олади ва яна юкламаси англатган пресуппозицияларга ишора қила олади. Фақат тагин юкламаси ҳозирги тилимизда кенг истеъмолдаги юклама эмас. **Тагин** юкламасининг ўрнига **яна** юкламаси кўпроқ ишлатилади. Шунинг учун бўлса керак яна юкламаси изоҳланган адабиётларда **тагин** юкламаси хусусида бирорта ҳам фикр билдирмаган. Фақат А.Ҳожиев (бу хусусда аввалги бетларда ёзилган) юклама дейиш керак деб айтади холос. Бизнингча тагин юкламаси яна юкламасига синоним сифатида бемалол қўллаш мумкин. Чунки яна юкламасига синоним сифатида бемалол қўллаш мумкин. Чунки яна юкламаси берадиган маъно жилоларни тагин юкламаси ҳам бера олади. М.: *Карим тагин келди // Карим яна келди.* Кўринадикки, бу гапларда ҳеч қандай икки хиллик йўқ. Фақат такрорийлик синоним юкламалар орқали ифодаланмоқда холос.

Демак, **яна** ва **тагин** сўзлари юклама ҳисобланади. Бу юкламалар кучайтирув ва таъкид юкламаларига киритилиши керак. Бу юкламалар ҳам бошқа юкламалар сингари пресуппозициянинг ишора воситаси бўла олади ва гапнинг барча бўлақлари билан бирикиб келади. Бу юкламалар иштирок этган гапларнинг ҳам семантик структураси мураккаблашади ва гапдан иккита пропозиция англашилади. Пропозицияни бири гап констuentлари орқали эксплицит ифодаланса, иккинчиси **яна** ва **тагин** юкламаларининг пресуппозицияси орқали имплицит англашилади. Бу юкламалар иштирок этган гапларда ҳам икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири эксплицит

англашилса, иккинчиси имплицит англашилади. Ҳукмларнинг характери гап предикатининг формасига боғлиқ бўлади ва иккала ҳукм ҳам бир хил характерда бўлади.

Бу юкламалар иштирок этган гапларнинг синтактик ва семантик структураларини қуйидаги умумий схемада кўрсатиш мумкин:

№	Гапнинг синтактик структураси	Гапнинг семантик структураси	
		Пропозиция	Пресуппозиция
1	Яна – Э-К бўлишли	С-Р тасдиқ -S ₁ тас	С-Р тас-S ₂ тас
2	Яна – Э-К бўлишсиз	С-Р инкор -S ₁ ин	С-Р ин-S ₂ ин
3	Э-Яна – -К бўлишли	С-Р тасдиқ -S ₁ тас	С-Р тас-S ₂ тас
4	Э-Яна –К бўлишсиз	С-Р инкор -S ₁ ин	С-Р инкор-S ₂ ин
5	Э-яна-а қар.а-К б-ли сиф.а	С-Р тасдиқ-S ₁ тас.	С-Р тас.-S ₂ тас
6	Э-яна-А сиф.а.-К б-ли қар.а	С-Р инкор-S ₁ инк.	С-Р ин.-S ₂ ин
7	Э-яна-Т в-ли К б-ли в-сиз	С-Р тасдиқ-S ₁ тас	С-Р тас-S ₂ тас
8	Э-яна Т в-ли К б-сиз	С-Р инкор S ₁ ин	С-Р ин.-S ₂ ин
9	Э-яна – Х-К бўлишли	С-Р тасдиқ S ₁ тас	С-Р тас. –S ₂ тас
10	Э-яна – Х-К бўлишсиз	С-Р инкор S ₁ ин	С-Р инк.-S ₂ инк

Э – эга; С – субъект; К – кесим (бўлишли, бўлишсиз); Р – предикат (инкор, тасдиқ); А-аниқловчи, (сифат-аниқловчи, қаратқич-аниқловчи); Т-тўлдирувчи (воситали, воситасиз); Х-ҳол (ҳолнинг барча турлари); S_{1,2} – ҳукм (инкор, тасдиқ); тас-тасдиқ, ин-инкор.

Бу юкламаларнинг пресуппозицияси таҳлили шу юкламалар иштирок этган содда гапларнинг мураккаблигини кўрсатади. Ўзлари бирикиб келган бўлак билан содда гапга тенг бўлган мазмун билдиради. Бу текст лингвистикаси учун жуда катта аҳамиятга эга.

III-Боб. ПРЕСУППОЗИЦИЯ ВА АКТУАЛ БЎЛИНИШ

Актуал бўлиниш ҳодисасини В.Матезиус биринчи бўлиб лингвистик ҳодиса эканлигини ўрганди ва бу ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаштирди.¹

¹ Матезиус В. О так называемое актуальном членении предложения. В кн.: Пражский лингвистический кружок. М., 1967. С. 240-245

Ақтуал бўлиниш ҳодисасининг ўрганилиш тарихи ва бу ҳодисанинг турли хусусиятларидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, бу ҳодиса турли даврларда тилнинг турли сатҳларида ўрганилган². Ақтуал бўлиниш ҳозирги даврда ҳам дунё тилшуносларининг эътиборидаги ҳодиса ҳисобланади. В.В.Виноградов “Чех тилшуноси В.Матезиус биринчи бўлиб гапни фақат куруқ, яланғоч шаклий-логик жиҳатдан тузилишдан ҳалос этишга диққатни жалб этди. У гапнинг шаклий-грамматик тузилиши билан унинг ақтуал вазият, контекстга мувофиқ аниқ ва муҳим фикр баён этишига кўра бўлиниш асосидаги тузилишини фарқлаш кераклигини тушунтирди”, - дейди.³ В.Матезиус ақтуал бўлинишни гапнинг алоҳида тузилиши сифатида ажратди.

Ёш грамматикачилар нутқий жараёнга эътибор бергани ҳолда, нутқ тартибида руҳий эга ва руҳий кесимни ажратдилар. Руҳий эга ва руҳий кесимни ажратдилар. Руҳий эга ва руҳий кесим тушунчаси Прага лингвистик мактабида махсус атама – тема ва рема билан аталди. В.Матезиус фикрича, оддий тартибдаги гапларда биринчи фикрнинг маълум бўлган қисми, ундан кейин эса фикрнинг асоси – ядросини ифодаловчи бўлак келади. Маълум қисм – тема, фикрнинг асоси, ядроси – рема ҳисобланади. В.Матезиус тема ва ремани ақтуал тузилиш – ақтуал структуранинг дастлабки элементлари ҳисоблайди.

Ҳозирги давр тилшунослигида гапнинг ақтуал тузилишини бошқа тузилишлар билан боғлиқлик ва айримлик хусусиятлари ҳақидаги изланишлар талайгина.⁴ Лекин гапнинг ақтуал тузилиши билан пресуппозицион тузилиш ўртасидаги алоқадорлик ҳақидаги тадқиқотлар энди-энди бошланмоқда.

Пресуппозиция ва ақтуал бўлинишнинг бир-бири билан алоқаси борми ёки йўқми? – деган саволга ҳозирги кунгача турлича жавоблар мавжуд. Бу жавобларнинг деярли барчасида ўзаро алоқадорлиги эътироф этилса ҳам, лекин қайси жиҳатдан алоқадор эканлиги хусусида турлича қарашлар бор.

Р.Хервиг қарашларини ривожлантириб, Т.М.Николаева ақтуал бўлиниш ўзгариши билан пресуппозиция ҳам ўзгаради дейди. М.:

1. Он купил (*еҳе*) три книги (У яна учта китоб сотиб олди). Пресуппозиция: У бошқа нарсалар ҳам сотиб олган, лекин китоб эмас.

2. Он купил (*еҳе*) три книги (У яна учта китоб сотиб олди). Пресуппозиция: кўп китоблар сотиб олинган, лекин учта эмас. Уларнинг фикрича, пресуппозиция тема составидан англашилади. Кўринадики, интонациянинг ўзгариши ақтуал бўлинишни ўзгартираяпти ва шу ўзгариш билан ўзгариш билан боғлиқ ҳолда пресуппозиция ҳам ўзгараяпти.¹

Агар юқоридаги гапларни чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, пресуппозиция фақат тема составидан эмас, балки рема составидан ҳам англашилиши кузатилади. Берилган гапларнинг биринчисида пресуппозиция

² +аранг: Нурмонов А. Гап шаклидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988, 82-84-бетлар

³ Виноградов В.В.

⁴ +аранг: Новое и зарубежной лингвистике. Вып.8. М., 1978. Ст.5-39

¹ Николаева Т.Т. Современное состояние и перспективы. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.: 8. М., 1978. Стр.15

тема составидан англашилаяпти. Аммо иккинчи гапда эса рема составидан англашилаяпти. Чунки гапдан англашилган пресуппозицияга шу гап таркибидаги *еҳе (яна)* сўзи ишора қилаяпти. Шунинг учун *еҳе* сўзини актуал бўлишининг қайси элементи таркибида келишига қараб, пресуппозиция ўзгараяпти. Агар *еҳе (яна)* сўзи тема таркибида келса, актуал бўлишининг тема составидан, рема таркибида келса, рема составидан пресуппозиция англашилади. Бундай ҳолатнинг юзага келишини гап таркибидаги текст қисмларининг муносабатини аниқ кўрсатувчи сўз (“мелких слов”, термин Н.Хомскийники) ларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида изоҳлаш керак. Чунки бундай сўзлар фақат пресуппозиция англатиб қолмай, балки гапнинг актуал бўлишига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун пресуппозиция фақат тема составидан англашилади деб қатъийлаштириш чалкашликка олиб келади.

Н.Д.Арутюнова пресуппозиция янги хабар билан қарама-қаршидир дейди. Унингча, тема – пресуппозиция, рема – янги хабар муносабати мавжуд ҳисобланади.² Ҳақиқатан, агар пресуппозициянинг таърифидан келиб чиқилган ҳолда ёндашиладиган бўлинса, юқоридаги Н.Д.Арутюнованинг фикри тўғри бўлади. Чунки пресуппозиция сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум умумий билимлар ҳисобланади. Ҳудди шу жиҳати билан тема тушунчасига тўғри келади. М.: *Аҳмад келди* гапидан англашилган *Аҳмад* исмли кишининг мавжудлиги тўғрисидаги пресуппозиция темага мос келади. Лекин бу иккала ҳодисанинг боғлиқлигини уларга ишора қилувчи воситалар талқини орқали изоҳлайдиган бўлсак, бошқачароқ ҳолат кўзга ташланади.

Маълумки, синтагматик мустақил гапни синтакматик тобе гапга айлантириш учун хизмат қиладиган лингвистик воситалар актализаторлар ҳисобланади.¹ Актуализаторлар актуал бўлинишда тема ва ремани ажратувчи – кўрсатувчи восита ҳисобланади. Чунки актуализаторларсиз тема ва ремани ажратиб бўлмайди. Шу сабабли ҳар қандай гапда актуал бўлиниш ажратилар экан, шу актуал бўлинишни кўрсатувчи актуализаторлар ҳам мавжуд бўлади.

Актуал бўлиниш бир гапда бир неча актуализаторлар воситасида ажратилиши мумкин. Масалан, урғу олган бўлак пауза, сўз тартиби ёрдамида ажратилиши мумкин ёки юклама боғланган бўлак логик урғу билан ажратилади. Ҳудди шу жиҳатдан қаралганда, пресуппозиция билан актуал бўлиниш ҳодисаларининг узвий боғлиқлигини кўриш мумкин. Айниқса юкламалар, кўмакчилар актуализаторлик вазифасини бажарганда актуал бўлак пресуппозицияга асос бўлади. М.: *Фақат Карим келди*, Карим ҳам келди гапларида “фақат Карим”, “Карим ҳам” бўлаклари фақат, ҳам юкламалари ва логик урғу ёрдамида актуаллашмоқда. Демак, юқоридаги гапларда пресуппозиция рема составидан англашилмоқда. Чунки актуаллаштирувчи воситалардан бири, яъни юклама рема таркибида келмоқда. Шунинг учун пресуппозиция рема составидан англашилмоқда.

² Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиция в лингвистике. “Известия АН СССР”. Серия лит. и языка. I-32. Вып.: №1. 1973. Стр.86

¹ Нурмонов А. Ыша китоб. 90-бет

Кўриб ўтилган гапларда пресуппозиция ва тема муносабати бўлмай, пресуппозиция – рема муносабати юзага келмоқда.

Агар юкламалар кейинги бўлакка боғланса, ўша бўлак актуаллашади ҳамда пресуппозиция ҳам шу бўлак асосидан англашилади. Чунки юклама ва логик урғу орқали англашган бўлак пресуппозицияга ишора қилади. М.: Карим фақат тинглади, Карим тинглади ҳам гапларида “фақат тинглади”, “тинглади ҳам” бўлаклари рема, Карим тема ҳисобланади. Шунингдек, пресуппозиция ҳам рема орқали англашилмоқда. Рема таркибидаги юкламалар пресуппозицияга ишора қилапти. Пресуппозиция ва актуал бўлинишнинг боғлиқлигини ҳам ҳудди шу йўналишда ёритиш керак. Агар биз бу иккала ҳодисани юзага чиқарувчи воситалари асосида изоҳламасак, уларнинг текшириш объекти хусусида ҳам чалкашлик келиб чиқади. Актуализаторлар ўртасида ҳам турлича муносабатлар мавжуд. Уларни бир-биридан ажратган ҳолда талқин этиб бўлмайди. Бундай боғлиқликни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1. *Фақат Карим келди.*

Рема – фақат Карим, тема – келди.

Пресуппозиция: бошқалар келиши керак эди, келмади.

2. *Карим ҳам келди.*

Рема – Карим ҳам, тема – келди.

Пресуппозиция – бошқалар ҳам келди.

3. *Карим фақат тинглади.*

Рема – фақат тинглади. Тема- Карим.

Пресуппозиция: бошқа ишларни қилмади.

4. *Карим тинглади ҳам.*

Рема – тинглади ҳам. тема – Карим.

Пресуппозиция: бошқа ишларни ҳам қилди.

Демак, юкламалар актуализаторлик вазифасини бажарган содда йиғиқ гапларда пресуппозиция ҳамиша рема таркибидан англашилади. Агар юкламалар тушириб қолдириладиган бўлинса, у ҳолда мантиқий урғу актуализаторлик вазифасини бажаради. Лекин мантиқий урғу сўзловчи ва тингловчига ҳаракатни юзага келтирган шахс ҳақида маълумот зарур бўлса, мантиқий урғу “Карим” га тушади, ёки шахснинг ҳаракати ҳақидаги маълумот аҳамиятли бўлса, мантиқий урғу “келди”га тушади.

Лекин бир қанча турколог олимларнинг туркий тилларда мантиқий урғу актуал бўлакни кўрсатувчи асосий восита эмас, туркий тилларда асосий восита тартибни ўзгартиришдир, - деган қарашлари мавжуд. Жумладан, А.К.Боровков ўзбек тилида сўзни талаффуз билан, яъни мантиқий урғу билан ажратиб бўлмайди, мантиқий урғу синтактик воситалар, тартибни ўзгартириши орқали ифодаланади,¹ дейди.

¹ Боровков А.К. “О некоторых очередных вопросах орфографии узб лит языка”. Зыписки института востоковедения. АН СССР, вып.6. 1977. С.70-71

А.К.Дмитров бошқирд тилида бошқа туркий тиллардагидек, гапда бирор сўзни мантикий жиҳатдан ажратиш учун унинг ўрнини алмаштириш кераклигини айтади.¹

А.Н.Кононовнинг фикрича, ўзбек тилида ҳар бир гап бўлаги мантикий урғу билан ажратилиши мумкин, лекин бу ўзбек тили учун асосий ва етакчи восита эмас.²

А./уломов ўзбек тилида мантикий урғу масаласи сўз тартиби масаласи билан жуда яқин туради ва мантикий жиҳатдан ажратиш учун тартибни ўзгартириш керак деб ҳисоблайди. Унинг фикрича ҳам мантикий урғу ўзбек тили учун асосий восита эмас.³

А.Нурмонов мантикий урғу билан актуал бўлакни ажратиш мумкин деб тушунтиради. Унингча, туркий тиллар учун сўз тартиби гапнинг синтактик тузилиши сатҳида маъно ифодаловчи восита вазифасини бажармайди, яъни грамматик категорияларни фарқлаш учун хизмат қилмайди. Лекин актуал бўлиниш сатҳида у фарқловчи восита ҳисобланади.⁴ А.Нурмонов бирор фразадан бирорта бўлакни аҳамиятлилиги жиҳатдан кўрсатиладиган бўлинса, сўзловчи мантикий урғу билан ажратиши ва бундай усул билан барча гап бўлақларининг тартибини ўзгартирмай актуал бўлакка айлантириши мумкин деб ҳисоблайди.⁵

Бизнингча ҳам ўзбек тилида логик урғу гапнинг актуализаторлик вазифасини бажара олади. Лекин мантикий урғу сўзовчи ва тингловчининг коммуникатив мақсади асосида қўйилади. Шу жиҳатдан пресуппозиция ҳам мантикий урғунинг қўйилишига қараб ўзгаради. М.: *Аҳмад келди* гапида мантикий урғу Аҳмадга тушса, шу бўлак рема бўлади ва пресуппозиция ҳам шу бўлак асосида англашилади. Аҳмад – рема, пресуппозиция “бошқаси эмас”. Агар мантикий урғу “келдига” тушса, шу бўлак рема бўлади ва пресуппозиция ҳам шу бўлак асосида англашилади. Келди – рема, пресуппозиция – “келмайди деб ўйланганлиги”. Бундай ҳолат фақат содда йиғиқ гаплардагина эмас, балки содда ёйиқ гапларда ҳам сақланиши мумкин. Аммо содда ёйиқ гапларда бирдан ортиқ пресуппозиция англашилиши мумкин.

Поляк олими И.Баллертнинг фикрича, содда ёйиқ гапларда бирдан ортиқ квазимпликация англашилиши мумкин. М.: *Аннанинг катта ўғли Варшавадан Сорбоннга ўқишга кетди (Самўй старший сўн Аннў уехал из Варшавў в Сорбонну учиться)* гапидан қуйидагича квазимпликациялар англашилиши мумкин.

1. Аннанинг ўғли бор.
2. Аннанинг фарзандлари иккитадан ортиқ.
3. Аннанинг катта ўғли шу вақтгача Варшавада бўлган.
4. Аннанинг катта ўғли Франция томонга кетган.

¹ Дмитров А.К. Грамматика башкирского языка. М.-Л., 1948. С.210

² Кононов А.Н. Грамматика сов.узб.лит.языка. М.-Л. 1960

³ /уломов А./ Ўзбек тилида урғу. Тошкент, 1947. 14-бет

⁴ Нурмонов А. Гап ша=идаги синтактик назариялар. Т., 1988. 93-бет

⁵ Нурмонов А. Ёша китоб. 95-96-бетлар.

5. Аннанинг катта ўғли – студент.
6. Аннанинг катта ўғли ўрта мактабни тугатган. . . .

Бу гапдан детуктив ва индуктив жиҳатдан олти хукм чиқарилган. Детуктив хукмлар тилнинг ифода бирликлари орқали чиқарилган бўлса, индуктив хукмлар олам ҳақидаги умумий билимлар асосида чиқарилган. Дедуктив хукмлар 1-, 2-, 3-гаплар орқали индуктив хукмлар 4-, 5-, 6-гаплар орқали ифодаланган.¹

И.Баллерт квазимпликация деб номлаган тушунча пресуппозициянинг ўзгинаси ҳисобланади.

Биз кўриб ўтган пресуппозициялар умумий билимлар асосида чиқарилган. Агар биз юқорида кўриб ўтилган гапни актуал бўлиниш нуқтаи назаридан изоҳласак, нутқ сўзланган пайтда сўзловчи ва тингловчи учун аҳамиятли бўлак логик жиҳатдан ажратилади ва пресуппозиция ҳам ўзгаради. Ёки кўриб ўтилган пресуппозициялардан сўзловчи ва тингловчи учун зарури ажратиб олинади. М.: Аннанинг катта ўғли Варшавадан Сорбоннга ўқишга кетди. Бундай ҳолатда сўзловчи ва тингловчи учун “Аннанинг бошқа ўғиллари эмас, катта ўғли” пресуппозицияси аҳамиятли ҳисобланади. Чунки шу пресуппозиция англатаётган гапнинг рема қисми ажратилиб, талаффуз этилаяпти. Шу жиҳатдан бошқа пресуппозициялар сўзловчи ва тингловчи учун аҳамиятлилигини йўқотаяпти.

Демак, юкламалар иштирок этмаган содда ёйиқ гапларда пресуппозиция актуал бўлак таркибидан англашилади. +олган пресуппозициялар эса пастки даражада қолади. Чунки пресуппозиция сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги шартнома асосида юзага келади. Шу жиҳатдан актуал бўлиниши билан мослашади. Агар гап таркибида турли юкламалар иштирок этадиган бўлса ҳам ўзи боғланган бўлакни мантикий урғу олдиради ва актуаллаштиради. Пресуппозиция ҳам шу бўлак асосидан англашилади. Ҳамиша юклама ишора қилган пресуппозиция биринчи даражада туради. Шунинг учун маълум ишора воситаси орқали рўёбга чиқадиган пресуппозиция, яъни мантикий урғу ва юкламалар орқали англашиладиган пресуппозиция ҳамиша рема таркибидан тушунилади. Чунки уларни юзага келтирувчи воситалар бир-бирига мос келиб қолади.

Агар биз фақат юкламасини “Мен Тошкентда библиотекага дўстим билан бордим” гапининг ҳар бир бўлагига боғлайдиган бўлсак, юқоридаги фикрлар яна ҳам ойдинлашади.

1. Фақат мен Тошкентда библиотекага дўстим билан бордим.
2. Мен фақат Тошкентда библиотекага дўстим билан бордим.
3. Мен Тошкентда фақат библиотекага дўстим билан бордим.
4. Мен Тошкентда библиотекага фақат дўстим билан бордим.
5. Мен Тошкентда библиотекага дўстим билан фақат бордим.

¹ Баллерт И. Об одном условии связности текста. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. М., 1978, стр.175-177.

Бу гапларда “фақат” юкламаси гапнинг қайси бўлагига боғланса, ўша бўлакни мантиқий урғу олдириб актуаллаштираяпти ва шу бўлак асосида пресуппозицияга ишора қилаяпти:

1. Фақат мен – рема; пресуппозиция – бошқалар билиши керак эди бормади.

2. Фақат Тошкентда библиотекага дўстим билан бордим – рема; пресуппозиция – бошқа жойларда ўзим бордим.

3. Фақат библиотекага дўстим билан бордим – рема; пресуппозиция – бошқа ерларга ўзим бордим.

4. Фақат дўстим билан бордим – рема; пресуппозиция – Тошкентда бошқа жойларга дўстим бормади.

5. Фақат бордим – рема; пресуппозиция – келишда ўзим келдим.

Актуал тузилиш		Актуал бўлинишнинг қайси асосида пресуппозиция англашилаяпти	
Тема	Рема		
Синтактик тузилиш		Тема	рема
1. X-X-T-K	Ю-Э	-	+
2. Э -	Ю-X-X-T-K	-	+
3. Э-X-	-Ю-X-T-K	-	+
4. Э-X-X-	-Ю-T-K	-	+
5. Э-X-X-T-	-Ю-K	-	+

Э-эга; X-ҳол, T – тўлдирувчи; Ю – юклама; K- кесим.

Кўриб ўтилган гапларнинг барчасида мантиқий урғу ва юклама актуализаторлик вазифасини бажараяпти. Шунинг учун юклама ишора қилган пресуппозиция ҳам рема составидан англашилмоқда.

Демак, юкламалар иштирок этган содда гапларда ҳамиша актуал бўлак билан пресуппозиция мос келиб қолар экан. Шунинг учун Н.Д.Арутюнова айтганидек, пресуппозиция – тема муносабати эмас, балки пресуппозиция – рема муносабати мавжуд бўлар экан.

Ўзбек тилида шундай гаплар ҳам борки, уларда актуаллаштирувчи лексик-грамматик воситалар – юкламалар иштирок этмайди. Бундай гапларда актуал бўлакларга ажратилишни сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив нияти асосида қўйиладиган мантиқий урғу юзага келтиради. М.: Ўша куни Салимадан бошқа ҳамма қувноқ ўтирди (“Шарқ юлдузи”). Бу гапда актуал бўлинишни турли кўринишларда изоҳлаш мумкин. Чунки бу гапнинг барча бўлакларини мантиқий урғу орқали актуаллаштириш мумкин ва савол ҳам сўзловчи ва тингловчининг нияти асосида мантиқий урғу олган бўлакка нисбатан берилади. Агар сўзловчи ва тингловчи учун ҳаракат ёки ҳолат аҳамиятли бўлса, ўша куни Салимадан бошқалар нима +илди? деб, агар ҳаракат ва ҳолатнинг юзага келиш вақти аҳамиятли бўлса, қачон Салимадан бошқа ҳамма қувноқ ўтирди? деб савол берилади. Актуал бўлак саволга жавоб бўлган бўлак ҳисобланади. Бундай гапларда пресуппозиция рема составидан ҳам ва рема составидан ҳам англашилиш мумкин. Бу пресуппозицияга ишора қилувчи воситанинг қайси қисм таркибида

келишига боғлиқ. Бу гапда пресуппозицияга ишора қилувчи восита –дан бошқа тузилмаси ҳисобланади. Шунинг учун бу конструкция орқали англашилган пресуппозиция тема таркибида ҳам, рема таркибида ҳам келиши мумкин. Пресуппозициянинг бундай эркин ҳолатда англаниши сўзловчи ва тингловчининг нияти асосида қўйиладиган мантиқий урғуга боғлиқ. Агар кўмакчили тузилма билан келган бўлак мантиқий урғу орқали ажратишиб, актуаллашса, шу бўлак асосидан англашилган пресуппозиция рема таркибига тўғри келиб қолади. Ёки мантиқий урғу олмаса, тема таркибида келади. Шунинг учун кўриб ўтилган гапга ўхшаган гапларда пресуппозиция – тема, пресуппозиция – рема муносабатлари мавжуд бўлиши мумкин. Бундай кўриниш ремага ишора қилувчи восита билан пресуппозицияга ишора қилувчи воситанинг ҳар хиллигидан юзага келган. Лекин бундай ҳолат актуал бўлинишнинг ҳам, пресуппозициянинг ҳам юзага чиқишига таъсир этмайди. Шу сабабли уларнинг алоҳида-алоҳида ҳодиса дейишимизга имкон туғилди. М.: Ўша куни Салимадан бошқа ҳамма қувноқ ўтирди тарзида, актуал бўлак рема – ўша куни, тема – Салимадан бошқа ҳамма қувноқ ўтирди бўлса, “Салима қувноқ ўтирмади” пресуппозицияси – дан бошқа кўмакчили курилма орқали тема таркибидан англашилапти. Агар ўша куни Салимадан бошқа ҳамма қувноқ ўтирди тарзида, актуал бўлак рема – Салимадан бошқа ҳамма қувноқ ўтирди, тема – ўша куни бўлса, у ҳолда пресуппозиция рема таркибидан англашилади.

Демак, пресуппозиция ва актуал бўлиниш алоҳида-алоҳида ҳодиса ҳисобланади. Агар пресуппозицияга ишора қилувчи восита актуализаторлик вазифасини ҳам ўтайдиган бўлса, шу восита орқали юзага келган пресуппозиция рема таркибидан англашилади. Пресуппозицияга ишора қилувчи восита актуализаторлик вазифасини бажармайдиган бўлса, пресуппозициянинг англаниш таркиби сўзловчи ва тингловчининг коммуникатив нияти асосида қўйиладиган мантиқий урғуга боғлиқ ҳолда тема таркибида ҳам, рема таркибида ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар иккала ҳодисанинг юзага чиқишига таъсир этмайди.

Ўзбек тилида бир неча юкламалар қатор келувчи гаплар ҳам борки, бундай гапларда пресуппозиция ва актуал бўлинишнинг боғлиқлиги бошқачароқ юзага чиқади. Бир неча юкламалар қатор келувчи гапларда юкламалар бир сўзни ажратиш учун ишлатиладиган бўлинса, ўша бўлак актуаллашади ва шу бўлак асосида пресуппозиция англашилади. М.: *Фақат Гўри Амирга қараган майдонга чиққанларидагина йўллари фону ушлаган посбонлар тўсишди*. Бу гапда фақат ва –гина юкламалари қатнашапти. Иккала юклама синоним бўлганлиги учун ва бир бўлакни ажратишга ишлаётганлиги учун битта пресуппозицияга ишора қилапти. Тема – йўллари фону ушлаган посбонлар тўсишди. Рема – фақат Гўри Амирга қараган майдонга чиққанларидагина. Пресуппозиция Гўри Амирга қараган майдонга келгунларигача ҳеч ким йўлини тўсмаган. Агар иккала юклама ҳам алоҳида-алоҳида пресуппозицияларга ишора қилади. Актуал бўлинишда иккала юклама ажратиб келган сўзлар рема бўлиб келади. Бу гапда иккала юклама иккита бўлакни ажратапти. Пресуппозиция ҳам алоҳида-алоҳида

англашилаяпти. Актуал бўлиниш иккала юклама ва мантиқий урғу воситасида англашилаяпти.

Тема – касалхонанинг, рема – фақат деразаларидан гулларгина кўринади. Пресуппозиция – бошқа жойлардан эмас; аслида бошқа нарсалар ҳам кўриниши керак эди.

Демак, бир гапда бир неча юкламалар қатор келганда, агар юкламалар битта бўлакни ажратиш учун қўлланилса, пресуппозиция ҳам шу бўлак асосида англашилар экан. Агар иккала юклама ҳам алоҳида-алоҳида англашилаяпти. Актуал бўлиниш иккала юклама ва мантиқий урғу воситасида англашилаяпти.

Тема – касалхонанинг, рема – фақат деразаларидан гулларгина кўринади. Пресуппозиция – бошқа жойлардан эмас; аслида бошқа нарсалар ҳам кўриниши керак эди.

Демак, бир гапда бир неча юкламалар қатор келганда, агар юкламалар битта бўлакни ажратиш учун қўлланилса, пресуппозиция ҳам шу бўлак асосида англашилар экан. Агар иккала юклама ҳам алоҳида-алоҳида сўзларга боғланса, пресуппозиция ҳам алоҳида-алоҳида англашилар экан. Актуал бўлиниш эса, мантиқий урғу ва гап ичидаги юкламалар таъсирида юзага келар экан.

Хуллас, пресуппозиция ва актуал бўлиниш ҳодисалари бир-бири билан узвий алоқада. Айниқса, юкламалар актуаллаштирувчи восита бўлганда бундай боғлиқлик яққол сезилади. Чунки юкламалар иштирок этган гапларда пресуппозицияга ишора қилувчи восита актуал бўлинишга иккиламчи ишора воситаси бўлади. Лекин бу иккала ҳодиса битта дегани эмас, улар алоҳида-алоҳида текшириш объектига, ишора воситаларига эга.

Содда йиғиқ гапларда ҳар доим пресуппозиция – рема муносабати мавжуд бўлади. Содда ёйиқ гапларда эса пресуппозиция – рема, пресуппозиция – тема мавжуд бўлади.

Содда йиғиқ ва содда ёйиқ гапларда актуал бўлинишнинг актуаллаштирувчи восита турли юкламалар бўлганда, пресуппозиция – рема муносабат мавжуд бўлади.

Пресуппозиция ишора қилувчи воситалардан кўмакчилар ҳам актуал бўлинишга таъсир этади. Агар кўмакчи ва кўмакчи конструкциялар боғланиб келган сўз мантиқий урғу олмаса, кесимга ёпишган ҳолда келмаса, актуал тузилишда тема таркибида иккиламчи бўлинишни юзага келтиради. Иккиламчи бўлинишга кўмакчи ва у боғланиб келган сўз ишора қилган пресуппозиция тема бўлади. Рема эса гап таркибидаги кўмакчи ва у боғланган синтактик қурилма ҳисобланади. Рема аниқ ифодаланса, тема яширин англашилади.

Пресуппозиция ва актуал бўлиниш ҳодисалари сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мазмуний муносабат асосида белгиланганлиги учун ҳам узвий алоқада. Улар алоҳида-алоҳида талқин этилса, иккала тузилишнинг ҳам турли қирралари очилмай қолади. Шунинг учун уларнинг диалектик бирлиги, алоқадорлиги асосидаги талқини пресуппозиция учун ҳам, актуал бўлиниш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Пресуппозиция прагматиканинг асосий узвларидан биридир. Пресуппозиция импликациянинг хусусий муносабатидан келиб чиқадиган ва текст ичидаги гапларнинг умумий боғланишини таъминловчи ҳодиса ҳисобланади. Пресуппозиция «инсон - олам» умумий системани юзага келтирувчи ва бу системада тилнинг фалсафий, психологик, социологик томонларини бирлаштирувчи универсал ҳодисадир.

Пресуппозиция ҳукмнинг табиий асоси сифатида сўзловчи ва тингловчининг умумий билиш фонди ҳамда уларнинг ўзаро шартномаси асосида юзага келувчи мураккаб ҳодиса ҳисобланади. Пресуппозиция – гап таркибидаги махсус ишора воситалари орқали юзага чиқад ива текст курилишида диалектик боғланишни ҳосил қилади.

Пресуппозицияга кўра ҳар қандай гап мазмуний жиҳатдан мураккаблашади ва ҳар доим (агар содда гап бўлса) бирдан ортик пропозиция мавжуд бўлади. Пропозицияларининг бири гапнинг мавжуд бўлаклари (гап констuentлари) орқали очик (эксплицит) ифодаланса, қолганлари пресуппозиция орқали яширин (имплицит) англашилади. Шунинг учун пресуппозицияга кўра тил таракқиётининг етакчи тенденцияларидан бири бўлган тил экономияси тенденцияси юзага чиқиб, текстр шакл жиҳатдан қисқариб боради.

Пресуппозиция юзага келтирувчи асосларига қараб дастлаб логик ва лингвистик пресуппозицияларга бўлинади. Логик пресуппозиция мантииқий тушунчалар ва дедуктив ҳамда индуктив жиҳатдан чиқарилган ҳукмлар асосида белгиланади. Лингвистик пресуппозиция гап ичидаги лингвистик ишора воситалар асосида белгиланади.

Лингвикти пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар хилма-хил ва ранг-барангдир. Улар, бизнингча, қуйидагилар:

Морфологик воситалар

I. Сўз туркумлари.

1. От сўз туркуми ва ундаги категориялар:

а) келишик категорияси;

б) ўхшатиш категорияси;

в) отнинг модал формалари;

г) атоқли отлар;

2. Сифат сўз туркуми.

3. Олмош сўз туркуми.

4. Равиш сўз туркуми.

5. Феъл сўз туркуми ва ундаги категориялар.

6. Кўмакчилар.

II. Синтактик воситалар

1. Сўроқ гапнинг барча турлари
2. Ўхшатишли қурилмалар иштирок этган гаплар.
3. Сўз тартиби
4. Тўлиқсиз гаплар
5. Маънавий гаплар.
6. Экзистенционал гаплар.

III. Поросодик воситалар

IV. Экстралингвистик воситалар.

1. Ҳаётда мавжуд бўлган турли хил ситуациялар.
2. Паралингвистик воситалар.
3. Социологик воситалар.

Пресуппозициянинг юзага келишида лингвистик воситалар алоҳида аҳамият касб этади ва ҳамisha бирламчи восита сифатида иштирок этади. Пресуппозиция англишда экстралингвистик воситалар ҳам қатнашади, лекин улар нутқ жараёнида лингвистик воситаларни кузатиб борувчи факторлардир.

Сўзларнинг антонимик, синонимик ва омонимик хусусиятлари асосида ҳам лингвистик пресуппозиция юзага чиқади.

Ўхшатишли қурилмалар иштирок этган гапларда пресуппозиция хусусий кўринишда юзага чиқад ива ўхшатиш эталони пресуппозиция сифатида шаклий ифодаланмаса ҳам яширин тарзда тушунилаверади.

Сўроқ гапларда пресуппозиция турли воситалар асосида майдонга келади. Жавоб талаб қилинмайдиган сўроқ гапларда пресуппозиция шу гапнинг жавоби бўлади. Бундай ҳолат ҳар бир тилда мавжуд бўлиши мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, риторик сўроқ гаплар умумий ва хусусий тарзда ҳар бир халқда ўзига хос пресуппозициялар англиши мумкин. Бундай ўзига хослик ўша халқнинг турли урф-одатларига, иқлимига, социал шароитларига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Шунинг учун ҳар бир халқда риторик сўроқ ҳисобланган гап иккинчи халқда риторик сўроқ гап бўлмаслиги мумкин.

Тилдаги тўлиқсиз гаплар, атов гаплар, ситуатив гаплар, сўз гапларнинг тўлиқ шаклланмаса ҳам тушунарли бўлиши текстнинг диалектик боғланишини таъминловчи пресуппозицияга кўради.

Халқ мақолалари, маталлар ва ибораларини ҳам мазмуний грамматик хусусиятларини аниқлаштиришда ҳамда уларнинг тўлиқ бадий қийматини белгилашда, қолаверса, уларни тўғри тушунишда пресуппозиция ҳодисаси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки халқ мақоллари, маталлари ва ибораларининг асосий мазмуний негизи пресуппозиция сифатида кишиларнинг умумий билиш хазинасида туради ва шу асосда «коса тагидаги ним косани» тушуниш имконияти туғилади.

Аския жанридаги пайровларни тушуниб, ундан лаззатланиб кулиш ҳам пресуппозиция ҳодисаси туфайлидир. Чунки аския пайровларидаги сўз

ўйинларини тушунишда сўзларнинг маъно қирралари асосидан чиқариладиган ҳукм пресуппозицияга кўра англашилади.

Пресуппозиция ходисасининг ўрганилиши ҳозирги давр таржимачилигидаги ютуқларнинг гаровидир. Чунки ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, мақоллари, маталлари, иборалари, географик жойлашишдан айримлиги, социал шароитларнинг ноўхшашлиги бор. Ана шундай ноўхшашликлар асосида тушуниладиган пресуппозициялари мавжуд. Шу пресуппозициялар тўғри аниқланиб, таржимада ҳам ўша халқдаги сингари етказилмаса, хатолик келиб чиқади ёки аслидаги мазмунга путур етади.

Олмошлар, атоқли отлар, юклама ва кўмакчиларнинг прагматик маънолари асосида пресуппозиция белгиланади. Шунинг учун уларнинг пресуппозиция англатиб келиши нутқийдир.

Юкламаларнинг маънолари прагматикага кўра англашилади ва уларнинг прагматик маънолари асосида турли нутқий жараёнларда хилма-хил пресуппозициялар юзага келади ҳамда улар лингвистик пресуппозицияни реаллаштиради.

Ўзбек тилидаги *ҳатто, ҳаттоки, ниҳоят, наҳотки, фақат, ёлғиз, холос, -гина, ҳудди, нақ, яна, тагин, эмас, тугул, нафақат, якка, биргина, ҳали, энди, эса* каби юкламалар пресуппозиция англатиш воситаси бўлиб келади.

Фақат, ёлғиз, -гина, якка каби юкламалар бир-бирига яқин бўлган маънодаги пресуппозиция англатиб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Улар қатнашган гапларда ҳамиша икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири очиқ англашилса, иккинчиси пресуппозиция орқали яширин тушунилади. Пресуппозиция шу юкламанинг прагматик маъноси ва у боғланган сўз асосида белгиланади. Бу юкламалар иштирок этган гапларнинг синтактик, семантик, прагматик хусусиятларини қуйидаги схемада умумий тарзда кўрсатиш мумкин.

№	Синтактик тузилиш	Мазмуний тузилиш	
		Очиқ пропозиция	Яширинг пропозиция – пресуппозиция
1	Ю+Э+К бўлишли	С+Р тасдиқ- S_1 тас.	С+Р инкор қ- S_2 инк
2	Ю+Э+К бўлишсиз	С+Р инкор қ S_1 инк	С+Р тас қ S_2 тас
3	Э+Ю+Т в-ли в-сиз кўмакчили қ-ма +К бўлишли	С+О+Р тас. қ S_1 тас.	С+Р инк қ S_2 инк.
4	Э+Ю+Т в-ли в-сиз кўмақ.қурилма + К бўлишли	С+О+Р инк.қ S_1 инк	С+Р тас қ S_2 тас
5	Э+Ю+А қаратқ.аниқ. сифатл.ан. +К бўлишли	С+Р тас. қ S_1 тас	С+Р инк. қ S_2 инк
6	Э+Ю+А қарат.ан. + К б-сиз	С+Р инк. қ S_1 инк	С+Р тас. қ S_2 тас
7	Э+Ю+Х+К бўлишли	С+Р тас қ S_1 тас	С+Р инк. қ S_2 инк
8	Э+Ю+Х+К бўлишсиз	С+Р инк қ S_1 инк	С+Р тас қ S_2 тас
9	Э+Ю+К бўлишли	С+Р тас. қ S_1 тас	С+Р инк. қ S_2 инк
10	Э+Ю+К бўлишсиз	С+Р инк. қ S_1 инк	С+Р тас. қ S_2 тас

Ҳам юкламаси ҳам пресуппозиция англатиб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Бу юклама қатнашган гапларда ҳам ҳамиша икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири очик ифодаланса, иккинчиси шу юклама англатган пресуппозиция орқали яширин тушунилади. Бу юклама қатнашган гапларни ҳам схематик тарзда қуйидагича умумлаштирдик:

№	Синтактик тузилиш	Мазмуний тузилиш	
		Очик пропозиция	Яширинг пропозиция – пресуппозиция
1	Э+ ҳам + К булишли	С+Р тас. қ S ₁ тас	С+Р тас. қ S ₂ тас
2	Э+ ҳам + К б-сиз	С+Р инк. қ S ₁ инк	С+Р инк. қ S ₂ инк
3	Э+Т+ ҳам К б-ли	С+О+Р тасқ S ₁ тас	С+О+Р тасқ S ₂ тас
4	Э+Т+ ҳам +К б-сиз	С+О+Р инкқ S ₁ инк	С+О+Р инкқ S ₂ инк
5	Э+АЭҳам+К б-ли	С+Р тасқ S ₁ тас	С+Р тас қ S ₂ тас
6	Э+А+ҳам + К б-сиз	С+Р инк. қ S ₁ инк	С+Р инк қ S ₂ инк
7	Э+Х+ҳам + К б-ли	С+Р тас қ S ₁ тас	С+Р тас қ S ₂ тас
8	Э+Х+ҳам+К б-сиз	С+Р инкқ S ₁ инк	С+Р инк қ S ₂ инк
9	Э+К б-сиз+ҳам	С+Р инкқ S ₁ инк	С+Р инкқ S ₂ инк
10	Э+К б-ли +ҳам	С+Р тас қ S ₁ тас	С+Р тас қ S ₂ тас

Эмас юкламаси ҳам пресуппозиция англатиб, гапнинг мазмуний тузилишини мураккаблаштиради. Бу юклама иштирок этган гапларда ҳам икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири очик англашилса, иккинчиси *эмас* юкламасининг пресуппозицияси орқали яширин тушунилади. *Эмас* юкламаси иштирок этган гапларнинг умумий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда 50 хил гап моделини белгилаб, шу гап моделларида қандай пресуппозициялар англатиб келиши изоҳланди. Бу изоҳларнинг барчасини қуйидаги схемада умумлаштирдик.

№	Синтактик тузилиш	Мазмуний тузилиш	
		Очик пропозиция	Яширинг пропозиция – пресуппозиция
А эмас A ₁			
1	Э + эмас + к булишли	С+Р тас. қ S ₂ тас	С+Р инк. қ S ₂ инк
2	Э+эмас+К б-сиз	С+Р инкқ S ₂ инк	С+Р тасқ S ₂ тас
3	Э+Т + эмас+К б-ли	С+Р тас қ S ₁ тас	С+Р инкқ S ₂ инк
4	Э+Т+эмас+ К б-сиз	С+Р инкқ S ₁ инк	С+Р тасқ S ₂ тас
5	Э+А+ эмас+К б-ли	С+Р тасқ S ₁ тас	С+Р инкқ S ₂ инк
6	Э+А+эмас+ К б-сиз	С+Р инк-S ₁ инк	С+Р тасқ S ₂ тас
7	Э+Х+эмас+К б-ли	С+Р тасқ S ₁ тас	С+Р инкқ S ₁ инк
8	Э+Х+эмас+К б-сиз	С+Р инк қ S ₁ инк	С+Р тасқ S ₂ тас
9	Э+К б-ли + эмас	С+Р тасқ S ₁ тас	С+Р инкқ S ₂ инк
10	Э+К б-сиз+эмас	С+Р инк қ S ₁ инк	С+Р тасқ S ₁ тас

Барча гап моделларида ҳам юқоридагича ҳолат сақланганлиги учун схемада кўрсатмадик. Агар схематик тарзда кўрсатиладиган бўлинса, 50 хил гап модели 500 хил схемада ифодаланади. Шунинг учун умумий тарзда кўрсатдик.

Яна юкламаси ҳам пресуппозиция англатиб келади. Бу юклама иштирок этган гапларнинг ҳам мазмуний тузилиши мураккаб бўлади. Бундай гапларда ҳам ҳамиша икки ҳукм мавжуд бўлади. Ҳукмларнинг бири очик англашилса, иккинчиси *яна* юкламасининг пресуппозицияси орқали яширин тушунилади. Бу юклама иштирок этган гапларнинг синтактик, семантик, прагматик хусусиятларини қуйидаги схемада умумлаштирдик:

№	Синтактик тузилиш	Мазмуний тузилиш	
		Очик пропозиция	Яширинг пропозиция – пресуппозиция
1	Яна+Э+К булишли	О+Р тасқ S_1 тас	С+Р тасқ S_2 тас
2	Яна+Э+К б-сиз	С+Р инк қ S_1 инк	С+Р инк қ S_2 инк
3	Э+Яна+Т+К б-ли	С+Р тас қ S_1 тас	С+Р тас қ S_2 тас
4	Э+Яна+Т+К б-сиз	С+Р инк қ S_1 инк	С+Р инкқ S_2 инк
5	Э+Яна+А+К б-ли	С+Р тасқ S_1 тас	С+Р тас қ S_2 тас
6	Э+Яна+А+К б-сиз	С+Р инк қ S_1 инк	С+Р инк қ S_2 инк
7	Э+Яна+Х+К б-ли	С+Р тас қ S_1 тас	С+Р тас қ S_2 тас
8	Э+Яна+Х+К б-сиз	С+Р инк қ S_1 инк	С+Р инк қ S_2 инк
9	Э+Яна+К б-ли	С+Р тасқ S_1 тас	С+Р тасқ S_2 тас
10	Э+Яна+К б-сиз	С+Р инк қ S_1 инк	С+Р инк қ S_2 инк

Барча пресуппозиция англатувчи юкламалар қатнашган гапларнинг мазмуний тузилиши мураккаб бўлади ва ҳамиша икки ҳукм англашилади.

Юкламаларнинг пресуппозицион таҳлили ҳозирги давр тилшунослигида тил бирликларининг тил эгаларига бўлган муносабатини кўрсатиш билан аҳамиятлидир.

Пресуппозиция гапнинг актуал бўлиниш ҳодисаси билан диалектик алоқада бўлган ҳодисадир.

Пресуппозиция ва актуал бўлинишнинг боғлиқлиги қуйидагилар асосида юзага чиқади:

а) юкламалар актуаллаштирувчи восита бўлганлиги учун улар қатнашган содда йиғиқ гапларда пресуппозиция ҳамиша рема таркибидан англашилади. Чунки юкламалар бир вақтнинг ўзида ҳам актуал бўлинишни, ҳам пресуппозицияни юзага чиқаради;

б) юкламалар иштирок этмаса, пресуппозиция тингловчи ва сўзловчининг коммуникатив мақсади асосида қўйиладиган логик урғу билан боғлиқ ҳолда рема таркибидан англашилади;

в) агар юкламалар иштирок этмаган гапларда юкламалардан ташқарии пресуппозиция англатувчи воситалар иштирок этадиган бўлса, иккиламчи актуал бўлиниш юзага келади. Бундай актуал бўлинишда пресуппозиция иккиламчи бўлинишнинг яширин темаси бўлиб келади;

г) актуал бўлиниш ва пресуппозиция бир-бири билан узвий алоқада бўлган гапнинг мазмуний узвларидан ҳисобланади.

Пресуппозиция ва актуал бўлиниш ҳодисалари бир-бири билан боғлиқ бўлса ҳам алоҳида-алоҳида текшириш объектига эга ва ўзига хос ишора воситалари билан фарқланади.

Жадваллардаги ҳарфлар англатган тушунчалар қуйидагича:

Э – эга; К – кесим; А қарат.аниқ. - қаратқич аниқловчи; А сиф.ан. – сифатловчи аниқловчи; Т в-ли в-сиз кўмакчили қурилма – тўлдирувчи; Х – ҳол; О – объект; С – субъект; S₁ – очик ҳукм; S₂ – яширин ҳукм.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адмони В.Г. Введение в синтаксис современного немецкого языка. М., 1955
2. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. Оценка. Событие. Факт. Москва, 1988
3. Арутюнова Н.Д. Проблемы синтаксиса и семантика в работах Ч.Филлмора. «Вопросы языкознания». Москва, 1973, №1 стр.123
4. Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике. «Известия АН СССР», Серия литературы и языка. Москва. 1973. том-32. №1. стр.85

5. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смѳсл. Москва. 1976
6. Арутюнова Н.Д. О номанитивной и коммуникативной моделях предложения. «Известия АН СССР». Серия литературѳ и язѳка. Москва. 1972. Том-31. №1. стр. 41
7. Аскаков К.С. Конспект последних двух отделов первой части русской грамматики. Москва. 1980
8. Аскаков К.С. Опѳт русской грамматики. Полн.сборн.соч. Москва. 1980
9. Ашнин Ф.Д. Указательнѳе частицѳ в тюркских язѳках. «Известия АН СССР». Серия лит.и язѳка. Москва. 1958. Том-17. №5. стр.417
- 10.Ахмедов А. Ёзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. Тошкент. 1979
- 11.Базиѳев А.Т., Исаѳев М. Язѳк и нация. Москва, 1973
- 12.Баллѳерт И. Об одном условии связности текста. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вѳп.№8. Москва. 1978. стр.175
- 13.Баскаков Н.А., Содиков А.С. Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент, 1979.
- 14.Бенвенист Ё. Обхая лингвистика. Москва. 1974
- 15.Бѳрезин Ф.М. История лингвистических учений. Москва. 1975
- 16.Бѳрезин Ф.М. Русское язѳкознание конце XIX-начала XX веков. Москва, 1976
- 17.Богданов В.В.Семантиков синтактическая организация предложения. Автореферат докторского диссертация. Ленинград, 1977
- 18.Базаров О. Ёзбек тилининг юклама категорияси. «Ёзбек тили ва адабиѳти». 1977, 2-сон, 27-бет
- 19.Боровков А.К. «О некоторѳх очереднѳх вопросах орфографии узбекского литературного язѳка». Записки института востоковедения. АН СССР. Вѳп.: №6. 1947. стр-70
- 20.Будагов Р.Ё К теории синтаксических отношений. «Вопросѳ язѳкознания». Москва, 1973. №1 стр.15
- 21.Будагов Р.А. Человек и его язѳк. Москва, 1974
- 22.Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. Москва. 1978
- 23.Виноградов В.В. Русский язѳк. Москва, 1986
- 24.Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского язѳка. Москва, 1981
- 25.Грамматика современного русского литературного язѳка. АН СССР. Москва, 1970
- 26.Гулѳга А.В. Немецкая классическая философия. Москва, 1986.
- 27.Гумбольдт Вишьгелм фон. Избраннѳе трудѳ по язѳкознанию. Москва, 1984.
- 28.Дмитрев А.К. Грамматика башкирского язѳка. М.-Л., 1948.
- 29.Долинина И.Б. Системнѳй анализ предложения. Москва, 1977.
- 30.Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. Москва, 1974.
- 31.Звегенцев Л.Н. Предложение и его отношение к язѳку и речи. Москва, 1976.
- 32.Звегенцев В.А. Язѳк и лингвистическая теория. Москва, 1973

- 33.Золотова П.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. Москва, 1973
- 34.Зубкова Л.Г. Лингвистические учения конца XVIII – начала XX в. Москва, 1989
- 35.Касевич В.Б. Семантик, синтаксис, морфология. Москва. 1988.
- 36.Кацнильсон С.Д. К гинезису номинативного предложения. Москва, 1936.
- 37.Кацнильсон С.Д. Типология языка и речевого мышления. Москва, 1972.
- 38.Кифер Ф. О пресуппозициях. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вүпуск VIII. Москва, 1978. стр. 337
- 39.Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. - Л., 1960
- 40.Кодухов В.И. Введение в языкознание. Москва, 1987
- 41.Крейдлин Г.Е. Лексема «даже». В кн.: Семиотика и информатика. №6. Москва, 1975
- 42.Кривоносова А.Т. Система неизменяемых классов слов. Саратов, 1974
- 43.Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. Москва. 1969
- 44.Маскальская И.О. Проблемы системного описания языка. Москва, 1974
- 45.Матезиус В. О так называемое актуальном членении предложения. В кн.: Пражский лингвистический кружок. Москва, 1967
- 46.Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986 й., 6-сон, 28-бет
- 47.Махмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1990 й., 2-сон, 23-бет.
- 48.Мирзаева М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Т., 1978
- 49.Михелевич Е.Е. Логико-смысловые частицы в современном немецком языке. Автореферат канд.дисс. Москва, 1960
- 50.Муталибов С.М. Морфология ва лексика тарихида қисқача очерк. Тошкент, 1959
- 51.Николаева Т.М. Лингвистика текста и проблемы общей лингвистики. «Известия АН СССР». Серия литературы и языка. Москва, 1977. Том-36. вүп.: №4. стр-304
- 52.Николаева Т.М. Современное состояние и перспективы. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вүп.: №8. Москва, 1978, стр.15
- 53.Новое в зарубежной лингвистике. Москва, 1982. Вүп.: №13
- 54.Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент, 1988
- 55.Нурмонов А. Қўмакчили конструкциялар пресуппозицияси. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1986. 6-сон, 42-бет
- 56.Нурмонов А. Проблемы системного исследования синтаксиса узбекского языка. Ташкент, 1982
- 57.Нурмонов А. Сигнификативная оппозиция синтаксических конструкции по признаку «утвердительность», «отрицательность». Автореферат докт.дисс. Ташкент, 1983
- 58.Падучева Е.В. О понятии презумции в лингвистической семантике. В кн.: Семиотика и информатика. №8. Москва, 1977

59. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. Москва, 1974
60. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. Москва, 1974
61. Падучева Е.В. О способах представления синтаксической структуры предложения. «Вопросы языкознания». Москва, 1964, 12, стр.99
62. Панфилов В.З. Взаимоотношение языка и мышления. Москва, 1971
63. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научно-освящении. Москва, 1938
64. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Харьков, 1888.
65. Проблемы теории текста. Рефератный сборник. Москва, 1978
66. Распопов И.А. Актуальное членение предложения. Уфа, 1961
67. Распопов И.П. Очерки теории синтаксиса. Воронеж, 1973
68. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. Ташкент, 1974
69. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-синтактик хусусиятлари. Тошкент, 1983
70. Расулов Р. Ҳам сўзининг қўлланилиш ўринлари ва ифодалайдиган маънолари. АДПИ. Асарлар. VII том. Андижон, 1961. 176-бет
71. Решетов В.В. Основы фонетики и грамматики узбекского языка. Ташкент, 1961
72. Рустамов Т. Категория отрицания в современном узбекском литературном языке. Автореферат канд.дисс. Москва, 1956
73. Свинцов В.И. Смысловый анализ и обработка текста. Москва, 1979
74. Семиотика и информатика. 8, Москва, 1977
75. Сияров Ш. «Анна ва «манна» сўзлари ҳақида. Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. Тошкент, 1965, 159-бет.
76. Скиб Г.Г. Переход самостоятельных слов и служебные. Автореферат канд.дисс. Львов, 1954
77. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. Москва, 1971
78. Степанов Ю.С. Семиотическая структура языка (три функции и три формальных аппарата языка). «Известия АН СССР». Серия литературный и язык. Москва, 1973. том-32. Вып.: 4, стр.340
79. Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. Москва, 1975.
80. Т.Ван Дейк. Вопросы прагматики текста. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып.: VIII. Москв, 1978. стр. 259
81. Торопова Н.А. К исследованию логических частиц. «Вопросы языкознания». Москва, 1978. №5
82. Торопова Н.А. Положительный противочлен отрицания в современном немецком языке. (пресуппозиция отрицаний). Филологический науки. Москва, 1978. №2, стр.68
83. Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1975
84. Уоллес Л. Чейф. Значение и структура языка. Москва, 1975.
85. Уорф Б.Л. Грамматические категории. В кн.: Принципы типологического анализа языков различного строя. Москва, 1972

86. Усмонов С. Умумий тилшунослик. 1975
87. Фортунатов Ф. Избраннѳе трудѳ. №1. Сравнительное язѳкознание. Обѳий курс.
88. Фреге Г. О смѳсле и значении. Перевод. В кн.: Семиотика и информатика. Вѳп.: 8. Москва, 1977
89. Хомский Н. Синтактические структуры. В кн.: Новѳе в лингвистике. Вѳп.: 2. Москва, 1962. стр.416
90. Чистякова Л.М. Частицѳ современного русского язѳка. Автореферат канд.дисс. Ленинград, 1949
91. Шабес В.Я. Собѳтия и текст. Москва, 1989
92. Шахматов А.А. Синтаксис русского язѳка. Вѳп.: 2. Ленинград, 1944
93. Шведова Н.Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи. Моск 94.ва, 1960
95. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980
96. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. Тошкент, 1982.
97. Ҳербак А.М. Грамматика староузбекского язѳка. М.-Л. 1962
98. Ҳерба Л.В. Язѳковая система и речевая деятельность. М., Л. 1974
99. Ўзбек тили грамматикаси. I-II томлар. Тошкент, 1975
100. /уломов А., Асқаров М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1987
101. /уломов А.А. Содда гап. Тошкент, 1955
102. /уломов А. Ўзбек тилида урғу. Тошкент, 1947
103. Ҳожиев А. Совет даврида ўзб.адаб.тилининг тарақ. I-т. Т., 1986
104. Ҳожиев А. Тўликсиз феъл. Тошкент, 1970